

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ

ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ



ОЗИҚ-ОВҚАТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ КАФЕДРАСИ

«ОЗИҚ-ОВҚАТ КИМЁСИ»

фанидан

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Билим соҳаси

300000 -Ишлаб чиқариш - техник соҳа

Таълим соҳаси

320000 -Ишлаб чиқариш технологиялари

Таълим йўналиши

5321000 – Озиқ-овқат технологияси(маҳсулот турлари бўйича)

Гулистон -2018

**Маматқұлова М.Б. Озиқ-овқат кимёси фанидан таълим технологиялари асосида
тайёрланган үқув-услубий мажмua. - Гулистан, 2018. - 84 б.**

Ушбу үқув-услубий мажмua 5321000 – Озиқ-овқат технологияси бакалавриат таълим йүналишида таълим олаётган талабаларга мүлжалланган. Үқув-услубий мажмua Олий ва ўрта маҳсус таълим Вазирлиги томонидан 2016 йил 25 август 355-сонли буйруқнинг 2-иловаси билан тасдиқланган "Озиқ-овқат кимёси" фани намунавий дастури (BD-5321000-3.04) талаблари асосида тайёрланди. Унда илғор педагогик технология тизимиға сұяңған холда озиқ-овқат саноатида ушбу фан бўйича ўрганиш учун керакли барча маълумотлар баён қилинган. Ҳар бир мавзу охирида талабалар томонидан бажарилиши зарур бўлган топшириклар ва назорат саволлари келтирилган. Үқув-услубий мажмua Гулистан давлат университети Илмий кенгаши томонидан (___-сонли баённома ____ 2018 йил) кўриб чиқилган ва үқув жараёнида фойдаланишга тавсия этилган.

Тузувчи: Маматқұлова М.Б. - «Озиқ-овқат технологиялари» кафедраси
үқитувчиси (ГулДУ)

Тақризчилар: Ҷавлатов Р.М.- «Кимё» кафедраси доценти, т.ф.д. (ГулДУ)
Худоёров Ҳ. М. - ГулДУ қошидаги АЛ катта үқитувчиси

МУНДАРИЖА

№	Мавзулар номи	бет
1	Кириш	
2	Назарий материаллар (маъruzалар курси)	
3	Лаборатория ва амалий машғулотлар	
4	Мустақил таълим машғулотлари	
5	Глоссарий	
Иловалар:		
6	Фан дастури	
7	Ишчи фан дастури	
8	Тарқатма материаллар	
9	Тестлар	
10	Ишчи фан дастурига мувофиқ баҳолаш мезонларини қўллаш бўйича услугубий кўрсатмалар	
11	Инглиз ва рус тилидаги хорижий ўқув материаллари (электрон шаклда)	
12	Тақдимотлар ва мультимедиа воситалари (электрон шаклда)	
13	Информацион-методик таъминот	
14	Ўқув-услубий мажмуанинг электрон шакли	

К И Р И Ш

Озиқ–овқат кимёси фани инсоннинг озиқланиши тўғрисидаги етакчи фан ҳисобланади. Фаннинг мақсади хом ашёнинг, ярим тайёр, тайёр озиқ–овқат маҳсулотларининг кимёвий ва компонентли таркибини ўргатишидир. Шунингдек, озиқ–овқат кимёсини ўрганиш обьектларига янги хом ашё манбалари, янги озиқ–овқат маҳсулотларини конструирлаш ва бенуқсон озиқ – овқат ишлаб чиқариш технологиялари киради.

Озиқ–овқат маҳсулотлари қоида бўйича кўп компонентли ҳисобланади, уларга хар хил синфлардан ташкил топган биологик кимёвий бирикмалар киради. Шунинг учун озиқ–овқат маҳсулотларини ўрганиш анча мураккабдир.

Озиқ–овқат кимёсининг энг долзарб муаммоларидан бири ишлаб чиқариш ва озиқ–овқат тизимини таҳлил усусларини юксалтиришидир. Шу билан бир қаторда озиқ–овқат маҳсулотларининг озуқавий қийматини методик ҳисобини ҳам чуқур ўрганиш талаб қилинади.

Ушбу мажмуа, яъни умумий озиқ–овқат кимёси курсида талабаларга озиқ–овқат хом ашёсини таркиби ўргатилади, ҳамда зарур бўлган маълумотлар билан танишириди. Буларни талабалар ўз устида ишлаб барчасини мустақил ўқиб ўрганишлари зарурдир.

Ўқув-услубий мажмуа қўйидагиларни ўз ичига олади:

1. Назарий материаллар (маъruzалар курси)
2. Амалий ишларни бажариш буйича услубий кўрсатмалар
3. Талаба мустақил ишлари буйича материаллар (мустақил иш топшириқлари)
4. Глоссарий.

Иловалар:

1. Намунавий ва ишчи ўқув дастурлар.
2. Тарқатма материаллар.
3. Назорат саволлари ва тестлар.
4. Инглиз ва рус тилидаги хорижий ўқув материаллари (электрон шаклда).
- 5 Тақдимотлар ва мультимедиа воситалари (электрон шаклда)
6. Қўшимча дидактик материаллар.

Мазкур ўқув-услубий мажмуа (5-семестр учун) Вазирликнинг 2017 йил 1 марта 107-сонли бўйруғи билан тасдиқланган «Олий таълим ўқув режалари фанларининг янги ўқув-услубий мажмуаларини тайёрлаш буйича услубий кўрсатма» асосида яратилган ўқув-услубий мажмуалардан бири бўлганлиги сабабли, унда баъзи жузъий камчиликлар, мунозарали қарашлар ва атамалар учраши мумкин. Шунга кўра, мажмуа ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдирган ҳамкасларига муаллиф олдиндан ўз миннатдорчилигини билдиради.

Манзилимиз: 120100, Гулистон шаҳри, 4-мавзе, Университет боши биноси, 2-қават 239-хона «Озиқ-овқат технологиялари» кафедраси.

НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР (МАЪРУЗАЛАР КУРСИ) 1-МАВЗУ:ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАРКИБИДАГИ ЛИПИДЛАР (ЁҒЛАР ВА МОЙЛАР)

Режа

1. Липидларнинг тузилиши ва таркиби.
2. Оддий липидлар.
3. Мураккаб липидлар.
4. Ёғларнинг ферментатив гидролизи.
5. Озуқавий маҳсулот ишлаб чиқаришида ёғларнинг ўзгариши.

Таянч сўз ва иборалар: липидлар, оддий ва мураккаб, совунланадиган ва совунланмайдиган липидлар, триацилглициерин, диацилглициерин, моноацилглициерин, тўйинган ёғ кислоталари, тўйинмаган ёғ кислоталари, оксикислоталар.

Липидларнинг тузилиши ва таркиби

Липидлар - бу уч атомли спирт – глицерин ва бир асосли юқори карбон кислоталардан ҳосил бўлган мураккаб эфирлар аралашмасидир. Углеводлар ва оқсиллар каби тирик организмларнинг асосий қисмини ташкил этади.

Липидлар ҳам углеводларга ўхшаб барча тирик организмларда кенг тарқалган моддалардан ҳисобланади. Улар хужайраларнинг барча структура элементлари, биринчи навбатда, мемраналар таркибига киради.

Липидларнинг таркиби ва тузилиши углеводларнига нисбатан анча мураккаб. Улар таркибидаги спиртлар, альдегидлар, ёғ кислоталар ва азот асослари, фосфат кислота, углеводлар, аминокислоталар ва бошқа моддаларнинг қолдиги учрайди.

Триглициеридлар таркибига эфирли бириктирувчилар билан бириккан глицерин ва ёғ кислоталари киради. Ёғ кислоталари липидларнинг асосий таркибий қисмлари бўлиб (90 % га яқин), айнан уларнинг тузилиши ва хусусиятлари овқат ёғларининг ҳар хил турларининг хоссаларини белгилайди. Габиатига кўра овқат ёғлари ҳайвон ва ўсимлик ёғларига бўлинади. Кимёвий тузилишига кўра ўсимлик ёғлари ҳайвон ёғларидан ёғ-кислотали таркиби билан ажралиб туради. Ўсимлик ёғларидаги тўйинмаган ёғ кислоталарининг юқори даражада бўлиши уларга суюқ агрегат ҳолатни беради ва уларнинг озуқавий қийматини белгилайди. Ўсимлик ёғлари (мойлар) оддий шароитда суюқ агрегат ҳолатида бўлиб, фақатгина пальма ёғи бундан мустаснодир.

Липидлар организмда жуда кўп функцияларни: энергияга бой озиқ запаси вазифасини бажаради, хужайра мемраналари таркибига кириб, уларнинг ўтказувчанигини бошқаришда иштирок этади. Баъзилари нерв импульсларининг ўтишида, митохондриал мемраналарнинг тузилишида иштирок этиши туфайли оксидланишли фосфорланишда қатнашади. Улар организмда химоя вазифасини ҳам бажаради. Ниҳоят, липидлар оқсиллар ва бошқа моддалар билан бирикб, мураккаб комплекслар ҳосил қиласиди, натижада улар ҳаракатчан шаклда бўлиб, кўп ҳаётий процессларда қатнашади.



Липидларнинг тузилиши ва функциялари қанча хилма-хил бўлмасин, уларнинг ҳаммаси гидрофоб хусусиятга эга бўлиши билан характерланади, улар сувда эримайди, органик эритувчиларда (ацетон, CHCl_3 , бензол, CCl_4 эфир, бензин ва бошқаларда) яхши эрийди. Лекин, шуни таъкидлаш керакки, уларнинг органик эритуачиларда эрувчанлиги бир хил эмас. Шунга қараб, улар бир-биридан осон ажратилади. Эрувчанлигига қараб классификацияланади. Лекин, бундан классификация уларнинг таркиби, хоссалари ва биологик функцияларини акс эттирамайди.

Умуман липидлар классификацияси ҳозирги кунгача аниқ шаклланмаган. Айниқса, уларнинг янги группаси диоллипидларнинг кашф этилиши билан бу масала янада мураккаблашиб кетди. Ҳатто липидлар синфига қайси моддаларни киритиш масаласи хам узил-кесил ҳал бўлган эмас. Баъзилар гидрофоб хусусиятли витаминлар, терпенлар, пигментлар ва шунга ўхшаш моддаларни ҳам липидларга киритадилар.

Липидларни таркибига қараб икки группага: оддий ва мураккаб липидларга бўлиш мумкин.

Оддий липидларнинг кўпчилиги икки компонентли бўлиб, химиявий жиҳатдан спиртларнинг ёғ кислоталар билан ҳосил қилган мураккаб эфирлариdir. Уларга ёғлар, мумлар, стеридлар, оддий диоллипидлар ва бошқаларни киритиш мумкин. Оддий липидлар таркибидаги азот, фосфор ва олтингугурт бўлмайди¹.

Мураккаб липидлар кўп компонентли бирикмалар бўлиб, уларнинг таркибидаги ёғ кислоталар ва спиртлардан ташқари азот асослари, фосфат кислота, углевод аа бошқалар қолдиги учрайди. Уларга фосфолипидлар, сфинколипидлар, глюколипидлар, мураккаб диоллипидлар ва бошқаларни киритиш мумкин.

Гидролизланиши бўйича совунланадиган ва совунланмайдиган липидларга бўлинади.

Энг муҳим оддий липидларга ацилглицеринлар киради.

Ёғлар таркибига триацилглицерин, диацилглицерин ва моноацилглицерин киради.

Тоза ацилглицеринлар рангсиз, хидсиз ва таъмсиз бўлади. Липидларни ранги ва таъми улар таркибидаги ўзига хос моддалар орқали шаклланади.

Нормал даражада тушаётган ёғларнинг умумий миқдоридан 95 % и инсоннинг ошқозон-ичак йўлларида сўрилади.

Ўсимликларда липидлар асосан ўсимликларнинг уруғи ва меваларида йигилади. Масалан:

Кунгабоқарда 30-58

Чигитда 20-29

Сояда 15-26

Ерёнфокда 50-61

Тарвуз уруғида 15-45

Хайвонлар ва баликларда липидлар тери остида, тўқималар орасида йигилади.

Осётр балиғида 20-25%

Сельд балиғида 10%

Чўчқада 33%

Мол гўштида 9,8%

Кийик сутида 17-18%

Эчки сутида 5%

Сигир сутида 3,3-5,0% бўлади.


Баъзи бир микроорганизмларда 60% гача бўлади.

ОДДИЙ ЛИПИДЛАР(ЁҒЛАР)

Ёғлар табиатда кенг тарқалган бўлиб, улар одам, ҳайвон, ўсимликлар ва микроорганизмлар, ҳатто айрим вируслар таркибидаги учрайди. Махсус тўқималарда уларнинг миқдори 90% га етади. Ҳозирги вақтда ёғларнинг 600 дан ортиқ тури аниқланган бўлиб, шундан 220 таси ўсимликлардан, 180 таси қуруқликда яшовчи ҳайвонлардан, 100 таси сувда


¹(H.-D. Belitz W. Grosch P. Schieberle, Food Chemistry, Springer-Verlag Berlin Heidelberg, 2009, pp. 159-162.

яшовчи ҳайвонлардан ажратиб олинган. Ёғлар химиявий жиҳатдан индивидуал моддалар бўлмай, уларнинг таркибида глицериннинг ёғ кислоталар билан ҳосил қилган мураккаб эфирлари (триглицириллар), эркин ёғ кислоталар, витаминалар, пигмент моддалар ва бошқалар учрайди. Лекин уларнинг асосий қисмини триглицириллар ташкил этади. Уларнинг умумий формуласи куйидагича ифодаланади:




$\text{R}_1\text{R}_2\text{R}_3$ — ёғ кислоталарнинг углеводород радикали. Улар, аввало, углеводород занжирининг тузилиши ва тўйинганлик даражаси билан характерланади. Кўпинча уларнинг таркибида углерод атомлари жуфт сонларда бўлади.

Классификация липидов



Ацилглицирин (глицириллар) - глицерин ва юқори молекуляр карбон кислоталарининг мураккаб эфирлари. Улар липидларнинг асосий массасини (айrim ҳолларда 95-96 %) ташкил қиласи ва айнан улар ёғлар ва мойлар деб аталади.

Ёғлар таркибига асосан триацилглицириллар (триглицириллар) киради, бироқ ди- ва моноацилглицириллар ҳам мавжуд:



Барча ацилглицеринларнинг структура компонентларидан бири бўлиб глицерин хисобланади, шунинг учун мойларнинг хоссалари уларнинг молекулаларини тузишида иштирок этувчи ёғ кислоталарининг таркиби билан ва бу кислоталар қолдигининг ациллар ацилглицериллар молекуласидаги ҳолати билан белгиланади.

Ёғлар таркибида учрайдиган кислоталарнинг хили турли-туман бўлишига қарамай, улар миқдори маълум қонуният асосида тақоррланади. Масалан, табиий ёғлар таркибида энг кўп олеат кислота (30%), сўнг пальмитат кислота (15%) учрайди. Шунинг учун ҳам бу икки кислотага ёғларнинг энг асосий кислоталари деб қаралади. Қолган кислоталарнинг миқдори жуда кам бўлиб, айрим ҳоллардагина уларнинг миқдори ўнлаб процентларда ифодаланади. Стеаринат кислота нисбатан кўпроқ (25% ва ундан ортиқ), айрим ҳайвон (қўй, мол)лар, тропик ўсимликлар (кокос мойи) ёғи таркибида учрайди. Линолат ва линоленат кислоталар зифир, кунгабоқар, пахта ва бошқа ўсимликлар мойи таркибида нисбатан кўп миқдорда бўлади. Айрим триглицеридларнинг ёғ кислоталар таркиби 1.1.-жадвалда кўрсатилган.

1.1.-жадвал


Айрим триглицеридларнинг ёғ кислоталар таркиби

Кислоталар	Нисбий миқдори (мол/%)				
	одатда молларда	чўчкаларда	қўйларда	мол жигари ёғи	мол сутининг ёғи
Миристинат	3	7	1	2	3
Пальмитат	23	29	28	25	35
Стеаринат	6	21	10	26	5
Пальмитоолеинат	5				10
Олеинат	50	41	58	42	36
Линоленат	10	2	3	5	8
					3


Ҳайвонлар ёғи кўпроқ тўйинган ёғ кислоталарга, ўсимликларни эса тўйинмаган ёғ кислоталарга бой бўлади. Тўйинмаган кислоталар ичida биологик жиҳатдан энг муҳимлари линолат, линоленат, арахидонат ва липоат кислоталар бўлиб, улар ҳайвонлар ва одам организмида синтезланмайди. Шунинг учун улар алмашинмайдиган ёғ кислоталари деб аталади ва витаминалар қаторига киритилади.

Триглицеридлар кимёвий жиҳатдан иккига: оддий триглицеридлар ва аралаш триглицеридларга бўлинади.


Оддий триглицеридлар таркибида учрайдиган хар учала ёғ кислотанинг қолдиги бир хил бўлади. Масалан:



Трипальмитин




Тристеарин




Триолеин


Аралаш, триглицеридлар таркибида учрайдиган ёғ кислоталарнинг қолдиги ҳар хил бўлиши мумкин, Масалан:



Пальмитодистеарин





Пальмитостеароlein



Дипальмитоолеин

Аралаш триглицеридлар ёғ кислоталар колдигининг жойланишига қараб турли изомерлар ҳосил қилиши мумкин. Буни фарқ қилиш учун глицериндаги углерод атомларини α - ; β - ; γ - билан белгилаб, кислота колдигининг жойлашиши кўрсатилади. Масалан;

 α -пальмито- β -олео- γ -стеарин α -олео- β -стеаро- γ -пальмитин

Ёғларнинг хоссалари таркибидаги моддаларнинг табиатига боғлиқ. Таркибидаги кислоталарнинг тўйинганлик даражасига қараб, уларни иккига: ёғлар ва мойларга бўлиш мумкин. Ёғлар дейилганда, одатдаги шароитда қаттиц, температура кўтарилини билан суюқланадиган турлари тушунилади. Улар таркибида тўйинган ёғ кислоталар қолдиги қанча кўп бўлса, суюқланиш температураси шунчак юқори бўлади. Масалан, мол ёғи 31—38° да, чўчка ёғи 50—70° да, какао ёғи 30—40° да суюқланади, чунки уларнинг таркиби пальмитинат ва стеариат кислоталарга бой бўлади.

Мойлар одатдаги шароитда суюқ, юқорида айтганимиздек, таркиби олеинат, линолат, линоленат кислоталарга бой бўлади.

Тўйинган ёғ кислоталари

Овқатда нисбатан кўпроқ учрайдиган тўйинган ёғ кислоталари (ТЁК) киска занжирли (4...10 углерод атомлари – ёғ, капрон, каприл, каприн), ўртача занжирли (12...16 углерод атоми (лаурин, миристин, пальмитин) ва узун занжирли (18 та ва ундан кўпроқ углерод атоми – стеарин, арахидин) ларга бўлинади.

Лаурин кислота $\text{CH}_3-(\text{CH}_2)_{10}-\text{COOH}$

$\text{C}_{12:0}$

Миристин кислота $\text{CH}_3-(\text{CH}_2)_{12}-\text{COOH}$

$\text{C}_{14:0}$

Пальмитин кислота $\text{CH}_3-(\text{CH}_2)_{14}-\text{COOH}$

$\text{C}_{16:0}$

Стеарин кислота $\text{CH}_3-(\text{CH}_2)_{16}-\text{COOH}$

$\text{C}_{18:0}$

Арахин кислота $\text{CH}_3-(\text{CH}_2)_{18}-\text{COOH}$

$\text{C}_{20:0}$

Киска углерод занжирига эга бўлган ёғ кислоталари қондаги альбуминлар билан қарийб боғланмайди, тўқималарда тўпланмайди ва липопротеинлар таркибига кирмайди – улар

қувват ва кетон танаачалар пайдо бўлиши билан тез оксидланиш хусусиятига эга. Бундан ташқари, улар бир қатор биологик функцияларни бажаради, масалан, ёғ кислотаси ичаклар шиллиқ пардаси даражасидаги яллиғланишлар, иммун жавоби ва генетик регуляция модулятори сифатида хизмат қилади, шунингдек, ҳужайралар табақалашуви ва апоптозини таъминлайди. Каприн кислотаси вирусга қарши фаолликка эга бирикма – монокаприннинг яратувчисидир. Қисқа занжирли ёғ кислоталарининг ошиқча тушиши метаболик ацидоз ривожланишига олиб келиши мумкин.

Ўртача ва узун углерод занжирига эга ёғ кислоталари, аксинча, липопротеинлар таркиби қўшилиб, қон оқими билан айланиб юради, ёғ қатламларида тўпланади ва организмдаги бошқа липоид бирикмалар, масалан, холестеринни синтезлашда фойдаланилади. Бундан ташқари, лаурин кислотаси бир қатор микроорганизмларнинг, хусусан, *Helicobacter pylory* нинг, шу жумладан, замбуруғлар ва вирусларнинг биомемраналаридаги липид қатламини емириш ҳисобига уларнинг фаоллигини сусайтириш қобилиятига эгалиги аниқланган.


Лаурин ва миристин ёғ кислоталари кўпроқ даражада қон зардобидаги холестерин даражасини оширишади ва бунинг шарофати билан атеросклероз ривожланишида энг катта хавфга эга бўладилар.

Пальмитин кислотаси ҳам липопротеинларнинг ортиқча синтезланишига олиб келади. У асосий ёғ кислотаси бўлиб, кальцийни парчалаб (совунлаб), ҳазмланмайдиган мажмууга (ёғли сут маҳсулотлари таркибида) боғлади.

Стеарин кислотаси ҳам худди қисқа занжирли ёғ кислоталари сингари қондаги холестерин миқдорига қарийб таъсир қўлмайди, бундан ташқари у холестериннинг эрувчанлигини камайтириш ҳисобига унинг ичакда сўрилишини камайтиришга қодир.


Ёғларнинг таркиби ҳар хил бўлганлиги учун ранги, мазаси бир хил бўлмайди. Уларнинг ранги кўпинча ажратиб олинган объектга, агар ҳайвон бўлса, озиқланиш сифатига боғлиқ бўлади. Масалан, қўй ёғининг ранги оқ, мол ёғиники сарғиш, айrim ҳолларда оқиш бўлади ва ҳоказо.

Тоза триглицеридлар рангсиз, ҳидсиз. Улар осон гидролизга учрайди. Уларнинг гидролизланиши ишқор иштирокида борса, глицерин ва ёғ кислоталарнинг ишқорий металлар билан ҳосил қилган тузи — совун ҳосил бўлади.



Агар NaOH ўрнига KOH олинган бўлса, қаттиқ совун эмас, суюқ совун ҳосил бўлади. Шунинг учун бу процесс совунланиши деб аталади.

Триглицеридлар таркибида тўйинмаган ёғ кислоталар қолдиғи сақланганлиги учун улзр турли хил реакцияларда иштирок этиши мумкин. Улардан энг муҳимларн водород ҳамда йод билан бирикиш реакцияси ҳисобланади. Буни схема равишда куйидагича ифодалаш мумкин:



Суюқ ёғларни қаттиқ ёғларга айлантириш (маргарин ишлаб чиқариш) водородни бириктириб олиш реакциясига асосланган. Бу процесс саноатда ёғларни гидрогенлашдеб аталади.

Одатда, ёғлар таркибидаги тўйинмаган кислоталар қолдиғининг миқдорини аниқлаш учун йод сонидан фойдаланилади.

Йод сони - 100 г ёғ бириктириб олган йоднинг грамм миқдори билан ифодаланади. Демак, айни ёғнинг йод сони қанча катта бўлса, унинг таркибида тўйинмаган ёғ кислоталар шунча кўп, агар аксинча бўлса, тўйинган ёғ кислоталар кўп бўлади. Тўйинмаган ёғ кислоталар қолдиғи ҳавода қисман оксидланиши мумкин, бунинг натижасида ёғнинг таъми аччиқ бўлиб қолади.

Ёғлар организмдаги функциясига караб икки группага: *запас* ва *протоплазматик* ёғларга бўлинади.

Запас ёғ деполарига тери ости ёғ қавати, чарви, буйрак, юрак, жигар атрофида тўпланадиган ёғлар киради. Шунингдек, улар ўсимликлар ургида, айиқса кунгабоқар пистасида, чигит, канакунжут, зифир ва бошқаларда кўп бўлади. Бундай ёғлар организмда запас озиқ, яънлизапас энергия манбаи вазифасини бажаради. Ҳайвонлардаги ва одамдаги запас ёғ миқдори организмнинг табиатига, овқатланиш даражасига, муҳитга ва бошқа факторларга боғлиқ.

Протоплазматик, яъни структура ёғлар ҳужайра протоплазмаси таркибига киради ва оқсил ҳамда бошқа моддалар билан мураккаб комплекслар ҳосил қилган ҳолда муҳим биологик функцияларни бажаради. Уларнинг миқдори овқатланиш даражасига боғлиқ эмас. Ҳатто организм узоқ вақт оч қолганда ҳам уларнинг миқдори ўзгармайди.

Овқат таркибидаги ёғлар соғ ёғли маҳсулотлар (сарёғ, чўчка ёғи ва ҳоказо) ва кўпгина маҳсулотлар таркибига киравчи яширин ёғлар сифатида намоён бўлади (1.2.-жадвал).

1.2.-жадвал

Овқат ёғларининг асосий манбалари

Озиқ-овқат маҳсулотлари	10 г ёғ бўлган порция ўлчами, г	Порциянинг қувватий қиймати, ккал
Ёғли маҳсулотлар		
Ўсимлик ёғи	10	90
Пазандалик мойи	10	90
Чўчка ёғи	11	92
Сарёғ	12	90
Маргарин	12	89
Ёғли чўчка гўшти	20	98
Хом дудланган чўчка колбасаси	20	114
Таркибида яширин ёғ бўлган маҳсулотлар		
Майонез (газак чучитувчилар)	14	99
Фундук ёнгоғи	15	106
Бодом	17	110
Кунгабоқар пистаси	20	120
Ерёнгоқ, писталар	20	118
Қовурилган картошка – чипси	25	142
Пиширилган-дудланган колбасалар (сервелат)	25	106
Сутли шоколад	30	165
Кремли пирожний	30	167
Ҳолва	35	180
Қаттиқ пишлок	35	132
Безакли пишлокчалар	35	142
Парҳез колбасаси, сосискалар	45	117
20 % ёғли сметана	50	103
Ёғли творог	55	128
Авокадо	60	103
Зайтун меваси (шўр сувида)	60	105
Товуқ тухуми	100 (2 дона)	157
Қаймоқли музқаймоқ	100	178
Севрюга балиғи	100	160
Сут ва 3,2 % ёғли қатик	310	180

Таркибида яширин ёғ мавжуд бўлган маҳсулотлар инсон организмига овқат ёғларини асосий етказиб берувчиладир.

Тўйинмаган ёғ кислоталари

Тўйинмаган ёғ кислоталарини тўйинмаганлик даражасига қараб монотўйинмаган ёғ кислоталари (МТЁК) ва политўйинмаган ёғ кислоталари (ПТЁК) га бўлинади.

Олеин кислота $\text{CH}_3-(\text{CH}_2)_7-\text{CH}-(\text{CH}_2)_7-\text{COOH}$ C_{18:1}-9-цис

Линол кислота $\text{CH}_3-(\text{CH}_2)_4-\text{CH}=\text{CH}-\text{CH}_2-\text{CH}=\text{CH}-(\text{CH}_2)_7-\text{COOH}$ C_{18:2}-9-цис,12-цис

Линолен кислота $\text{CH}_3-(\text{CH}_2-\text{CH}=\text{CH})_3-(\text{CH}_2)_7-\text{COOH}$ C_{18:3} 9-цис, 12-цис, 15-цис.

Бу кислоталар уч гурухга бўлинади: ω3 (линолен турларга), ω6 (линол турларга) ва ω9 (олеин турларга).

1.3. -жадвал

Table 3.7. Unsaturated fatty acids

Abbreviated designation	Structure	Common name	Melting point (°C)
<i>A. Fatty acids with nonconjugated cis double bonds</i>			
	ω9-Family		
18:1 (9)	$\text{CH}_3-(\text{CH}_2)_7-\text{CH}=\text{CH}-\text{CH}_2-(\text{CH}_2)_6-\text{COOH}$	Oleic acid	13.4
22:1 (13)	$-(\text{CH}_2)_{10}-\text{COOH}$	Eruic acid	34.7
24:1 (15)	$-(\text{CH}_2)_{12}-\text{COOH}$	Nervonic acid	42.5
	ω6-Family		
18:2 (9, 12)	$\text{CH}_3-(\text{CH}_2)_4-(\text{CH}=\text{CH}-\text{CH}_2)_2-(\text{CH}_2)_6-\text{COOH}$	Linoleic acid	-5.0
18:3 (6,9,12)	$-(\text{CH}=\text{CH}-\text{CH}_2)_3-(\text{CH}_2)_3-\text{COOH}$	γ-Linolenic acid	
20:4 (5,8,11,14)	$-(\text{CH}=\text{CH}-\text{CH}_2)_4-(\text{CH}_2)_2-\text{COOH}$	Arachidonic acid	-49.5
	ω3-Family		
18:3 (9, 12, 15)	$\text{CH}_3-\text{CH}_2-(\text{CH}=\text{CH}-\text{CH}_2)_3-(\text{CH}_2)_6-\text{COOH}$	α-Linolenic acid	-11.0
20:5 (5,8,11,14,17)	$-(\text{CH}=\text{CH}-\text{CH}_2)_5-(\text{CH}_2)_2-\text{COOH}$	EPA ^a	
22:6 (4,7,10,13,16,19)	$-(\text{CH}=\text{CH}-\text{CH}_2)_6-\text{CH}_2-\text{COOH}$	DHA ^a	
	Δ9-Family		
18:1 (9)	$\text{CH}_3-(\text{CH}_2)_7-\text{CH}=\text{CH}-\text{CH}_2-(\text{CH}_2)_6-\text{COOH}$	Oleic acid	13.4
16:1 (9)	$\text{CH}_3-(\text{CH}_2)_5-$	Palmitoleic acid	0.5
14:1 (9)	$\text{CH}_3-(\text{CH}_2)_3-$	Myristoleic acid	
<i>B. Fatty acids with nonconjugated trans-double bonds</i>			
18:1 (tr9)	$\text{CH}_3-(\text{CH}_2)_7-\text{CH}\rightleftharpoons\text{CH}-(\text{CH}_2)_7-\text{COOH}$	Elaidic acid	46
18:2 (tr9, tr12)	$\text{CH}_3-(\text{CH}_2)_4-\text{CH}\rightleftharpoons\text{CH}-\text{CH}_2-\text{CH}\rightleftharpoons\text{CH}-(\text{CH}_2)_7-\text{COOH}$	Linolelaidic acid	28
<i>C. Fatty acids with conjugated double bonds</i>			
18:2 (9, tr11)	$\text{CH}_3-(\text{CH}_2)_5-\text{CH}\rightleftharpoons\text{CH}-\text{CH}\rightleftharpoons\text{CH}-(\text{CH}_2)_7-\text{COOH}$		
18:3 (9, tr11, tr13)	$\text{CH}_3-(\text{CH}_2)_3-\text{CH}\rightleftharpoons\text{CH}-\text{CH}\rightleftharpoons\text{CH}-\text{CH}\rightleftharpoons\text{CH}-(\text{CH}_2)_7-\text{COOH}$	α-Eleostearic acid	48
18:3 (tr9, tr11, tr13)	$\text{CH}_3-(\text{CH}_2)_3-\text{CH}\rightleftharpoons\text{CH}-\text{CH}\rightleftharpoons\text{CH}-\text{CH}\rightleftharpoons\text{CH}-(\text{CH}_2)_7-\text{COOH}$	β-Eleostearic acid	71.5
18:4 (9, 11, 13, 15) ^b	$\text{CH}_3-\text{CH}_2-(\text{CH}=\text{CH})_4-(\text{CH}_2)_7-\text{COOH}$	Parinaric acid	85

^a EPA: Eicosapentanoic acid, DHA: Docosahexanoic acid.

^b Geometry of the double bond was not determined.

Бу синфланишдан фойдаланиб 1.3.-жадвалдан кўриниб турибдики, C₁₈ ёғ кислоталари маҳсулотларда кўп топилган, шунингдек, кам микдорда тез-тез учрайдиган кислоталар ҳам мавжуд. Масалан, эйкозамоноен кислота (20:1) ω9 гурухига мансуб бўлиб *Brassicaceae* уруғида, арахидон кислота (20:4) ω6 синифига мансуб бўлиб гўшт, жигар, чўчка ёғи ва товук тухуми липид таркибида учрайди. Кўш боғ 5 ва 6 бўлган C₂₀ C₂₂ ёғ кислоталари ω3синифига мансуб бўлиб, балиқ ёғи таркибида кўп учрайди.

Овқат ёғлари таркибига киравчи ёғ кислоталари учта катта гурухларга бўлинади: тўйинган, монотўйинмаган ва политўйинмаган (1.4.-жадвал).


1.4. – жадвал

Асосий овқат ёғ кислоталари ва уларнинг физиологик аҳамияти


Овқатдаги ёғ кислотаси	Асосий манба	Физиологик аҳамияти ва айланиш йўллари	Организм учун алмаштирилиши
Тўйинган ёѓлар			
Ёғ4:0	Сут ёғи	Тўқималарда тез оксидланиш Гиперхолистеринемия самараси, паст зичликдаги липопротеидлар миқдорини ошириш Ёѓлар алмашинувига нейтрал таъсир	Алмаштирилувчи
Каприл 8:0	Пальма ёнғоги ёғи		
Каприн 10:0	Кокос ёғи		
Лаурин 10:0	Пальма ёнғоги ёғи, кокос ёғи		
Миристин 14:0	Сут ёғи, пальма ёнғоги ёғи		
Пальмитин 16:0	Ёѓлар ва мойларнинг кўпчилиги		
Стеарин 18:0	Юкоридаги каби		
Монотўйинмаган			
Пальмитолеин 16:n-7	Балиқ ёғи	Гиперхолистеринемия самараси ЮЗЛП* концентрацияси ошиши	Алмаштирилувчи
Олеин 18:1 n-9	Ёѓлар ва мойларнинг кўпчилиги		
Элаидин(транс) 18:1 n-9	Гидрогенизацияланган ўсимлик ёѓлари		
Политўйинмаган			
Линол 18:2 n-6	Ўсимлик ёѓларининг кўпчилиги	Гиперхолистеринемия самараси, биологик фаол бирикмалар синтези	Алмаштирилмас
Линолен 18:3 n-3	Бир қатор ўсимлик ёѓлари		
Арахидон 20:4 n-6	Чўчқа ёғи	Гиперхолистеринемия самараси, биологик фаол бирикмалар синтези, генлар экспрессиясини маромлаштириш	Қисман линол ва линолен кислоталаридан синтезланиши мумкин
Эйкозапентаен 20:5 n-3	Денгиз балиқлари ёғи		
Докозагек-саен 22:6 n-3	Денгиз балиқлари ёғи		

*ЮЗЛП – Юқори зичликдаги липопротеидлар



Мураккаб липидларнинг муҳим гуруҳига фосфолипидлар киради.



I



I



Сояда -1,8%

Чигитда 1,7%

Кунгабоқарда 1,7%

Фосфолипидлар ва стеринлар

Овқат липидлари таркибига фосфолипидлар ва стеринлар каби аҳамиятли моддалар гурухлари киради. Улар организмда ёѓларнинг яхши ўзлаштирилиши ва жигарнинг ёғ босиши, атеросклероз профилактикасида муҳим роль ўйнайди. Инсоннинг фосфолипидларга бўлган суткалик эҳтиёжи 5 г. Жигар, мия, тухум сарифи, олхўри, дуккакли маҳсулотлар ва рафинацияланмаган ёғ уларга бойдир.

Фосфолипидлар гуруҳига лецитин (фосфотидилхолин), кефалин ва сфингомиелинлар мансубдир. Фосфолипидлар политўйинмаган ёғ кислотаси ва азотли асос билан бириккан фосфор кислотаси билан этерифицияланган глицериндан иборатдир. Овқат билан тушадиган фосфолипидлар мицелла пайдо бўлиши ҳисобига овқат триглицеридларининг абсорбсияланишига кўмаклашади. Улар ичак ҳужайраларида тўлик парчаланади, шу сабабли ҳам организм учун уларнинг жигар ва буйракларда эндоген синтезланиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Лецитиннинг эндоген синтези, қисман, рационда ПТЁК ва холиннинг тушиши билан чегараланади.

Лецитин жигардаги ёғ алмашинувининг бошқарилишида катта аҳамиятга эга – у гепатоцитлардан нейтрал ёғларнинг чиқиб кетиши фаоллашиши ҳисобига жигарда ёғлар тўпланиб, яллиғланиш маҳсулита айланиши (инфилтрация)га тўскинлик қилувчи липотроп овқат омилларига киради. Лецитинни пайдо қилувчи омиллар ва лецитиннинг ўзи энг кўп мавжуд бўладиган озиқ-овқат маҳсулотларига тозаланмаган ўсимлик ёғлари, тухумлар, денгиз балиғи, жигар, сарёғ, парранда гўшти, шунингдек, ёғларни тозалашда иккиласми хом ашё сифатида олинадиган ва озиқ-овқат маҳсулотларини бойитиш учун қўлланиладиган фосфатидли концентратлар киради.

Стеринлар мураккаб органик тузилишга эга: улар гидроароматик нейтрал спиртдан иборатдир. Ҳайвон ёғларида – холестерин, ўсимлик ёғларида – фитостерин мавжуд бўлади. Фитостеринлар орасида β -ситостерин энг юқори биологик фаолликка эга. У гипохолестеринемик таъсирга эга, чунки холестериннинг ичакда сўрилмайдиган мажмуаларини ҳосил қилиши оқибатида холестериннинг абсорбсияланиши сусайди. Шунингдек, ситостеринлар биомембраннынг ҳосил бўлишида иштирок этиши ҳам аниқланган. Ўсимлик ёғларида β -ситостериннинг қуидаги миқдори мавжуд, 100 г маҳсулотда, г;

Жўхори	0,4
Соя	0,3
Ерёнғоқ	0,3
Пахта	0,4
Зайтун	0,3
Кунгабоқар	0,2

Асосий ҳайвон стерини – холестериндир. Мувозанатлаштирилган овқатланиш шароитида унинг жигардаги ТЁК дан эндоген синтез (биосинтез) ланиши 80 % дан кам бўлмайди, қолган холестерин овқат билан тушади. Холестерин алмашинувида витаминлар: аскорбат кислота, В₆, В₁₂, фолат кислота, биофлавоноидлар мухим роль ўйнайди. Биомембраннынг ташкил топиши ва нормал ишлашида, стероид гормонлар, кальцифероллар, ўт кислотаси синтезланишида холестерин асосий аҳамиятга эга. Унинг қондаги миқдори ошиб кетиши атеросклерознинг пайдо бўлиши ва ривожланишига хавф солади.

Холестерин ҳужайранинг структура компоненти ҳисобланади. Ёғ кислоталари ва гормонлар алмашинувида иштирок этади. 70—80% холестерин жигарда ва бошқа органларда синтезланади. Холестеринни маҳсулотлар таркибидаги миқдори қуидагича (%):

Тухум	57%
Сариёғ	0,2%—0,3 %
Пишлок.....	28-16,1%
Гўшт	0,6-1 %
Субмаҳсулотларда .	0,1-30%

Суткалик озиқ-овқат маҳсулотлари билан истеъмоли 0,5 г дан ошмаслиги керак.

Ҳар хил манбалардан олинган ёғ ва мой таркибида тўйинган ва тўйинмаган C₁₀—C₂₀ структурални углеводородлар мавжуд. Кўпчилиги изопренойдлардан, стеринлардан иборат.

Мой ва ёғларни озуқавий қиймати

Ёғлар озиқ-овқат моддалар орасида энг кўп энергия запасига эга. Масалан, 1 г оқсил организмда оксидланиб 4 ккал, 1 г углевод (қанд) эса 4,2 ккал энергия ажратса, 1 г ёғ 9,4 ккал энергия ажратади.

Озуқа рационида ёғларнинг миқдори 30-33% бўлиши тавсия этилади, жанубий районларда яшовчилар учун 27-28%, шимолий райондагилар учун 38-40% ёки кунига 90-107 г.

Узок муддат ёғни кам истеъмол қилиш, инсонларда физиологик фаолиятини бузилишига, жумладан марказий нерв системасини бузилишига, инфекцион кассалликларга нисбатан организмни чидамлигини пасайишига ва умрни қисқаришига олиб келади. Лекин меёридан ортиқ истеъмол қилиш семиришга, юрак-қон томир касалликлари, турли нохуш ҳолатлар ва эрта қаришга олиб келади.

Ёғларнинг энг муҳим манбаларига ўсимлик ёғи (99,7-99,8 % ёғ), сариёғ (61,5-82,5% липид), маргарин (82%), омихта ёғ (50-72% ёғ), сут маҳсулотлари (3,5-30%), шоколад (35-40%), пишлок (2-50%) , колбаса маҳсулотлари(10-23 %)ва бошқа маҳсулотлар киради.

Инсонни озиқланишида фақат ёғларнинг миқдори эмас, балки кимёвий таркиби ҳам муҳим аҳамиятга эга, жумладан тўйинмаган ёғ кислоталари (линол C_{18}^2 ; линолен C_{18}^3 ; олеин C_{14}^1 ; арахидон C_{20}^4) ва 5-6 тўйинмаган ёғ кислоталарни аҳамияти катта. Линол ва линолен кислоталари инсон организмида синтезланмайди. Арахидон линол кислотасидан синтез қилинади. Шунинг учун улар ўрни алмашинмайдиган ёки эссенциал кислоталар дейилади.

Арахидон кислотаси озиқ-овқат маҳсулотларида жуда кам миқдорда бўлиб, ўсимлик мойларида умуман йўқ. Унинг катта миқдори тухумда — 0,5%, субмаҳсулотларда — 0,2-0,3, мияда — 0,5 % ни ташкил этади.

Бугунги кунда линол кислотасига суткалик талаб 4-10 г бўлиши керак деб ҳисобланмоқда. Шунга асосан, линол кислотасининг суткалик талабини тузиш шартdir. Унга кўра озиқ-овқат маҳсулотларида: 10 % политўйинган, 60 % монотўйинган ва 30 % тўйинган ёғ кислоталари мувозанатлашган ҳолда бўлиши керак. Бу кунлик рационнинг $\frac{1}{3}$ қисми ўсимлик ёғлари ва $\frac{2}{3}$ қисми ҳайвон ёғларидан иборат бўлган мувозанатини таъминлайди..

Келтирилган кислоталарнинг биологичик активлиги бир хил эмас.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда липидларнинг ўзгариши

Хом ашёларни қайта ишлашда технологик жараёнлар натижасида уларни таркибидаги липидлар ўзгаришга учрайди. Буларнинг ҳаммаси олинадиган тайёр маҳсулотнинг таркибига, озуқавий ва биологик қийматига таъсир этади.

Бу жараёнларнинг интенсивлиги липидларни кимёвий таркибига, қўшилаётган ва ҳосил бўлаётган (масалан, антиоксидантлар, меланоидинлар) моддаларга, намлика, микроорганизмларнинг борлигига, ферментлар фаоллигига, ҳаводаги кислород билан тўқнашувига, қадоқлаш усули ва бошқа кўргина омилларга боғлиқ.

Ўсимлик ёғи таркибida асосан кўп миқдорда тўйинмаган ёғлар бўлгани учун ҳаво кислороди иштироқида автооксидланиш жараёни кетади.

Ёғни намлиги кам, минерал моддалар бўлмагани учун микроорганизмлар билан заарланмайди ва ёғларни қоронғи жойда узоқ сақлаш мумкин. Ёғларни сақлашни мўътадил ҳарорати $4-6^{\circ}\text{C}$, ҳавони нисбий намлиги 75% ҳисобланади. Уй шароитида шиша идишда қоронғи жойда сақлаш тавсия этилади.

Ҳайвон ёғлари (кўй, чўчка, сигир) ўзини ёғ кислота таркиби билан (тўйинган ёғ кислотаси кўплиги туфайли) сақлашга чидамли ҳисобланади. Лекин, уларни таркибida антиоксидантлар бўлмагани учун бу чидамлилигини камайтиради. Буларнинг ичida сариёғ, маргарин, омихта ёғ бекарор ҳисобланади.

Ёғли хом ашёларни ва тайёр маҳсулотларни сақлашда мураккаб жараёнлар кетади. Масалан, буғдой унини сақлашда гидролитик ва оксидланиш жараёнлари кетиши натижасида тахирланади, оқсиллар билан таъсирланиб нони сифатига таъсир этади.

Ҳозирги вақтда ҳайвонлардан олинадиган ва ўсимлик ёғлари қаторида денгиз балиғи истеъмолининг ҳам ошаётганлигига эволюция жиҳатидан ўзини оқловчи қадам деб қараш мумкин. Бироқ бунда организмга тушадиган ва қуидаги иккита омил билан боғлиқ прооксидант юкламанинг кучайиши имкониятларини ҳам назардан соқит қилмаслик керак бўлади:

- тўйинмаганлик даражаси ўта юқори (беш ёки олтига қўшалоқ бирикмалар), шу сабабли оксидланиш қобилияти юқорироқ бўлган ПТЁК миқдори нисбатан кўпроқ бўлади;
- балиқ ёғида асосий антиоксидант – Е витамини бўлмайди.

Балиқ хом ашёсининг хавфсизлиги муаммосида заҳарли таркибий қисмлар, полихлорланган бифенгиллар ва бошқа контаминалтлар, шунингдек, табиий токсинларнинг қолдиқ миқдорларини назорат қилиш ўта катта аҳамиятга эгадир (бу, айниқса, денгиз балиқлари ва бошқа денгиз маҳсулотларининг ноанъанавий турларидан фойдаланиш вақтида жуда долзарб бўлади).

Озиқ-овқат маҳсулотларининг ёғ-кислоталилик таркибини оптималлаштиришнинг яна бир усули замонавий биотехнология доирасидаги селекция ва ген мухандислиги имкониятлари билан боғлиқдир. Шундай қилиб, одатдаги селекция ишлари натижасида аллақачон юқори олеинли кунгабоқар ёғи ва паст эрукели рапс ёғи олина бошланди. Ҳозирги пайтда ирсий турланиш (модификация) асосида ёғ кислоталари белгиланган таркибда бўладиган ёғ олинувчи ва бошоқли ўсимликлар (биринчи навбатда, соя, рапс ва жўхори) ни яратиш юзасидан илмий-тадқиқот изланишлари олиб борилмоқда.

Моддалар алмашинувининг эҳтимолий ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда, ёғнинг оптимал даражаси рационнинг қувватий қийматини 20...30 % и орасида бўлади, яъни рациондаги 1100 ккал. да 35 г. дан ошмаслиги лозим. Қувват сарфланиши ўртacha бўлган одам учун бу тахминан бир суткада 70 ... 100 г ёғни ташкил этади.

Инсон организми липид бирикмаларининг кўпчилиги зарурат туғилганида алмашинув жараёнларида углеводлардан синтезлаб олинади. Бундан факат мос равишда ω-6 ва ω-3 оиласига кирувчи линол ва линолен алмаштирилмас политўйинмаган ёғ кислоталаригина мустаснодир. Шу сабабли ҳам ПТЁКнинг умумий тушиши меъёрланади: у рацион қувватий қийматининг 3 ... 7 % и орасида бўлиши, линол кислотага бўлган эҳтиёж ҳам 6 ... 10 г/сут миқдоридан ошмаслиги лозим (бу миқдор 1 ош қошиқ ўсимлик ёғида мавжуд бўлади). Линол кислотаси учун учун меъёрий миқдор белгиланмаган, аммо у овқатдаги линол кислотасининг 10 % идан кам бўлмаган миқдорда тушиши керак.

Оксидланиш жараёнларини ошиши натижасида маҳсулот таркибида организм учун зарарли моддалар ҳосил бўлади. Шунинг учун бундай маҳсулотларни оксидланишдан сақлаш муҳим вазифа ҳисобланади.

Назорат саволлари

1. Липидларга тавсиф беринг.
- 2.Липидларни гидролизлаш, ациллаш, переациллаш, переэтерификациациялаш реакцияларини ёзиз беринг.
3. Маҳсулотларни сақлаша липидларни ўзгариши қандай?

2-МАВЗУ: ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАРКИБИДАГИ МИНЕРАЛ МОДДАЛАР

Режа

1. *Инсон организмида минерал моддаларнинг аҳамияти.*
2. *Макроэлементлар.*
3. *Микроэлементлар.*
4. *Технологик ишловларни озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги минерал моддаларни ўзгариши.*

Таянч сўз ва иборалар: минерал моддалар, микроэлементлар, макроэлементлар, қалқонсимон без, йод, темир, анемия, магний, марганец, мис, хром, фтор.

Инсон организмида минерал моддаларнинг аҳамияти

Тирик организм таркибидаги органик моддалар таркибига кўпгина минерал моддалар, ионлар, комплекс бирикмалар киради².

Минерал моддаларни миқдорига қараб улар макро- ва микроэлементларга бўлинади.

Агар организмда минерал моддаларнинг миқдори 10^{-2} %, кўп бўлса, улар **макроэлементлар** ҳисобланади.

Микроэлементларни миқдори 10^{-3} - 10^{-5} % ни ташкил этади. Агар минерал моддаларни миқдори 10^{-5} % кам бўлса, улар ультрамикроэлементлар дейилади.

2.1-жадвал

Инсон организмига тушадиган кундалик кимёвий элементлар (мгда)

Унсур	Катталар	Болалар	Унсур	Катталар	Болалар
K	2000-5500	530	Сг	0,05-0,2	0,04
Na	1100-3300	260	Со	0,2	0,001
Ca	800-1200	420		(витамин B ₁₂)	
Mg	300-400	60	C1	3200	470
Zn	15	5	P0 ₄ ³⁻	800-1200	210
Fe	10-15	7	SO ₄ ²⁻	10	-
Mn	2,0-5,0	1,3	I	0,15	0,07
Cu	1,5-3,0	1	Se	0,05-0,07	—
Mo	0,075-0,250	0,06	F	1,5-4,0	0,6

Макроэлементларга калий, натрий, кальций, магний, фосфор, хлор ва олтингугурт киради. Уларни миқдори 100 г маҳсулот таркибида бир неча ўн ва юз миллиграмм миқдорида бўлади.

Микроэлементлар организмда бир неча мкгдан бир неча 100 мкг миқдорида бўлади.

Микроэлементлар шартли равишда 2 та гурухга бўлинади: абсолют ёки ҳаётий зарур (кобальт, темир, мис, рух, марганец, йод, бром, фтор) ва эҳтимолий зарурий (алюминий, стронций, молибден, селен, никель, ванадий ва бошқалар).

Ҳаётий зарур микроэлементлар шундай моддаларки, улар етишмаганда организмни нормал ҳаётфаолияти бузилади.

Инсонни озиқланишида энг танқис минерал моддаларга кальций ва темир, ортиқчасига натрий ва фосфор киради.

Макроэлементлар

Кальций. Тиш ва суюкни асосий компоненти ҳисобланади. Биокимёвий ва физиологик жараёнларни кетишида муҳим роль ўйнайди. Катта ёшдаги инсонлар кунига 800 мг, болалар ва ўсмирлар 1000 мг истеъмол қиласди.

²H.-D. Belitz · W. Grosch · P. Schieberle, Food Chemistry, Springer-Verlag Berlin Heidelberg, 2009, 421-424 б.

Кальций манбаига сут ва сут маҳсулотлари, пишлок (100 г да 100-1000 мг), кўк пиёз, петрушка, ловия ҳисобланади.

Кальцийга бой бўлган маҳсулотлар (Ca)				
100 гр. иисбатан тахминий кўрсатилган				
Эритилган пишлок	Бринза	Бодом	Горчица	Писта
				
760 - 1005 мг	630 мг	273 мг	254 мг	250 мг
Саримсоқ	Фундук	Творог	Ловия	Сметана
				
180 мг	170 мг	154 мг	150 мг	90 - 120 мг
Сўли ёрмаси	Нўхат	Арпа ёрмаси	Ёнғоқ	Қаймоқ
				
117 мг	115 мг	93 мг	89 мг	86 мг



Магний. Бу элемент ферментларни фаоллашувида муҳим роль ўйнайди. Нерв системасини ва юрак мускуллари фаолиятини яхшилади.

Кунига 200-300 мг истеъмол қилинади. Асосан ўсимлик хом ашёлари магнийга бой.



Калий. 90% калий хужайра ичидә учрайди. Нерв импульсларини узатышда қатнашади. Сув-түз алмашувини бошқаради. Кундалик талаб 2000-4000 мг ни ташкил этади. Калий танқислиги юрак-қон томири фаолияти бузилишига олиб келади.

Калийга бой манбаларга, ўрик, узум, денгиз карами, ловия, нұхат, картошка, сабзавот-мевалар киради (100-600 мг/100 г маңсулотда).



Натрий. Инсон организмини ҳамма органларида ва суюқликларида бўлади. Осмотик босимни сақлашда нерв импульсларини узатышда иштирок этади. Ошқозон ферментлари фаоллигини оширади.



Фосфор. Фосфор ҳамма организм тўқимаси таркиби киради. Организмда кетадиган синтез ва гидролиз жараёнларида муҳим аҳамиятга эга. Кундалик талаб 1200 мг. Ҳайвондан олинадиган махсулотларда уни миқдори юқори.

Сыр плавленый	Камбала	Брынза	Сардина	Тунец
600 mg	400 mg	375 mg	280 mg	280 mg
Скумбрия	Осетр	Ставрида	Кальмар	
280 mg	270 mg	250 mg	250 mg	
Мойва	Минтай	Корюшка	Креветка	Творог
240 mg	240 mg	240 mg	225 mg	220 mg

Олтингугурт. Бу модда оқсил таркибига киради. Оқсил алмашувида мұхим аҳамиятга эга. Уни миқдори оқсил миқдорига түғри пропорционал. Кундалик талаб кунига 400—600 мг



Хлор. Ферментларни активтайти, ошқозон суюқлиги ҳосил килади, плазма шаклланади. Кундалик талаб 5000 мг. Организмга ош тузи күринишида тушади.



Микроэлементлар

Темир. Бу элемент оксидланиш-қайтарилиш реакцияларыда иштирок этиб, нафас олишни таъминловчи бирикмалар биосинтезидә иштирок этади.

Организмда темирни етишмаслиги анемияни бошқа бир неча касалликларни ривожлантиради. Талаб кунига 14 мг. Юқори даражада майдаланган унда уни миқдори кам бўлади. Темирни ёнгил ўзлаштириладиган формаси гўштли маҳсулотларда, жигар, тухум, сариёғда кўп бўлади (2000 мг/100 г маҳсулотда).



Мис. Мис оқсиллар билан бириккан ҳолда бўлади. Кўпгина ферментларни активатори хисобланади.

Кундалик талаб 2 мг. Жигарда, тухум сарифида ва қўкатларда кўп бўлади.



Йод. Йод тироксин гормонларининг синтезида муҳим аҳамиятга эга. Йод етишмаса бўқоқ касаллигини вужудга келтиради.

Кундалик талаб 100-150 мкг. ООМ (4-15 мкг), денгиз балиғида 50 мкг/100 г, треска жигаридаги 800, денгиз карамида — 50 мкг дан 70 000 мкг/100 г. гача бўлади. Махсулотга иссиқлик билан ишлов берилганда 30-60% йод йўқолади.

Ер усти ўсимликларида 10-100 марта кам бўлади. Шунинг учун 1 кг туз таркибида 25 мг қўшилади.



Фтор. Фтор етишмаса тиш касаллиги ривожланади. Ортиқча микдори ҳам тища да йиғилади ва тиш рангини ўзгартиради. Кундалик талаб катталар учун 0,2 - 3,1 мг, ёш болалар учун кунига 0,5 мг.



Хром. Бу элемент углевод ва липидлар алмашунувида муҳим аҳамиятга эга. Пиво ачитқиси ва жигар бу элементга бой (10—80 мкг/100 г).



Марганец. Марганецга бўлган кундалик талаб инсоннинг ҳар кг оғирлиги учун 0,2-0,3 мг ни ташкил қиласи. Марганец энг кўп клюква ва чойда, ундан камроқ микдорда каштан, какао, сабзавот ва меваларда (100-200 мкг/100 г) бўлади.



Технологик ишловларни озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги минерал моддаларни ўзгариши

Хом ашёларни қайта ишлашда уни таркибидаги минерал моддаларни миқдори камаяди. Масалан, ун ёрмаси олишда дон қобиги ва муртагини ажратиш ҳисобига уни таркибидаги моддалар камаяди(2.2.–жадвал).

2.2.–жадвал

Буғдой уни таркибидаги минерал моддалар(мг/100 г маҳсулот ҳисобида)

Элементлар	Буғдой дони	Олий навли ёрма
Ca	41	16
P	372	87
Fe	3,3	0,8
K	370	95
Mn	60	16
Zn	3,50	0,07
Cu	1,00	0,32
Mo	0,14	0,02
Mn	3,20	0,83
Cr	0,014	0,002

Буғдой таркибидаги кул миқдори 1,7%, ун таркибида 0,5% (олий навли) 1,5% гача (паст навли). Сабзавот ва картошкани тозалашда 10%дан 30% гача минерал моддалар камаяди.

Гүшт, балиқ ва парранда гүшtlари суягидан ажратилганда кальций ва фосфор миқдори камаяди.

Агар сүяк билан пиширилса, кальций миқдори 20% гача ошади.

Сифатсиз жиҳозларда хом ашёларга ишлов берилганда темир миқдори 30% гача ошади.

Консерваланган маҳсулотлар темир банкаларда сақланганда ҳам уни миқдори ошади. Оксидланиш жараёни кучаяди. Маҳсулот таркибида заарли моддалар ҳосил бўлади (қўрғошин, кадмий, қалай).

Ичимлик маҳсулотлари таркибида темирни миқдори 5 мг/л ва мисни миқдори 1 мг/л ошса, лойқаланиш ҳосил бўлади.

Назорат саволлари

1. Макроэлементларга қандай кимёвий элементлар киради?
2. Инсон организмида минерал моддалар қанақа функцияларни бажаради?
3. Инсон организмида кальцийни аҳамияти қанақа?
4. Микроэлементларга қайси кимёвий элементлар киради ва инсон организмида микроэлементларни аҳамияти қандай?
5. Инсон организмида темир қандай вазифани бажаради ва қандай озиқ-овқат маҳсулотларида унинг миқдори юқори?

6. Йод танқислиги нимага олиб келади?
7. Технологик ишловлар минерал моддаларга қандай таъсир этади?

3-МАВЗУ:ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАРКИБИДАГИ ВИТАМИНЛАР ВА ИНСОН ОРГАНИЗМИДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

Режа

1. *Витаминларнинг функцияси.*
2. *Сувда эрийдиган витаминлар.*
3. *Ёғда эрийдиган витаминлар.*

Таянч сўз ва иборалар: гиповитаминос, авитаминос, провитамин, сувда эрийдиган витаминлар, ёгда эрийдиган витаминлар, цинга, витаминлар B_1, B_6, B_{12} , A, PP, C, токоферол, кальциферол, ретинол, антивитамин.

Витаминларнинг функцияси

Витаминлар — тирик организмда бўладиган жараёнларни биологик жиҳатидан тартибга солувчи ва катализаторлик вазифасини ўтовчи, турлича кимёвий табиатли қуи молекуляр органик бирикмалардир.

Озиқ-овқат таркибида баъзи маҳсулотларнинг бўлмаслиги туфайли организм турли оғир касалликларга дучор бўлишини инсоният қадим замонларда ҳам билган, лекин фақат 1880 йилда рус олим Н. И. Лунин томонидан бундай маҳсулотлар организм учун зарур эканлиги тажриба асосида тасдиқланди. Поляк биокимёгари К. Функ бундай моддаларни **витаминлар** деб номлади, яъни лотинча «vita» сўзи — ҳаёт деган маънени билдиради.

Инсон организмининг турли касалликларга чалинмаслиги учун озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида маълум миқдорда витаминларнинг бўлиши зарур, чунки организм уларни етарли даражада синтез қила олмайди. Организмда витаминларнинг етишмаслиги ёки уларнинг бўлмаслиги организмда **гиповитаминос** ва **авитаминос** деб аталадиган касалликларга олиб келади.

Хозирги вақтда витаминлар вазифасини бажарувчи ўттиздан ортиқ бирикмалар маълум. Булар ичida витаминлар ва витаминсимон бирикмалар бўлиб, фақат витаминларнинг ўзи йигирмадан ортиқдир.

Витаминларни шартли равишда лотин алфавитлари билан белгиланади. Уларни сувда эриши ёки эримаслигига кўра икки гурухга: сувда эрийдиган витаминларга (B_1, B_2, B_6, PP, C ва бошқалар) ҳамда ёғда эрийдиган витаминларга (A, E, D, K) бўлиш мумкин.

Инсоннинг витаминларга бўлган талаби унинг ёшига, соғлигининг ҳолатига, ҳаёт шароитига, иш фаолиятига, йил фаслига ва қолаверса қандай маҳсулотлар истеъмол қилишига боғлик бўлади.

Витаминлардан ташқари шундай моддалар ҳам борки, улар витамин бўлмаса-да, лекин организмда витаминларга айланади. Бундай моддаларни **провитаминлардейилади**.

Провитаминларга баъзи каротиноидлар, тўғрироғи β-каротин мисол бўлади. Озуқа рационида А витамин ўрнига каротин ишлатиш мумкин. Каротин А провитаминдир. Организмда у А витаминга айланади. Каротин сабзи, турли гуллар, мевалар, сут, томат, кон зардоби таркибида учрайди. А витамин кўпинча жигарда йиғилади. Витаминларнинг асосий манбаси ўсимликлардир. Шунга кўра витаминларни табиий манбаидан ажратиб олиш, кимёвий ёки микробиологик синтез асосида тайёрлаш мумкин.

Сувда эрийдиган витаминлар

С витамин (аскорбин кислота). С витамин кристалл модда бўлиб, 190°Cда суюқланади, кучли қайтарувчи. Инсон ҳаёти учун жуда муҳим витамин, цинга касаллигини олдини олади, оксидланиш-кайтарилиш реакцияларида иштирок этади, марказий асаб тизимининг фаолиятини яхшилайди. Аскорбин кислотасини организмга етишмаслиги цинга касаллигига сабаб бўлади. Цинга-милкнинг яллигланиши, қонни ажралиши, тиш тўкилиб кетиши касаллигидир.

С витамин табиатда жуда кенг тарқалган. У янги мевалар, резавор-мевалар, сабзавотлар таркибида, озрок микдорда эса малина, сариёф таркибида бўлади. Айникса, лимон, апельсин, картошка ва қизил қалампир С витаминга бойдир. С витамин ўта бекарор бўлиб, ёруғлик, иссиқлик, ҳаво кислороди, темир ва мис металлари таъсирида осон парчаланиб кетади. Иссиқлик таъсирида озиқ-овқатдаги 25—60% С витамин парчаланиб, таъсир этиш фаолиятини йўқотади. Ҳозирги вактда аскорбин кислота (С витамин) Д-глюкозадан катта масштабда олинмоқда. Бунингучун Д-глюкоза қайтарилиб, Д-сорбитга, уни ферментатив оксидлаб L-сорбозага, сўнгра натрий гипохлорид билан оксидлаб 2-кето-L-гулон кислотага, ҳосил бўлган кислотани лактонлаш ва еноллаш орқали аскорбин кислотага ўтилади.

Витаминга бой маҳсулотларга буғдой уни (нон — булка), сули ёрмаси, дуккаклилар (нўхат, ловия), чўчқа гўшти киради. Ун заводларида олий ва биринчи навли унларни В витамин билан бойитилади. Тиамин витамин ёруғлик, кислород ва юкори температура таъсирига чидамли бўлади. Лекин ишкорий-муҳитда осон парчаланади, масалан, хамирни юмшатиш учун қўшилган ичимлик содаси NaHCO_3 ва аммоний карбонат $(\text{NH}_4)_2\text{CO}_3$ моддалари сувли эритмада гидролизланиб ишқорий муҳит беради, шу туфайли тиамин парчаланади. Тиамин сувда эрувчан модда бўлганлиги учун гуруч, нўхат, ловия каби донларни иссиқ сувда ивитилганда витамин ювилиб кетиши мумкин. Бундай жараёнга ошпазлик технологиясида эътибор бериш ўринлидир.

B₂ витамин (рибофлавин). Рибофлавин сарфиш рангли игнасимон кристалл, аччиқ мазали модда: B₂ витамин ферментларга кофермент вазифасини бажаради, оксидланиш — қайтарилиш реакцияларида катализаторлик ролини ўйнайди. Рибофлавиннинг организмга етишмаслиги оқибатида тери касаллиги, оғиз бўшлиғи шиллик қаватини шамоллашига, ҳамда қон айланиш тизими ва ичак-меъда йўлларини касалланишига олиб келади.

B₂ витаминнинг манбаларига сут, творог (сузма), пишлок, тухум, нон, ёрма, гўшт, жигар ва мевалар мисол бўлади. B₂ витаминига бой бўлган маҳсулотларга, айникса, жигар (2,2 %), сузма, пишлок (0,2 %) киради. Ҳозирги вактда B₂ витаминини саноатда тайёрлаш йўлга кўйилган.

B₆ витамин ферментлар таркибида иштирок этиб, организмда амино- ва мой кислоталарни синтезлашда ва уларни бошқа моддаларга айланишида муҳим вазифани бажаради. Нерв тизими, қон айланиши ва жигар фаолинтини яхши ўтишида керакли витаминдир. Витаминни организмга етишмаслиги дерматит (тери касаллиги)га сабаб бўлади. B₆ витамин табиатда кенг тарқалган. У гўштли маҳсулотларда, балиқда, ловияда, картошкада ва сутда кўп бўлади. Пиридоксин юкори температура, ишқор, кислота таъсирига чидамли, лекин, ёруғлик таъсирида парчаланиб кетади.

B₁₂ витамин (цианокобаламин) — таркибикуйидаги формула C₆₃H₉₀N₁₄O₁₄ PCo билан ифодаланади.

B₁₂ витаминнинг структура формуласи бошқа витаминларга қараганда анча мураккаб бўлиб, унинг молекуласида бир атом кобальт метали бўлади.

B₁₂ витаминнинг организмга етишмаслиги оқибатида оғир касалликлар келиб чиқади ва хатто ўлимга олиб келади. Бу анемия (камконлик) касаллиги бўлиб, бунда қондаги гемоглобин микдори камайиб кетади, қувватсизланиш, иштахани бўғилиши каби нохуш доллар организмда сезилади.

B₁₂ витаминга бой маҳсулотларга гўшт, жигар, буйрак, балиқ, пишлок, сут мисол бўлади.

B₁₂ витамины анемия, полиневрит ва радикулит касалликларини даволашда ишлатилади.

РР витамин (никотинамид). РР витамин деганда никотин кислота ва унинг амиди тушунилади. РР витамин ҳам В гурух, витаминларга киради, шунинг учун уни B₅ билан белгилаш мумкин. Бошкacha номи *ниацин*. Бу витаминнинг инсон организмига етишмаслиги ланжлик, тез толиқищ, уйқусизлик, юракнинг тез-тез уриши ва юқумли касалликларга осон чалиниш оқибатларига сабабчи бўлади. Умуман РР витаминнинг етишмаслиги пеллагра (терини ғадир-будур бўлиш) касаллиги, яъни терида доғлар пайдо бўлади, оғизбўшлиғининг

куриши, ошқозон ва асаб тизимининг бузилиш ҳоллари кузатилади. РР витамин манбаларига гўшт маҳсулотлари, айникса, мол жигари, буйраги, гўшти, қўй, чўчқа, балиқ гўштлари, ҳамиртуриш, сут ва сут маҳсулотлари киради.

Трифтофан аминокислотаси РР провитаминдир. РР витамин ёруғлик, кислород ва ишқор таъсирига чидамли. Шунинг учун у озиқ-овқат маҳсулотларида сақланиб қолади. Ошпазлик технологиясида озиқ-овқат маҳсулотлари қайнатилганда атиги 25% ниацин витамини шўрвага ўтиши мумкин.

Витаминларнинг В гурухига яна кўргина витаминлар киради, масалан, фолацин (folium — япроқ, B_9), биотин (Найт — тери Н), пантотенкислота (B_3) шулар жумласидандир. Бу витаминлар ҳам инсон ҳаётида катта аҳамиятга эгадир.

Ёғда эрийдиган витаминлар

A витамин (ретинол). А витамин сарғиши қовушқоқ суюклиkdir. Инсон организмига А витаминнинг етишмаслиги *ксерофталмия*, яъни товуқларда бўладиган қоронгида кўрмаслик (шапкўрлик) касаллигига сабаб бўлади. А витамин ўсиш омилидир. Бу витамин етишмаган ёш организм ўсишдан тўхтайди, айникса суяк ўスマайди. А — витамин балиқ мойида, жигарда, сариёғда ва сутда 0,5 % дан то 4 % гача учрайди. Каротин моддаси А провитамин хисобланганлиги учун, каротинга бой бўлган сабзи, қизил калампир, помидорларни истеъмол қилиш орқали организмнинг витаминга бўлган талабини қондириш мумкин. Ретинол ёруғлик ва ҳаво кислород таъсирида, ҳамда овқат тайёрлаш жараёнида 30 % гача парчаланиб кетиши мумкин.

D витамин (кальциферол). Кальциферол деганда икки бирикма назарда тутилади: эргокальциферол (D_2) ва холекальциферол (D_3). Булар қондаги кальций ва фосфор микдорини тартибига солиб туради, суякни минералланишида иштирок этади.

Д витаминнинг етишмаслигидан болаларда рахит касаллиги, катта ёш одамларда эса остеопороз (суяк фаолиятини бузилиши) каби касалликлар пайдо бўлади. Бунинг оқибатида суякда синган жой ва тишда емирилиш содир бўлади. Кальциферол балиқ мойида, мол жигаридаги тухумда, сутда ва сариёғда кўп учрайди.

7 — дигидрохолестерин моддаси Д провитаминдир. Овқат тайёрлашда Д витамин парчаланмайди.

E витамин (токоферол). Булардан энг активи α -токоферол ёки Е витаминдир. У липидлар таркибидаги тўйинмаган мой кислоталарни оксидланишидан сақлайди ва ферментларнинг биосинтезини амалга оширади. Е витаминнинг организмга етишмаслиги сабабли марказий асаб тизими ва насл колдириш жараёнининг фаолияти бузилади. Токоферол витамини ўсимлик мойларида жуда кўп учрайди: ловия, пахта чигити, кунгабоқар мойлари 40 % дан 120 % гача, нонда, ёрмада 2 % дан то 15 % гача бўлади.

Е витамин қиздиришга анча чидамли, факат ультрабинафша нурлари таъсирида парчаланади.

Витаминлар структурасида озгина ўзгариш ҳам шундай моддаларни ҳосил бўлишига олиб келадики, бу моддалар витаминларнинг организмга кўрсатадиган ижобий таъсирини чеклаб қўйиши мумкин. Бундай моддалар *анттивитаминлар* дейилади. Масалан, пиридинсульфокислота пиридинкарбон (никотин) кислотага нисбатан антивитамин хисобланади.

Табиий озиқ-овқат маҳсулотларида бўлган витаминлар инсон организмининг витаминларга бўлган талабини тўлиқ қондира олмайди, албатта. Маҳсулотларда витаминлар микдорининг камайиб кетиши асосан икки сабабга кўра бўлади:

- 1) қишида ва баҳорда сут, мева, сабзавот кабиларда витаминлар камайиб кетади.
- 2) рафинадланган шакар-қанд, ёғ-мой, консерва каби озиқ-овқат маҳсулотларида витаминлар жуда кам микдорда бўлади.

Шунинг учун озиқ-овқат маҳсулотларига турли витаминлар қўшиб уларни витаминларга бойитиши, яъни витаминлаштириш шу куннинг талабидир.

Ун заводларида унни В₁, В₂, РР каби синтетик витаминлар билан бойитиш йўлга қўйилган. Қандолатчилик саноатида конфетлар, ачитқи, мармелад С витамин билан, холва А ва О витамин билан, унли маҳсулотлар В гуруҳи витаминлари билан бойитилмоқда.

Назорат саволлари

1. Витаминларга таъриф беринг.
2. Сувда эрийдиган витаминлар ва уларнинг аҳамияти.
3. Ёғда эрийдиган витаминлар ва уларнинг аҳамияти.

4-МАВЗУ:ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАРКИБИДАГИ КИСЛОТАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАВСИФИ

Р е ж а

1. Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги кислоталарнинг умумий тавсифи.
2. Маҳсулот сифатига органик кислоталарнинг таъсири.
3. Маҳсулот таркибидаги кислоталарни бошқариши.

Таянч сўз ва иборалар: озукавий кислота, лимон кислота, олма кислота, сут кислотаси, сирка кислотаси, органик кислота, аминокислота, ёғ кислота, бензой кислота.

Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги кислоталарни умумий тавсифи

Озукавий кислоталар хар хил хусусиятли органик ва анорганик кислоталардан иборат³.

Ўсимлик манбаларида учувчан моно ва учкарбон кислоталар, гидрокси ва окси кислоталар аниqlанган.

Меваларни қайта ишлашда учувчан кислоталар ҳосил бўлади (чумоли ва сирка кислоталар).

Сут ва сут маҳсулотларида биокимёвий жараёнлар натижасида сут кислоталар ҳосил бўлиб, шаклланади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида учрайдиган кислоталарга қўйидагилар киради:

Аспарагин кислота: HOOC-CH₂-CH(NH₂)-COOH

Бензой кислота: C₆H₅-COOH

Вино кислота: HOOC-CH(OH)-CH(OH)-COOH

Лимон кислота: (HOOC-CH₂)₂-C(OH)-COOH

Сут кислота: CH₃-CH(OH)-COOH

Чумоли кислота: HCOOH

Хлорид кислота: HC1

Сульфат кислота: H₂SO₄

Фосфат кислота: H₃PO₄

Шавел кислота: HOOC-COOH

Олма кислота: HOOC-CH₂-CH(OH)-COOH

Органик кислоталар синфида аминокислоталар ва ёғ кислоталар ҳам киради.

Озукавий кислоталарнинг манбаи бўлиб ўсимлик хом ашёлари хисобланади.

Органик кислоталар қандли ва ароматик моддалар билан бирга маҳсулотни таъмини ва хушбўйлигини шаклланишида муҳим аҳамиятга эга.

Мева-сабзавотлар таркибидаги кислоталар

³H.-D. Belitz · W. Grosch · P. Schieberle, Food Chemistry, Springer-Verlag Berlin Heidelberg, 2009, 443-448 б.

Ўриқда: олма ва лимон кислоталари

Беҳида: олма кислота

Ананас: лимон ва олма кислоталари

Апельсинда: олма, лимон ва шавел кислота

Узумда: олма, вино, лимон ва шавел кислоталар.

Лимонда: лимон, олма, вино, шавел кислоталар.

Олмада: олма, шавел, сирка, лимон, пироузум, сут, фумар, қаҳрабо кислоталар.

Мева ва сабзавотлар таркибидаги энг кўп кислоталарга лимон ва олма кислотаси киради.

Баъзи бир кислоталарни миқдори ҳар хил меваларда турлича бўлади. Цитрусли меваларда асосан лимон кислотаси ва кам миқдорда олма кислотаси учрайди. Апельсинда олма кислотаси умумий кислотанинг 10-25%, мандаринда 20%, лимонда эса 5%ни ташкил этади. Апельсин пўчоғида 0,1%га яқин шавел кислотаси бўлади.

Лимон кислотаси ананасда умумий кислотанинг 85%ни, олма кислотаси эса 10%ни ташкил этади.

Данакли ва уруғли меваларда олма кислотаси умумий кислотанинг 50-90% ташкил этади.

Узумда умумий кислотанинг 50-65 % вино кислотасига тўғри келади. Қолган 30-25 % олма кислотасига ва 10 % лимон кислотасига тўғри келади. Кислоталарни маълум қисми туз ҳолида бўлади. Масалан, лимонда 3%, нокда 20-30 %. Махсулот таркибидаги сут кислотаси асосан микробиологик йўл билан ҳосил бўлади. Помидор таркибида фосфат, сульфат ва хлорид кислотаси бўлади.

Сут ва сут махсулотларида асосан органик кислоталардан сут кислотаси лактозанинг сут кислотали бактериялар ёрдамида бижгиши натижасида ҳосил бўлади.

Озиқ-овқат махсулотларини чучук таъми асосан водород ионлари асосида шакланади. Водород ионини активлиги pH кўрсаткичи билан таърифланади.

Органик кислоталар кучсиз кислота бўлиб, сувли эритмада кам диссоциацияланади.

Суюқ озуқа махсулотларини pH кўрсаткичи

Озуқа махсулотлари	pH кўрсаткичи
Апельсин шарбати	3,2-3,5
Ананас шарбати	3,6
Узум шарбати	3,2
Пиво	4,2-4,6
Сут	6,6-6,8

Махсулот сифатига органик кислоталарнинг таъсири

Махсулот таркибидаги озуқавий кислоталар турли функцияларни бажаради. Улар махсулотни таъми ва хушбўйлигини таъминлайди.

Масалан, лимон кислота чучук-ширин таъмни берса, пикрин кислотаси чучук аччиқ таъмни беради. Органик кислоталарни тузлари таъмни ўзгаришига олиб келади. Аммоний тузлари махсулотга тузланган таъм беради.

Бир неча органик кислоталар биргалиқда ўзига ҳос таъмларни шаклантиради.

Махсулотни pH кўрсаткичи қуидаги технологик параметрларга таъсир этади:

- таъмни ва хушбўйликни шаклланишига;
- озуқа махсулотларининг барқарорлигига;
- озуқа махсулотларининг термик барқарорлигига;
- биологик барқарорликка (масалан, пиво ва шарбат);
- ферментларнинг фаоллигига;
- фойдали микрофлорани ўсиш шароитига ва етилиш жараёнига (масалан, пиво ёки пишлок).

Махсулот таркибидаги кислоталарни бошқариш

Маҳсулот таркибидаги кислоталикни ошириш мақсадида ташқаридан органик кислоталар 3 та мақсадда қўшилади:

1. Маълум органолептик хусусият бериш учун (рангини, таъмини, хушбўйлигини таъминлаш мақсадида),
2. Коллоидларни хоссасига таъсир этиши учун;
3. Маълум муддатга барқарорлигини ошириш учун.

Сирка кислота E460 – сабзавотларни консервалаш учун қўлланилади. Майонез, соус, балиқни мариновка қилишда ва таъм берувчи восита сифатида кенг қўлланилади.

Сут кислота E270 - алкогиз маҳсулотлар ишлаб чиқаришда, карамел, сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўлланилади.

Лимон кислотаси E330—кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқаришда, алкогиз маҳсулотлар, балиқ консерваси ишлаб чиқаришда қўлланилади.

Олма кислотаси E296 - кондитер маҳсулотлари ва алкогиз ичимликлар ишлаб чиқаришда қўлланилади.

Вино кислотаси E334 - кондитер маҳсулотлари ва алкогиз ичимликлар ишлаб чиқаришда қўлланилади.

Озукавий кислоталарни энергетик қиймати

Озукавий кислота	Энергетик қиймати, ккал/г
Лимон кислотаси	2,5
Олма кислотаси	2,4
Сут кислотаси	3,6

Инсон организмида баъзи бир кислоталар, лимон кислота канцероген нитрозаминларни ҳосил бўлишига қаршилик қиласи ва рак касаллигини келиб чиқишини олдини олади. Баъзи ферментларни фаоллаштиради. Бензой кислота антисептик хусусиятга эга.

Назорат саволлари

1. Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги кислоталарга умумий тавсиф беринг.
2. Маҳсулот pH кўрсаткичини бошқаришига мисол келтириңг.
3. Органик кислоталарни технологик функцияси.

5-МАВЗУ:ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ФЕРМЕНТЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

Режа

1. Ферментларни умумий тавсифи.
2. Ферментларни синфланиши ва номенклатураси.
3. Ферментларни қўлланиши.
4. Иммобилланган ферментлар.

Таянч сўз ва иборалар: фермент, иммобилланган фермент, ковалент боз, глюкозооксидаза, каталаза, инвертаза, липаза, трипсин, химотрипсин, пепсин, ренин, протеолитик ферментлар, гидролитик ферментлар, лабил, апофермент, кофермент, нисбий фаоллик, молекуляр фаоллик, катал, активатор, ингибитор

Ферментларнинг умумий тавсифи.

Ферментлар оқсил табиатли биологик катализатор бўлиб табиатда кенг тарқалган. Улар кимёвий реакцияларни 10^8 — 10^{20} марта тезроқ катализлайди.

Ферментлар бир-биридан специфилги туфайли фарқланади.

Мутлоқ (абсолют) специфиллик – фермент фақат битта субстратни катализлайди. (аргиназа ферменти - аргининни метиларгининг айлантиради)

Группали специфиллик – фермент маълум структурали ўхшаш субстратларга таъсир этади.

Нисбий специфиллик - маълум турдаги реакцияларга специфик бўлган ферментлар. Бундай ферментлар учун катализланаётган боғ атрофидаги группаларни фарқи йўқ. Масалан, липаза ва эстераза, пептидазалар.

Стереоспецифилли ферментлар бундай ферментлар фақат битта стереокимёвий шаклдаги субстратга таъсир этади.

Ферментларни яна бир хусусиятлари уларни лабиллиги. Яъни, уларни фаоллиги мухит рН кўрсаткичига, ҳароратга активатор ва ингибиторларга боғлиқ.

Кўпчилик ферментлар икки компонентли хисобланади. Апофермент ва коферментдан иборат.

Коферментларни кимёвий табиати ҳар хил ва ферментатив реакцияларда уларни функцияси ҳар хил. Кофермент сифатида витаминлар ва уларни ҳосилалари киради.

Ферментларнинг фаоллик бирлиги. Ҳар бирфермент ўз фаоллигига эга. Халқаро биокимёвий иттифоқ таклифига кўра қуидаги бирликлар қабул қилинган:

— **стандарт фермент бирлиги** — 1 микромоль субстратни 1 минутда катализлайдиган фермент миқдорига айтилади. Стандарт бирлик Е ҳарфи билан белгиланади.

— **нисбий фаоллик** — 1 мг ферментга тўғри келадиган субстрат Е бирлик миқдори тушинилади. Оксилни миқдори Лоури ва Къелдал усули билан аниқланиши мумкин.

— **молекуляр фаоллик** — 1 молекула фермент мўътадил щароитда катализлайдиган субстратни молекуляр миқдорига айтилади. Бу тушунчада 1 минутда 1 моль фермент неча моль субстратни катализлаши тушинилади.

— **катал** — катализтик фаоллик, 1 секундда 1 моль субстратни катализлайдиган ферментга айтилади.

Ферментатив реакция тезлигига субстрат концентрациясини таъсири.

Субстрат концентрацияси ошиши билан реакция тезлиги оша боради. Маълум концентрацияга етганда реакция тезлиги ўзгармай қолади. Баъзи бир ферментлар учун юқори концентрацияда ферментларни фаоллиги камаяди.

Ферментатив реакция тезлигига фермент концентрациясини таъсири.

Фермент концентрацияси ошган сари реакция тезлиги ошади.

Ферментларни фаоллигига ҳароратни таъсири.

Ферментларни максимал фаоллиги $37\text{--}50^\circ\text{C}$ атрофифа бўлади, лекин баъзи бир ферментлар юқори ҳароратда ҳам фаоллигини намоён этади. Бу ферментларни юқори ҳароратга барқарорлигига боғлиқ. Юқори ҳароратда 2 та жараён юз беради. Биринчи жараёнда ҳарорат ошиши билан реакция тезлиги ошади. 2 жараёнда ҳарорат ошиши билан фермент денатурацияга учраши туфайли фаоллик камаяди.

Фермент фаоллигига рН кўрсаткични таъсири. Ҳар бир фермент маълум рН оралиғида ўз фаоллигини намоён қиласади.

Мухит рН кўрсаткичи ферментларни актив марказидаги функционал группаларни ионланиш ҳолатига таъсир этади.

Активатор ва ингибиторларни таъсири. **Активатор** деб ферментларни фаоллигини оширувчи моддаларга айтилади. Баъзи бир ферментлар метал ионлари таъсирида фаоллигини оширади.

Ферментларни фаоллигини камайтирувчи моддаларга ингибиторлар дейилади.

Ингибиторларни механизми турлича:

Ингибитор фермент билан комплекс ҳосил қиласади.

Ингибитор субстрат билан комплекс ҳосил қиласади.

Ингибитор кофермент билан комплекс ҳосил қиласади.

Күпчилик ҳолатларда ингибитор фермент билан комплекс ҳосил қиласы.

Таъсир этиш механизмига күра ингибиторлар рақобатли ва рақобатсиз ингибиторлар габайттанды.

Рақобатли ингибиторлар ферментларни актив маркази билан комплекс ҳосил қиласы.

Рақобатсиз ингибиторлар ферментларни актив марказдан ташқари бошқа қисми билан комплекс ҳосил қиласы.

Хом ашё таркибидаги ферментлар

Дүккакли ва бошоқлы ўсимликлар таркибидеги гидролитик ферментлар мавжуд бўлиб ва улар юкори молекулалари моддалар (оксилилар, полисахаридлар, ёғлар)нинг гидролизланишида қатнашади. Масалан, буғдой донидабир неча турдаги протеолитик ферментлар аниқланган. Улар бир-биридан pH оптимуми билан фарқланади (нордон pH 3,7 — 4,0; нейтрал pH 6,5 - 7,0; ишқорий pH>8,0 протеиназалар). Нейтрал протеиназани фаоллиги юкори бўлиб клейковинани катта тезликда парчалаган.

Бундан ташқари амилолитик ферментлар ҳам мавжуд бўлиб крахмални гидролизланишида муҳим аҳамиятга эга.

Хайвонлардан олинган маҳсулотлар ҳам фермент системасига бой.

Буларга трипсин, химотрипсин, пепсин, ренин ва бошқа киради. Бу ферментлар озиқ-овқат саноатида кенг қўлланилади.

Масалан, сут казенині (суттада азотли моддаларни 78% ташкил этади) фосфопротеид хисобланади, 6-10% углеводлардан ташкил топган. Ca⁺² иони таъсирида чўкмайди, ренин таъсирида макрогликолептиidlар ва пара-х-казеин ҳосил қиласы. Пара-х-казеин Ca⁺² иони таъсирида чукмага тушади ва бошқа казеин фракцияларини ҳам чўкмага туширади. Пишлок ишлаб чиқаришда асосий жараён ҳисобланади.

Ферментлар озиқ-овқат саноатида кенг қўлланилади. Масалан, нонли маҳсулот ишлаб чиқаришда унинг сифати ферментларнинг фаоллигига боғлиқ. Хамир таркибидаги оксилиларни ва крахмални гидролизланиши жараённи жадаллаштиришда муҳим аҳамиятга эга ва бу нонни сифатига таъсир этади. Илгарилари фермент манбаи сифатида ундирилган дон маҳсулотлари қўлланилиб келинган. Сўнгги йилларда бу мақсад учун микроорганизмлардан олинган амилолитик ва протеолитик ферментлар қўлланилиб келинмоқда.

Ун таркибидаги қандли моддалар етарли даражада газ ҳосил қиласы.

Крахмал ва крахмалли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда амилолитик ферментлар кенг қўлланилиб қелинмоқда.

- декстрин ишлаб чиқаришда
- крахмал патокаси:
- глюкоза;
- глюкоза-фруктозали қиём.

Инвертаза. Сахарозани инверсиялаш мақсадида қўлланилади. Кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ишлатилади.

Липаза. Хушбўйликни ва таъмни ошириш мақсадида эркин ёғ кислоталарни аҳамияти катта. Шунинг учун мой ва ёғларни модификациялаш мақсадида қўлланилади.

Табиий шарбатлар ишлаб чиқаришда ҳам ферментлар кенг қўлланилади. Шарбатларни тиниқлаштириш ва барқарорлаштириш учун асосан пектолитик ва протеолитик ферментлардан фойдаланилади.

Глюкозооксидаза ва каталаза. Маҳсулотни сифатини ошириш мақсадида ва уни таркибидаги кислородни олиб ташлаш мақсадида қўлланилади..

Иммобилланган ферментлар

Узок вакт озиқ-овқат саноатида сувда эрийдиган эркин фермент препаратлари қўлланилиб келинган. Бу ферментлар факат бир маротаба ишлатилар эди. Ҳозирги вактга келиб ферментларни иммобиллаб қайта-қайта, бир неча марта ишлатиш усувлари яратилган.

Иммобилланган ферментлар деганда уларни инерт қаттиқ моддаларга бириктириб мухитдаги эркин ҳаракатини чеклаб қўйиш тушунилади. Иммобиллашни физикавий ва кимёвий усуллари мавжуд.

Физикавий усулда фермент қаттиқ сирт юзасига, ёки полимер гель ичига ковалент боғсиз бириктириб қўйилади. Мисол қилиб, металл оксидлари юзасида ферментларни адсорбциялашни келтириш мумкин. Ярим ўтказувчи полимер ичига киритиш, ярим ўтказувчи полимер билан фермент молекуласини ажратиш ва бошқа.

Кимёвий усулда фермент билан қаттиқ фаза орасида ковалент боғ ҳосил қилинади.

Масалан, полиамид гранулаларига ферментни глутар диальдегиди билан ковалент боғ орқали иммобиллаш мумкин.

Назорат саволлари

1. *Ферментларни биологик табиати қандай?*
2. *Субстрат ва фермент концентрацияси реакция тезлигига қандай таъсир этади?*
3. *Кандай ферментлар озиқ-овқат саноатида кенг кулланилади?*
4. *Иммобилланган ферментлар нима?*

6-МАВЗУ:ОЗУҚАВИЙ ВА БИОЛОГИК ФАОЛ ҚЎШИМЧАЛАР. АРОМАТИЗАТОРЛАР

Режа

1. *Озиқ-овқат қўшимчалари ҳақида умумий тушунча.*
 2. *Озиқ-овқат маҳсулотларининг ташқи кўринишини яхшилайдиган моддалар.*
 3. *Озиқ-овқат маҳсулотларини тузилишини ва физик-кимёвий хусусиятларини ўзгартирадиган моддалар.*
 4. *Озиқ-овқат маҳсулотлари таъми ва хушибўйлигига таъсир этувчи моддалар.*
- Таянч сўз ва иборалар:** эмульгаторлар, эфир мойлари, пектин, модификацияланган кислота, гидролизланган крахмал, гуанил кислота, инозин кислота, озиқавий ароматизаторлар, глутамин эфекти, солод экстракти.

Озиқ-овқат қўшимчалари ҳақида умумий тушунча

Озуқа қўшимчалари - табиий ва синтетик моддалар бўлиб озуқавий модда сифатида ўзлаштирилмайди. Уларни озиқ-овқат маҳсулотлар таркибига қўшилишидан мақсад, маҳсулотни сақлаш муддатини узайтириш, ташқи кўринишини сақлаш ва органолептик хусусиятларини ўзгартиришга қаратилган.

Маҳсулот таркиби озуқавий қўшимчалар қўйидаги мақсад учун қўшилади:

1. Хом ашёларни қайта ишлашни, қадоқлашни, сақлашни такомиллаштириш.
2. Табиий сифат кўрсаткичларини сақлаш.
3. Органолептик хусусиятларни ёки тузилишини, барқарорлигини узайтириш .

Озуқавий қўшимчалар бир неча гурӯхларга бўлинади:

- озуқавий моддаларни тузилишини яхшилайдиган моддалар (ранг берувчи моддалар, рангни барқарорлаштирувчи, оқартирувчи моддалар);
 - маҳсулот таъмини бошқарувчи моддалар (таъм берувчи моддалар, ширинлаштирувчи моддалар, кислоталар);
 - маҳсулот консистенциясини бошқариш ва қаттиқликни шакллантириш (куюқлаштирувчи, гель ҳосил қилувчи моддалар, эмульгаторлар ва бошқалар);
 - маҳсулотни табиийлигини ва сақлаш муддатини узайтирувчи моддалар (консервантлар, антиоксидантлар ва бошқалар).

Хозирги кунда озиқ-овқат маҳсулотларига қўшиладиган қўшимчалар 500 дан ортиб кетган.

Рақамли кодлаш асосида қўшичалар қўйидагича синфланган.

— **E100-Е182** — ранг берувчи моддалар;

— **E200 ва 299** — консервантлар;

- **E300** ва **E399** — антиоксидантлар;
- **E400** ва **499** — қуюқликни барқарорлаштирувчи моддалар;
- **E450** ва **E449, E1000** — эмульгаторлар;
- **E500** ва **599** — кислоталикни бошқарувчи моддалар, юмшатувчилар;
- **E600** ва **699** — таъм ва хушбўйликни кучайтирувчилар;
- **E700—E800** — заҳира индекслари;
- **E900** ва кейингилари — нонни яхшиловчи моддалар.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг ташки кўринишини яхшилайдиган моддалар

Озуқавий ранг берувчи моддалар (табиий ранг берувчи моддалар, синтетик ранг берувчи моддалар ва ноорганик ранг берувчи моддалар киради).

Замонавий технологияга кўра маҳсулотни қайта ишлашда қайнатиш, стериллаш, қовуриш ва бошқа жараёнлар қўлланилади. Булар маҳсулотни ташки кўринишини бузади. Маҳсулот рангини сақлаш мақсадида ранг берувчи моддалар қўшилади.

Озуқавий ранг берувчи моддалар

Табиий

Органик моддалар

**Ноорганик
(минерал моддалар)**

Синтетик

Табиий ранг берувчи моддалар

Куркуминлар	E100
Рибофлавинлар	E101
Алканет, Алканин	E103
Карминлар, Кошениль	E120
Хлорофилл	E140
Хлорофиллни мисли комплекси	E141
Қанд колериы	E150
Каротинлар	E160
Каротиноидлар	E161
Қизил лавлаги.....	E162
Антоцианлар	E163
Озуқавий танин	E181

Минерал ранг берувчи моддалар

Кўмир	E152
Дараҳт кўмири.....	E153
Кальцийнинг карбонатли тузлари	E170
Титан диоксиdi	E171
Темир оксиdi ва диоксиdi.....	E172
Кумуш	E174
Олтин.....	E175

Синтетик ранг берувчи моддалар

Тартразин	E102
Хинол сариги....	E104
Сарик 2G	E107
Сарик «қуёш шафақи»	E110
АЗорубин, Кармуазин	E122
Понсо 4R, Пунцовий 4R	E124
Қизил 2G	E128
Индигокармин	E132

Табиий ранг берувчи моддалар

Булар ичидә каротиноидларни, антоцианларни, флавоноидларни көлтириш мүмкін. Бу моддалар заһарлы әмас, лекин баъзиларини қўллашни меёри ўрнатилган.

Синтетик ранг берувчи моддалар

Синтетик ранг берувчи моддалар бир қанча афзалликларга эга. Улар ёрқин ранг беради, ҳар хил таъсирларга чидами.

Буларга тартразин — E102;

кармуазин — E122;

кора ялтироқ — E151;

индигокармин — E132 ва бошқалар киради. Буларни ҳаммаси сувда яхши эрийди.

Минералии (ноорганик) ранг берувчи моддалар:

Буларга минерал пигментлар ва металлар киради.

Кўмир E152 кора

Древеск кўмири E 153 кора

Титан дитоксиди ок

Темир оксидлари E 172


Озуқавий бўёқлар. Озиқ-овқат маҳсулотларнинг ташқи кўринишини аниқлайдиган моддалар орасида озуқавий бўёқлар муҳим ўринга эга. Истеъмолчилар озиқ-овқат моддаларнинг маълум рангига кўникма ҳосил қилдилар, бунда улар маҳсулот рангини унинг сифати билан боғлайдилар. Шу билан бир вақтда замонавий озиқ-овқат технологияси шароитида маҳсулотлар кўпинча ўзларининг дастлабки, истеъмолчи учун одатий рангини ўзгартиради, айрим ҳолларда эса ёқимсиз рангга эга бўлади. Бу, шубҳасиз, озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмолчи учун камрок жозибали қиласи, иштаҳага ва овқатни хазм қилиш жараёнига таъсир киласи. Озиқ-овқат маҳсулотларига ва ярим тайёр маҳсулотларга турли ранг бериш учун табиий ва синтетик (органик ва анорганик) бўёқлардан фойдаланилади. Қандолат маҳсулотлари, ичимликлар, маргарин, айрим турдаги консерваларни ва ҳаказоларни ишлаб чиқаришда улардан кенг фойдаланилади.

Кармин - қизил бўёқ, антрахинон ҳосиласи




Кармин кошенелдан - Африкада ва Жанубий Америкада ўсувлари кактусларда яшовчи ҳашаротлардан олинади.

Алканин - 1.4 - нафтохиноннинг ҳосиласи



Куркума - табиий сарик бўёқ, кўп йиллик Занжабиллар оиласига мансуб ўсимлик - Curcuma longa дан олинади.



Сувда ёмон эриганлиги сабабли куркума спиртли эритма күриницида ишлатиласылади.

Энобўёқ - кизил навли узумнинг ва коракат (маржон дарахти меваси) резаворининг туппасидан тўқ қизил рангли суюқлик кўринишида олинади. Унинг таркибига бирикмалар аралашмаси, шу жумладан антостианлар ва катехинлар киради.


Махсулотни энобўёқ билан бўягандан кейинги оладиган ранги мухитнинг pH ига боғлиқ. Нордонлаштирилган объектлардаги қизил ранг нейтрал ва кучсиз ишқорий мухитларда энобўёқ маҳсулотга кўк тус беради. Шунинг учун энобўёқ қандолот саноатида мухитнинг керакли pH ини яратиш учун органик кислоталар билан бир вактда қўлланилади.

Охирги пайтларда сарик, пушти-қизил бўёклар сифатида таркибига антистионал кирувчи қизил мевасининг, қизил ва қора смородиналар, клюква, брусника шарбатларида сақланувчи пигментлар: антистионлар ва кантехинларни сакловчи чой пигментлари лавлагидан ажратиб олинган қизил бўёқ кўлланила бошланди.

Қанд колери (карамел)-шакарни карамелланишидан олинган қорамтири бўялган маҳсулот. Унинг сувли эритмалари ёқимли хид таратувчи тўқ жигари рангли суюқлик. Ичимликларни, қандалот маҳсулотларини бўяшда ва ошпазликда ишлатилади.


Синтетик бўёқлар орасидан фойдаланишга рухсат этилган куйидаги бўёқларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Индигокармин(инdegодисулфокислотанинг динатрийли тузи)



Индигокармин сувда эриганда түқ-күк рангли эритма хосил килади. Кандалот саноатида ва канд-рафинад ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Сарик тартразин - азобүёкнинг натрийли тузи.



Тартразин сувда яхши эрийди, түксариқ - сариқ рангли эритмалар ҳосил қиласы.

Ранг ростловчи материаллар. Уларга озуқавий хом-ашё ва тайёр маҳсулотларнинг рангини ўзгартирадиган бирималар киради. Улардан озиқ-овқат маҳсулотларини тайёrlаш

вақтида ҳосил бўлган рангли маҳсулотларни ёки табиий пигментларни парчалайдиган қўшимчалар - оқартирувчи моддаларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Масалан, SO_2 - олтингугурт ангидрид. H_2SO_3 нинг эритмалари ва унинг тузлари оқартирувчи ва консерваловчи сифатида таъсир қиласи, бу сабзавотлар ва меваларнинг ферментатив қорайшини тормозлайди, хамда мелаоидинларнинг ҳосил бўлишини секинлаштиради. Яна шуни эсда сақлаш керакки, SO_2 B_1 витаминни парчалайди ва оқисил молекуласига таъсир қиласи, бу эса нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин.

Калий нитрити ва нитрати. Гўшт ва гўшт маҳсулотларига ишлов беришда (тузлашда) қизил рангни сақлаб қолиш учун қўлланилади. Миоглобин - қизил бўёқ, нитритлар билан ўзаро таъсир этганда нитрозомиоглобин ҳосил қиласи ва қайнатилганда ўзгармайди.

Калий нитрати хам шунга ўхшаш таъсир қиласи, у микроорганизмлар томонидан ажратилган ферментлар ёрдамида калий нитритга айланади. Ҳозирги пайтда нитритлар ва нитратлардан фойдаланиш тибиёт ходимларининг эътиrozига сабаб бўлмоқда ва текширишларни талаб қилмоқда.

Калий броматинни(KBrO) унни оқартирувчи сифатида фойдаланилади, бироқ ундан фойдаланиш B , РР витаминларини ва метионинни парчаланишига олиб келади.

Озука маҳсулотларни структурасини ва физик-кимёвий хусусиятларини ўзгартирувчи моддалар

Буларга маҳсулотни реологик хусусиятларини ўзгартирувчи моддалар киради. Буларга қуюклаштирувчи, гел ҳосил қилувчи, ташқи кўринишини барқарорлаштирувчи, сирт фаол моддалар, эмульгаторлар кўпик ҳосил қилувчи моддалар киради.

Модификацияланган крахмал.

Модификацияланган крахмал (E1400 — E1451) озуқавий қўшимча ҳисобланади.

Гидролизланган крахмал.

Этерификацияланган крахмал - тиниқлиги оширилган

Ацетилланган крахмал

Целлюлоза ва унинг ҳосилалари.

Буларга целлюлоза ва целлюлоза асосида олинган моддалар киради (E460-E467). Механик ёки кимёвий ишлов натижасида олинади.

Метилцеллюлоза – E461

Этилцеллюлоза-E462

Гидросипропилцеллюлоза-E463 ва бошқалар.

Метилцеллюлоза – E461 ва этилцеллюлоза-E462 - музқаймок тайёрлашда, қандолат маҳсулотлари, соуслар ишлаб чиқаришда қўлланилади.

Желеловчи моддалар сифатида бошқа маҳсулотлар хам, шу жумладан, фосфолипидлар, масалан, тухум леститинлар хам ишлатилиши мумкин.

Елимлар

Елимлардан ҳосил бўлган парда фазалараро тарангликни камайтириб, мустахкам химоя пардасини ташкил қиласи.

Араб елими — (*Gummi arabicum*). Бу эмульгатор Африка акацияларидан олинган маҳсулот. Юкори нави — саргиш ярим тиник бўлаклардан иборат. Ёмон нави жуда бўялган ва ифлосланган (тупрок, пўстлок ва шох бўлаклари) бўлади. Араб елимининг 1 кисми 2 кисм сувда секин эрийди ва куюк ёпишкок эритма ҳосил қиласи. Дорихонада ишлатиладиган эмульсияларни тайёрлашда энг кадимги эмульгатор ҳисобланади. Елимларнинг навига караб эмульгирлаш хусусиятини билиш мумкин. Юкори нави 64% томчилар диаметри 2,5 мкм ли юкори дисперсланган эмульсияларни ҳосил қиласи. Эмульсия ҳосил килиш учун 10 кисм ёнга 5 кисм елим олинади.

Ўрик елими — (*Gummi armeniacaе*) З. М. Уманский томонидан таклиф килинган. Ўрик елими дараҳтларнинг танаси ва пўстлоги ёрилишидан ҳосил бўлади. Ўрта Осиёда кўп микдорда учрайди. 1961 йилдан давлат (Х) фармакопеясига киритилган еним ок ёки саргиш, каттиқ, мўрт бўлакчалардан иборат бўлиб, ушатилганда нотекис бўлакчалар ҳосил қиласи.

Эмульгатор сифатида араб елими ўрнини босувчи сувда яхши эрийдиган ок кукун холидаги модда. 10 кисм ёгга 3-4 кисм елим олинади.

Трагакант — (GummiTragacanthae). Жуда кучли эмульгатор. 20 г ёгга 2 г трагакантнинг майда порошогидан олиш мумкин. Тайёрланган эмульсияда ёг мазаси сакланганлиги сабабли, бу эмульгатор кам ишлатилади (дисперс даражаси кам). Трагакант билан араб елимини биргаликда ишлатиш максадга мувофик. Бу эмульгатор фармацевтика амалиётида юкори дисперсли тургун эмульсия хосил киладиган эски мураккаб эмульгатор.

Ўсимлик шилликлари — бу полисахаридларга якин бўлган моддадир. Шилимшиклар (слизи) ўсимлик организмининг кайта туғилиши жараёнида хосил килувчи эпидермис каватининг "шилликланиши" натижасида гулхайри илдизидан, салеп тугунагидан ва сувда ўсадиган ўсимликни хужайра оралигидаги моддалардан ташкил топган. Сувда бўкиши билан ёпишкок шилимшик эритма хосил бўлади. Салеп шиллиги яхши эмульгирлаш хусусиятига эга.

Салеп шиллиги — Салеп шиллиги юкори стабиллаш хоссасига эга. 10 г ёгни эмульгирлаш учун 1 г салеп кукунидан олинади. 1 г салепни сувда эритиб олдин шилимшик тайёрланади. Сўнг уни эмульгатор сифатида ишлатилади.

Пектинлар — (Pectinum). Бу модда озик-овкат саноатида ишлатилган. 1933 йилдан А. Л. Каталхерман томонидан дорихонада эмульгатор сифатида кўлланилади. Пектиннинг фаол желатинли хусусиятини пасайтириш учун ўрик елими билан 1:1 аралашмасидан фойдаланиш керак.

Гель ва желе хосил қиувчи озуқавий қўшимча ҳисобланади.

Молекуласида карбоксил группаси бўлгани учун металлар билан комплекс ҳосил қиласи.



Оқсиллар билан комплекс ҳосил қиласи. Казеин билан комплекс ҳосил қилиб оқсил молекуласини умумий зарядини ўзгартиради ва барқарорлаштиради.

Пектин модда — ўсимликларда пектин моддалар жуда кенг таркалган: сабзавотлар, мевалар, барглар, ургуларда ва илдизларда.

Улар хужайра деворининг таркибида киради ва ён хужайраларни ўзаро бириктиради. Пектин моддаларнинг яна ўзига хос хусусиятлари уни кучли желатинли хоссасидир. Пектин моддалар юкори молекулали моддалар ҳисобланади. Уларнинг тузилиш асоси — кисман метил спиртининг полигалактурон кислота билан эфирлангани.

Денгиз ўсимликлари полисахаридлари. Альгин кислота (E400) ва уни тузлари (E401-E405) полисахаридларга киради. Қуюқлаштирувчи ва гель ҳосил қилувчи ҳисобланади.

1.6.-жадвал

Озуқавий альгинатлар

Коди	Номланиши	Мономер қолдигидаги катионнинг табиати
E400	Альгин кислота	H
E401	Альгинат натрий	Na
E402	Альгинат калий	K
E403	Аяльгинат аммоний	NH ₄
E404	Альгинат кальций	Ca _{1/2}
E405	Пропиленгликольальгинат (ПГА)	CH ₂ - CH - CH ₃ OH

Желатин - гель ҳосил қилувчи ягона оқсил ҳисобланади. Молекуляр оғирлиги (50000—70000). Аминокислота таркиби қуйидагича (26-31%), пиролин (15-18%), гидроксипиролин

(13-15%), глутамин кислота (11—12%), аспарагин кислота (6—7%), аланин (8—11%) ва аргинин (8-9%).

Эмульгаторлар

Бугунги кунда кўп учраётган муаммолардан бири озиқ-овқат ва дори-дармонларда ишлатилаётган эмульгаторларнинг хукмидир. “WIKIPEDIA” номли энциклопедия эмульгаторни шундай тарифлайди: “*Озукага сифатини ўзгартириши учун, табиий рецептида бўлмаган ва мақсадли тайёрлов жараёнининг ҳар қандай босқичида аралашма ичига қўшиладиган моддадир*”.

Махсулотга бир хил дисперс хусусиятни сақлаш учун қўшилади. Жумладан у маҳсулотни чиройли сақлаш, хиссий ва табиий сифатларини яхшилаш, яхши сақланмаслик натижасида соғлиққа зарар келтирадиган турли заҳарланишлардан ҳимоя қилиш мақсадларида қўшилади. Эмульгаторлар маҳсулотларнинг кўринишини чиройли килиш билан бирга мазасини ҳам яхшилашда катта рол ўйнайди. Эмульгаторлар қаторига жуда кўп модда турларини киритиш мумкин.

Эмульгаторлар озиқ-овқатга қўшилувчи кимёвий моддалар бўлиб, уни ишлаб чиқарувчилар айрим маҳсулотларга турли мақсадларда қўшадилар. Эмульсиялар бир-бирига ҳамжинс бўлган икки суюқлиқдан иборат моддадир. Олимлар айтишича, икки модда бир-бирига бутунлай киришиб кетмайди, балки уларда ўндан йигирма микрометргача ҳажмда нуқталар қолиб кетади. Безаш моддалари, озуқа аралашмалари, ускунна ёғлари ва ранглар эмульгаторлар ҳисобланади.

Эмульгаторларнинг айримлари маҳсулотдан ҳам қимматроқ бўлади. Улар маҳсулот рангининг чиройли, таъмининг ёқимли ва шаклининг гўзал бўлишини ҳамда ўзининг айнимаслигини таъминлаб беради. Истеъмолда энг кўп қўшиладиган эмульгатор йод бўлиб, уни бўқоқ касаллигига қарши ишлатилади. Нон маҳсулотларига қўшиладиган хамиртуриш номли эмульгаторлар уларнинг кўпчиб, юмшоқ бўлишини таъминлаб беради. Айрим эмульгаторлар бошқа озиқ-овқатлардан олинади, айримлари эса ихтиро қилинади. Айримлар мазкур қўшимчаларни инсоннинг саломатлигига заарли деб ўйлайдилар, ваҳоланки ушбу кимёвий моддаларнинг кўпи инсонлар бир неча асрлардан бери истеъмол қилиб келаётган озуқаларнинг ичидаги табиий равишда пайдо бўлади.

Озиқ-овқатларга қўшиладиган қўшимчаларнинг тури юздан ортиқ бўлиб, уларни олти синфга бўлиш мумкин.

1. Сақловчи.
2. Мукаммалаштирувчи.
3. Таъм берувчи.
4. Ранг берувчи.
5. Куюқлаштирувчи ва қотиравучи.
6. Эмульсия, стабилизатор ва қуюқлаштирувчилар ҳамда кислота ва алкогольлар.

• Сақловчиларга мисол туз бўлиб, озиқ овқатларни айнитадиган бактерияларнинг пайдо бўлишидан ҳимоя қиласди. Сақловчи моддалар антиоксидинларга қарши бўлиб, ёғ ва ёғ моддаларининг айнишини ҳамда озуқа рангининг бузилишини олдини олади.

• Мукаммалаштирувчиларга озуқалардаги “В” витаминини кўпайтириш учун қўшиладиган темирлар, маъданлар ва витаминлар мисол бўла олади. “В” витамини унга ҳам қўшилади. Нархи эса уннинг нархидан қиммат туради. Ун ва бошқа маҳсулотларга бу витаминни қўшиш жуда ҳам фойдалидир. Сутга қўшиладиган “Д” витамини болаларда учрайдиган “рахит”, “сүяк мўртлиги” касалликларининг олдини олади.

• Таъм берувчи эмульгаторлар табиий мевалар ва зираворларни ўз ичига олади. Бундан ташқари уларнинг музқаймоққа қўшиладиган “ванилин” га ўхшаш табиий бўлмаган кимёвийлари ҳам бор. “тено натрий” каби айрим моддаларнинг ўзида таъм ва хид бўлмасада, табиий озуқаларнинг мазасини яхшилашга ёрдам беради.

• Ранг берувчи эмульгаторлар кимёвий озуқаларни табиий озуқаларга ўхшатиш учун ишлатилади. Кимёвий маргарин ишлаб чиқарувчилар уни сарёғга ўхшатиш учун сариқ ранг қўшадилар. Озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи корхоналар маҳсулотларни консервалаш жараёнида табиий озуқа рангини тиклаш учун ҳам айрим маҳсулотларга керакли рангларни

қўшадилар. Апельсинга ўхшаш айрим рангли эмульгаторларни маҳсулотни янада чиройли бўлиши учун ҳам қўшадилар.

• Эмулсиялар, стабилизаторлар ва қуюқлаштирувчилар эса маҳсулот ичидаи аралашмаларни бир бирига осонлик билан аралашиши учун ишлатилади. Музқаймоқларга қўшиладиган “Алжин” эмульгатори маҳсулот ичидаи аралашмаларни бир- бирига қўшилиб, қотишни таъминлайди. Стабилизаторлар ичидаги сутли шоколадга энг кўп ишлатиладиган “кражинин” маҳсулотни қуйқумлашиб қолишдан сақлайди. Пектин ва желатинлар эса мева мурабболари ва коктейлларга солинади.

• Кислота ва спиртлар айрим озуқаларда кимёвий мувозанатни ушлаб туришга хизмат қилади. Спирт зайдун ва нўхотга ўхшаш озуқалардаги кучли кислоталар таъсирини йўқотади. Лимон кислотаси мева шарбатларида чучуклик таъмини пайдо қилганидек, айрим кислоталар таомларда ўзгача бир таъм пайдо қилади. Карбоник кислотаси эса шарбатларни газлаштириш учун қўлланилади.

Маълум ҳукуматлар озиқ овқатларга қўшиш мумкин бўлган моддалар учун қатъий чегаралар белгилайдилар. Қонунлар ҳам озуқаларга моддалар қўшиш жараёнини тартибга соладиган маҳсус асосларни белгилаб беради. Лекин мамлакатларда бу қонунлар бир-биридан фарқ қиласди. Ушбу қоидаларга кўра айрим озуқаларга маълум моддаларнигина қўшиш мумкин. Масалан, Европа ҳамжамияти умумий шаклда қўлланиладиган қўшимчаларнинг Европа ва умуман дунёда заарсиз бўлганлари мундарижасини тайёрлаган. Озуқаларнинг умумий ҳолда заарсиз бўлишлиги ҳайвонлар устида олиб борилган тажрибаларга асосланган. Ушбу тажрибаларга таяниб инсон учун кунда озуқаларга қўшиладиган моддалардан етарли миқдори билиб олингандир. Бу борада энг кўп изланиш олиб бораётган ташкилот - “JECFA”дир.

Эмульгаторларнинг хусусиятлари:

- Даволовчи моддаларни организмга яхши сингиши учун парчалаб бериш.
- Ёғ ва ёғга ўхшаш ҳидли маҳсулотларда ёқимсиз таъм ва ҳидларни йўқ қилиш.
- Дори таъсирини узайтириш ҳамда қобилиятига кўра функциясини орттириш.
- Сув салоҳияти арzon ҳамда даволовчи моддаларни парчаланишида кучли таъсирга эга манба ҳисобланади.

Эмульгаторлар ўз таркибидаги суюқлик ҳолатига кўра иккига бўлинади:

- Сувнинг ичидаги ёғ мавжуд бўлиши. Бунда зохирий ҳолат эгаси сув, ичкиси эса ёғдир. Бунга сут мисол бўла олади, бу шаклда моддалардан сувни жозибадорлиги қозонадиган гуммиарабикалар ишлатилади.
- Ёғнинг ичидаги сув бўлиши. Бу юқоридагининг акси бўлиб, ёғнинг жозибалигини қаршилайдиган жун ёғи ва асал муми каби моддаларда қўлланилади. Бунга пишлоқ мисол бўла олади.

Таом ва ичимликларга қўшиладиган эмульгаторлар

Инсон истеъмол қилганда саломатлигига зарар келтирадиган, келиб чиқиши номаълум бўлган, озиқ-овқат саноатида қўшиладиган эмульгаторларнинг шаръий ҳукми қандай? Лекин, айрим бир эмульгаторларнинг углеводородлар, бензопирен ва айрим анилин ранглари афлатоксиниларга ўхшаб рак касаллигига олиб борувчи модда эканлиги хеч кимга сир эмас. Селфоксимин ва метионин, хлорид азоти каби айрим моддалар ўзаро қўшилиш натижасида заҳар пайдо қилиши бунга мисол бўлади. Мутахассис олимлар ушбу моддаларни кучукда тажрибадан ўтқазишганда колики касаллигини келтириб чиқарган. Бу касалликнинг келиб чиқишига селфоксимин ва метионин моддалари сабаб бўлган. Бу маълумотларнинг барчаси доктор Иброҳим Афананинг эмульгаторлар ҳақидаги маърузаларида келтирилган.

Бундан ташқари ушбу моддаларнинг бир қанча салбий томонлари мавжуд бўлиб, уларнинг айримларини қисқача келтирамиз:

1. Озуқадаги айрим айбларни беркитишга хизмат қилиши.
2. Гоҳида маҳсулотнинг сифати зохирий қўринишни чиройли қилишга хизмат этиши.
3. Озиқ-овқат ишлаб чиқарувчилар эмульгаторларга суяниб, маҳсулотлардаги саломатликка риоя қилиш шартларига бепарво бўлишлари.

4. Маҳсулотлардаги кимёвий жозибадорлик инсонларни, айниқса болаларни миқдордан кўп, зарап қиладиган даражада истеъмол қилишларига олиб бориши.
5. Айрим эмульгаторлар узоқ муддатли заҳарли таъсирга эга эканлиги.
6. Айрим бир ишлаб чиқарувчилар керакли меъёрга риоя қилмаслиги ва эмульгаторларнинг келиб чиқишига эътибор қилмаслиги. Масалан ҳайвон ёғидан олинган деб қайси ҳайвондан олинганилигига, желатинни ҳайвонданми ёки ўсимликдан олинганилигини эътибор қилиб аниқланмаслиги.

Масаланинг асосий чигал томони ушбу эмульгаторларга инглизча ҳарф билан “E” ни қўйиб, ортидан узундан узун сон қўйилишидир.

Ушбу моддаларни факат тўрт асосий қисмга бўлиш мумкин.

- I. E100 дан E199 гача ранг моддалари.
- II. E 200 E 299 гача сақловчи моддалар.
- III. E 300 E 399 гача антиоксидантлар.
- IV. E 400 E 499 гача эмульсия ва стабилизаторлар.

Эмульгаторларнинг синфланиши. Анионли, катионли ва ионсиз эмульгаторларга синфланади. Анионли эмульгаторлар юзасида карбоксил ва сульфонил группалар бўлади. Катионли эмульгаторларда азотли группа, ионсиз эмульгаторлар юзасида гидроксил, кето ва эфирли группалар бўлади.

Моно-, диацилглицеринлар ва уларнинг ҳосилалари, фосфолипидлар, лецитинлар(E322), синтетик ҳосиласи аммонийли фосфатидлари (E442) киради.

Табиий ва синтетик равишда ишлаб чиқарилган фосфолипидларни озиқ-овқат саноатининг нонвойлик, қандолатчилик ва маргарин ишлаб чиқариш тармоқларида ишлатишади.

Табиий фосфолипидлар (фосфатидлар, фосфатидли констентрат) ўсимлик мойларидан гидратациялаб олинади. Ўсимлик мойлари таркибида 60% гача фосфолипидлар хамда 40% гача триацилглицеринлар мавжуд. Бу фосфолипидлар таркибига 25% гача фосфолипидхоликлар (леститинлар), 25% гача фосфотидилэтанолалинлар, 16-17% дифосфатидилглицеринлар хамда 5-10% фосфатид кислоталар киради. Улар нон, унли қандолат маҳсулотлари, шоколод, ичимликлар, музқаймок ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Озиқ-овқат саноатида қўлланиладиган синтетик фосфолипидлар таркиби билан табиийларидан молекуаларида азотли асосларнинг бўлмаслиги билан фарқ қилади. Улар турли фосфолипид кислоталарнинг аммонийли ёки натрийли тузларини триглицеридлар билан ҳосил қилган мураккаб аралашмалари ҳисобланади.

Улардан шоколад ишлаб чиқаришда фойдаланиш какао ёғини тежашга олиб келади, маргарин саноатида ёғ фазаси 40-50% бўлган кам ёғли маргаринларни олиш имконини беради. Маргарин ишлаб чиқаришда Т-1 эмульгатори ва фосфатид констентратларнинг 3:1 нисбатдаги аралашмаси Т-Ф эмульгаторидан фойдаланилади. Бундан ташқари қандли моддаларни ёғ кислоталар билан олинган эфирлар (E473).

Полиглицерин эфирлари - ёғ кислоталарнинг полиглицерин билан бирикишидан ҳосил қилган мураккаб эфирлардир. Бундан ташқари, бу маҳсулотлар эркин полиглицеринларга, бироз миқдорда моно-, ди-, триглицеридларга эга. Озиқ-овқат саноатининг нон, қандолат ва маргарин ишлаб чиқариш тармоқларида фойдаланилади.

Сахароза эфирлари. Таркиби бўйича табиий кислоталарнинг сахароза билан ҳосил қилган мураккаб эфирлари ҳисобланади. Бу бирикмалардан жуда кенг - қандолат маҳсулотлари, нонвойлик, музқаймок ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Сорбит эфирлари - олти атомли спирт сорбит ва табиий кислоталарнинг бирикишидан ҳосил бўлган мураккаб эфирлар.

Озуқа маҳсулотларини таъмiga ва xушбўйлигiga таъсир этувчи моддалар

Маҳсулотни таъмiga ва xушбўйлига қуидаги омиллар таъсир этади:

1. Хом ашё таркиби, уни таркибидаги ароматик моддалар миқдори.

2. Махсулот таркибига қўшиладиган моддалар(ширинлаштирувчи моддалар, эфир мойлари, ароматизаторлар, ош тузи, ҳидли моддалар, озукавий кислоталар, таъми ва хушбўйликни кучайтирувчи моддалар.

3. Махсулотни қайта ишлашда микробиологик ва биокимёвий жараёнлар натижасида ҳосил бўладиган моддалар.

4. Тайёр махсулотга қўшиладиган қўшимчалар.Туз, ширина таъм берувчи моддалар, доривор моддалар, соуслар ва бошқалар.

Ширина таъм берувчи моддалар

Крахмалдан олинадиган қандли моддалар.Буларга крахмал патокаси, мальтоза патокаси ва глюкоза. 6.2.-жадвалда турли хом ашёларда учрайтирувчи углеводларни ширинлик даражаси келтирилган.

Table 4.10. Relative sweetness of sugars and sugar alcohols to sucrose^a

Sugar/ sugar alcohol	Relative sweetness	Sugar/ sugar alcohol	Relative sweetness
Saccharose	100	D-Mannitol	69
Galactitol	41	D-Mannose	59
D-Fructose	114	Raffinose	22
D-Galactose	63	D-Rhamnose	33
D-Glucose	69	D-Sorbitol	51
Invert sugar	95	Xylitol	102
Lactose	39	D-Xylose	67
Maltose	46		

^a 10% aqueous solution.

Асал —75% моно- ва дисахаридлар (жумладан 40% фруктоза, 35% глюкоза ва 2% сахароза) ва 5,5% крахмал. Витаминалар (мг / 100 г): С — 2,0; В₆ — 0,1; фолацин — 0,015; кам миқдорда — В₁, В₂. Микроэлементлардан (мкг): темир — 800; йод — 2,0; фтор — 100; органик кислоталар — 1,2%.

Солод экстракти —арпа солодини сувли экстракти. Аралашма моно- ва олигосахаридлардан (глюкоза, фруктоза, мальтоза, сахароза ва бошқалар), оқсилилар, минерал моддалар, ферментлардан иборат. Куруқ моддалар миқдори 5%. Болалар учун кондитер махсулотлари ишлаб чиқаришда қўлланилади.

Лактоза — сутшакари, дисахарид, глюкозава галактозадан иборат. Болалар учун махсулот ишлаб чиқаришда қўлланилади

Эфир мойлари. Эфир мойи— ўсимликлардан ажратиб олинади

Озукавий ароматизаторлар. Уларни таркибига 20-30дан ортиқ моддалар киради. Изопреноидлар ва уларни ҳосилаларилимон ҳидини беради.

Махсулот таъмини ва ҳидини кучайтирувчи моддалар

Буларга қуйидагилар киради

Глутамин кислота (Ц+)-)	E620
Натрий глутамат-1.....	E621
Калий глутамат-1.....	E622
Кальций глутамат	E623
Аммоний глутамат-1.....	E624
Магний глутамат	E625
Гуанил кислота	E626
5'-натрийгуанилат-2.....	E627
5'-калийгуанилат-2.....	E628
5'-кальций гуанилат	E629
Х Инозин кислота	E630

5'-кальцийинозинат	E633
5'-кальцийнингрибонуклеотидлари.....	E634
5'-натрийрибонуклеотид-2.....	E635
Мальтол	E636
Этилмальтол	E637
Глицин	E640
L-лейцин	E641
Лизин гидрохлорид	E642
Бензой смоласи	E906

«Глутамин эфекти» бу янги терилган меваларда ва сабзавотларда пайдо бўлади.

Гуанил кислота E626 ва уни тузларии таъмни 200-300 марта кучайтиради.

Инозин кислота E630 ва уни тузларитаъмни ва хушбўйликни кучайтирувчи модда.

Улар хайвон маҳсулотларидан олинадиган экстракт моддалар таъмини беради.

Назорат саволлари

1. Озуқа қўшимчаларига тавсиф беринг.
2. Озуқа қўшимчаларини классификацияси.
3. Озуқа қўшимчаларини рақамли кодлаши тизимини келтиринг.

7-МАЪРУЗА.МАҲСУЛОТЛАРНИ БУЗИЛИШИДАН САҚЛАШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ҚЎШИМЧАЛАР

Режа

1. Консервантлар.
2. Антибиотиклар.
3. Антиоксидантлар.
4. Биологик фаол қўшимчалар.

Таянч сўз ва иборалар: консервантлар, антибиотиклар, антиоксидантлар, биологик фаол қўшимчалар, пробиотиклар, нутрицевтиклар, парафармацевтиклар, специфик эффектлар, радикал занжир.

Консервантлар

Тайёр маҳсулотларни бузилиши мураккаб физик-кимёвий ва микробиологик жараёнлар туфайли юз беради.

Микроорганизмларни ривожланиши натижасида ҳосил бўладиган токсинлар организмни заҳарлайди ва ёмон оқибатларга олиб келади.

Маҳсулотларни сақлаш муддатини узайтириш мақсадида қадимдан турли усулларни қўллаб келганлар. Бу усулларга қуритиш, тузлаш, сирка, ёғ, асал, олтингугурт ангидриди билан ишлов бериш киради. XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида кимё соҳасини ривожланиши туфайли кимёвий консервантлар қўлланила бошланди. Буларга бензой ва салицил кислоталари, уларни ҳосилалари киради.

Консервантлар — озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш муддатини узайтирадиган, микроорганизмларни (бактерияларни, замбуруғларни, ачитқиларни) ривожланишини тўхтатадиган моддалардир.

Антимикроб моддалар *бактерицид* (бактерияларни ўлдириш ёки *бактериостатик* хоссага (бактерияни ўлдирмасдан ривожланишини тўхтатишга) ва *фунгистатик* (замбуруғни ривожланишини тўхтатишга) ёки *фунгицид* (замбуруғларни ўлдириш) хоссаларига эга бўлади.

Озиқ-овқат саноатида қўллашга рухсат этилган консервантларга қуйидагилар киради:
 Сорбинкислотаси E200
 натрий сорбат E201
 калий сорбат E202

кальций сорбат	E203
Бензой кислота	E210
натрий бензоат	E211
калий бензоат	E212
кальций бензоат	E213

Уларни самарадорлиги ва қўллаш услублари, кимёвий табиати ва pH муҳитига боғлиқ. Кўпчилик консервантлар кислотали муҳитда самараси кучли. pH муҳит кўрсаткичини пасайтириш мақсадида сирка, олма, сут, лимон ва бошқа кислоталар қўлланилади.

Консервантлар одатда консервалашни физикавий усуслари билан (қиздириш, қуритиш) биргаликда ишлатилади. Бу энергияни тежашга имкон беради.

Консервантлар қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- кенг таъсир этиш спектрига;
- микроорганизмларга нисбатан самарали;
- маҳсулот таркибида сақлагунча ўзгармайқолиши керак;
- токсинлар ҳосил қилмаслиги;
- маҳсулотни органолептик хусусиятига таъсир этмаслиги;
- қўллашга қулай;
- арzon бўлиши керак.

Консервантлар қўйидаги хусусиятга эга бўлмаслиги керак:

- физиологик хавфли;
- маҳсулот компонентлари билан таъсирланиши; .
- экологик ва токсикологик муаммоларни келтириш;
- баъзи бир маҳсулотлар ишлаб чиқаришда микробиологик жараёнларга таъсир этмаслиги керак.

Антибиотиклар

Антибиотиклар озиқ-овқат маҳсулотларини (гўшт, балиқ, парранда гўшти, сабзавотларни) бузилишини секинлаштирувчи қўшимча модда ҳисобланади. Тиббиёт учун рухсат этилган антибиотиклар, озиқ-овқат маҳсулотлари учунқўллашга рухсат этилмайди. Антибиотиклар маҳсулотларни сақлаш муддатини 2-3 йилгача узайтириши мумкин. Озиқ-овқат маҳсулотларини сақлашда низин ва пимаридан қўллаш кенг тарқалган⁴.

Низин (E234) — C₁₄₃H₂₃₀O₃₇S₇ — пептидли антибиотик ҳисобланади. Курук ҳолатда яхши сақланади. Низин сўлак протеолитик ферментларига ва ошкозон ферментларига таъсирчан. Лекин ошкозон ферментларига чидамли. Низин маълум бактерияларни ўстириш усулида олинади. Грамм мусбат бактерияларга, стрептококка, бацилл ва бошқа бактерияларга таъсири кучли. Стерилизация ҳароратини пасайтиришга имкон беради. Пишлоқ ишлаб чиқаришда, сабзавотларни консервациялашда, сут маҳсулотларини сақлаш муддатини узайтиришда қўлланилади.

Озукавий антиоксидантлар

Озукавий антиоксидантларга биринчи навбатда липидлар таркибидаги тўйинмаган ёғ кислоталарни оксидланишини секинлаштирувчи моддалар киради. Бу қўшимча моддалар технологик функциясига кўра 3 синфга бўлинади: 1) антиоксидловчилар; 2) синергетик антиоксидловчилар; 3) комплекс ҳосил қилувчилар.

Аскорбин кислота	E300
натрий аскорбат	E301
кальций аскорбат	E302
калий аскорбат	E303
Аскорбилпальмитат	E304
Аскорбилстеарат	E303
Токоферол аралашмасини концентрати	E306
Альфа-токоферол	E307
Гамма-токоферол синтетик	E303

⁴H.-D. Belitz W. Grosch P. Schieberle, Food Chemistry, Springer-Verlag Berlin Heidelberg, 2009, 454 б.


Дельта-токоферол синтетик	E309
Пропилгаллат	E310
Октилгаллат	E311
Додецилгаллат	E312
Гваяк смоласи	E314
Изоаскорбин кислотаси E3 15	
натрий изоаскорбат	E316
калий изоаскорбат	E317
Глюкозооксидаза	E1102
ва бошқалар	

Ёғларни оксидланиши – мураккаб жараён бўлиб радикал-занжир механизми орқали кетади. Оксидланишни бошланғич маҳсулоти бўлиб пероксидлар ва гидропероксидлар ҳисобланади. Булар бирламчи оксидланиш маҳсулоти ҳисобланади. Уларни мураккаб ўзгариши туфайли иккиласи оксидланиш маҳсулотлари спиртлар, альдегидлар, кетонлар ва узун занжирли кислоталар ва уларни ҳосилалалари ҳосил бўлади. Оксидланиш тезлигига маҳсулот таркиби, биринчи навбатда липидларни таркиби ва тузилиши, ҳарорат, намлик, метал ионлари ва ёруғлик таъсири этади.


Антиоксидловчилар таъсири асосида уларни кам фаол радикаллар ҳосил қилиши ётади.

Ёғларни оксидланиши ва антиоксидантларни таъсирини қўйидагича таърифлаш мумкин:

Ёғ кислотаси ёки ацили ҳар хил омиллар асосида ҳосил қилаётган эркин радикали (R') кислород билан пероксид радикал ҳосил қиласи




Бу яна бошқа тўйинмаган ёғ кислотаси ва ацили билан R-H таъсириланиб янги эркин радикал ва гидропероксид ҳосил қиласи



Бошланғич даврида секин кетаётган реакция, гидропероксидларни тўпланиши билан парчаланади ва янги радикаллар ҳосил бўлиши тезлашади:



Антиоксидантларни киритиш янги радикалларни ҳосил қиласи A', лекин бу R' дан оксидланишга барқарорлиги билан фарқланади.



Биологик фаол қўшимчалар

Биологик фаол моддалар – табиий биологик моддалар бўлиб, озиқ-овқат маҳсулотлари билан истеъмол қилинади.

Хозирги вақтда улар 3 гурухга бўлинади. Нутрицевтиклар, парафармацевтиклар ва пробиотиклар. Ҳар бири гурухчаларга бўлинади. *Нутрицевтиклар* (озуқ маҳсулотларни қўшимча манбаи — нутриентлар) — биологик фаол озуқа қўшимчалари, маҳсулотни кимёвий таркибини ростлаш учун қўлланилади ва қўйидагиларга бўлинади:

* оксил ва аминокислоталар манбаи;

* эссенциал ёғ кислоталар манбаи, ёғлар ва ёғда эрийдиган витаминалар;

* ўсимлик ёғлари асосида,

* балиқ ёғлари асосида;

* углеводлар ва қандлар манбаи;

* сувда эрийдиган витаминалар асосида; «минерал моддалар манбаи (макро- ва микро-элементлар);

* озуқавий тўқималар манбаи.

Парафармацевтиклар (физиологик фаол хусусиятли моддалар манбаи) — профилактика, терапия ва органларни физиологик фаолиятни таъминлаш учун биологик фаол қўшимчалар қўйидаги гурухларга бўлинади:

-Ўсимлик хом ашёси асосида:

Куруқ

Суюқ

- Ҳайвон хом ашёси асосида:

Гўшт-сут хомашёси ва яриммаҳсулотлар

Балиқ ва денгиз маҳсулотлари.

Пробиотиклар — озиқ-овқат маҳсулотлари учун биологик фаол қўшимчалар. Уларни таркибида тирик микроорганизмлар ва уларни метаболитлари киради ва қўйидаги гурухчаларга бўлинади:

- тоза микроорганизм асосидаги пробиотиклар;

-аралаш таркибли пробиотиклар (аминокислоталар, микроэлементлар, моно- ва дисахаридлар ва бошқалар қўшилган).

Пробиотиклар озиқланиш учун маҳсулот бўлиб уларни таркибида микроб ва микробсиз табиатли моддалар киритилиди: тирик микроорганизмлар— нормал микрофлора бўлиб уларни метаболитлари бифидобактерияларни ва лактобацилларни — ўсишини ва фаоллигини жадаллаштиради.

Пробиотикларни самараси уларни таркибида ва инсонни яшаш шароитларига ва микробиал экологиясига боғлиқ.

Приобиотик сифатида қўлланиладиган микроорганизмлар юқори тезликда ўсиши, паст рН кўрсаткичга ваёт қопи кислоталарига чидамли бўлиши керак.

Асосий функцияси:

— зарарли микроорганизмларни ўсишини тўхтатиш;

— токсинларни нейтрализация қилиши, рН ни нормаллаштириши;

— ферментларни фаоллигини ошириб ёки камайтириб метаболизмни бошқариш.

Специфик эфектлар:

— антибактериал хусусиятли;

— антимутаген хусусиятли;

— антиканцероген хусусиятли;

— лактоза метаболизмини яхшилаш;

— холестерин миқдорини камайтириш;

— иммун системани ошириш.

Хозирги вактда оптималь овқатланишни таъминлаш мақсадида физиологик талабга, жисмоний юклама ва жинсга қараб озиқланиш меёrlари аниқланяпти.

Назорат саволлари

1. Консервантларга таъриф берин. Озиқ-овқат саклашида консервантларни аҳамияти. Консервантларга мисоллар келтиринг.

2. Антиоксидантларга таъриф беринг. Антиоксидантларга мисоллар келтиринг.

3. Биологик фаол қўшимчаларга тавсиф беринг. Уларни классификацияси.

8-МАВЗУ:ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИ Режа

1. Озиқ-овқат хавфсизлигини назорат тизими.
2. Ёт моддаларни классификацияси ва маҳсулотларга тушиши йўллари.
3. Моддаларнинг заҳарлигини аниқлаши
4. Токсик моддаларни турлари.
5. Радиоактив ифлосланиш

Таянч сұз ва иборалар: Токсик элементлар, диоксин, генетик модификацияланған озиқ-овқат маҳсулотлари, табиий токсикантлар, радиоактив ифлосланиш, радон, гербицид, антибактериал моддалар.

Озиқ-овқат хавфсизлигини назорат тизими

Озиқ-овқат маҳсулотларини хавфсизлиги мураккаб муаммо бўлиб, олимлардан, ишлаб чиқариш мутахассисларидан, санитария эпидемология хизмати ходимларидан бу муаммони ечиш бўйича кўп ишларни талаб қиласди.

Озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини долзарблиги йил сайин ошиб бормоқда. Хом ашё ва маҳсулотларни хавфсизлигини таъминлаш инсонларни соғлиғини ва генафонини сақлашни асосий омили ҳисобланади.

Озиқ-овқат маҳсулотларини хавфсизлиги деганда, уларни инсон истеъмол қилганда соғлиғига зарари йўқлиги тушунилади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари билан инсон организмига заарли моддалар тушиши мумкин. Шунинг учун олдимизда маҳсулотларини сифатини назорать қилиш масулиятини ошириш муаммоси ётади.

1970 йилларни бошида маҳсулот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Хавфли омилларни критик назорат нуктаси концепцияси (ХОКНК) ишлаб чиқилди. Концепцияга кўра ХОКНКни масъулияти ишлаб чиқарувчиларга юклатилади. Бошқа тарафдан у ишлаб чиқарувчиларга маҳсулотларни назорат қилиш, унинг самарасини ошириш, шу билан бирга озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш масъулияти ётади.

ХОКНКни юзага чиқариш 2 та асосий тадбирни ўз ичига олади.

1-тадбир. Хавфли омилларни юзага чиқариш ва назорат тадбирларини аниқлаш. Зарур ҳолатларда қўйидигаларни аниқлаш ётади:

- хом ашёни таркиби ва компонентлари, ҳамда маҳсулотларни хавфсизлигига ва барқарорлигига таъсир этадиган кўрсаткичлар;
- хавфли омилларга таъсир этувчи ва ҳосил қилувчи ишлаб чиқариш шароитлари ва кўрсаткичлари;
- қайта кимёвий моддалар ва микроорганизмлар билан заарланиши;
- харидор амалиётида муздан тушириш, иситиш, қайнатиш ва бошқ. қўллаш;
- Хавфли гурухлар(умумий овқатланиш тизими, болалар, қариялар, иммун тизими бузилган инсонлар, бошқа касаллар).

2-тадбир. Критик назорат нуктасини аниқлаш. Ҳар бир хавфли омилларга ҳар бир босқичда қўйидаги саволларга жавоб бериш керак:

— ўрганилаётган хавфли омил хом ашёда ва уни қайта ишлашда пайдо бўлиши мумкинми?

— маҳсулот хавфсизлиги бўйича хом ашё таркиби ёки маҳсулот рецепти ҳал қилувчи аҳамиятга эгами?


— тайёр маҳсулотлар таркибидаги хавфли омиллар даражасини ёки уларни кўпайишини камайтириш технологик жараёнлар таъминлайдими?

Қайд этилган 2 тадбирдан ташқари ХОКНК спецификацияни, мониторинг тизимини, камчиликларни йўқотиш ва текшириш тизимини ўз ичига олади.

Ёт моддаларни классификацияси ва маҳсулотларга тушиш йўллари

Озуқ маҳсулотларига кимёвий ёт моддалар атроф-муҳитдан ёки технологик жараёнларда жиҳозлар билан таъсирланганда тушиши мумкин. Бундан ташқари хом ашё таркибida ва тайёр маҳсулотларда инсон соғлиғига таъсир этувчи табиий моддалар бўлиши мумкин.


Озиқ-овқат махсулотлари учун заарли ва ёт моддаларнинг синфланиши



Атроф-мухит – озиқ-овқат махсулотларини ифлослантирувчи асосий манба

Махсулотларни захарли моддалар билан ифлосланиши түғридан түғри атроф-мухитни ифлосланиш даражасига боғлиқ.

Инсон ўзини ҳаёт фаолиятида биосферага турли хил захарли бўлган ксенобиотикларни чиқаради. Булар инсон саламатлигига чуқур таҳлил соляпти ва экологик ҳалокатга хавф соляпти.



Атроф-мухитдан озиқ-овқат орқали инсон организмига тушадиган ксенобиотикларни схемаси

Ксенобиотиклар атроф-мухитга ўтиб инсонларни антропоген фаолияти туфайли тупроқда, сув ҳавзаларида йифилади. Озиқ-овқат занжири орқали инсон организмига тушади ва саломатликка таъсир этади.

Моддаларнинг заҳарлигини аниқлаш.

Моддаларни заҳарлигини миқдорий аниқлаш қийин бўлиб, кўп ёндошувларни талааб этади.

Заҳарлийликни тавсифлашни 2 усули бор -ЛД₅₀ва ЛД₁₀₀. ЛД — тажриба ҳайвонни (50 ёки 100%) ўлимiga олиб келадиган модданинг миқдори тушунилади.

Заҳарлигига қараб қуидагича синфланиш қабул қилинган (ЛД₅₀ каламушга перораль усулда киритилгандা, мг/кг):

Ўта заҳарли	< 5
Кучли заҳарли.....	5-50
Заҳарли	50—500
Кам зарарли.....	500—5000
Заҳарсиз	5000—15 000
Умуман зарарсиз	> 15 000

Токсикологик критерияга кўра БМТ ва бошқа уюшмалар қуидаги кўрсаткичларни қабул қилишган: ПДК, ДСД и ДСП.

ПДК (“предельно-допустимая концентрация” - рухсат этилган концентрация чегараси) — ёт моддаларни атмосферадаги, сувдаги, озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги инсонлар учун зарарсиз миқдори.

ДСД (“допустимая суточная доза”) - рухсат этилган кундалик меъёр бўлиб инсонга умр бўйича зарари бўлмайди.

ДСП (“допустимое суточное потребление” – рухсат этилган кундалик истеъмоли) — кўрсаткич 60 кг массага нисбатан берилади.

Токсик элементлар.

Токсик элементларга 14 элемент киради: Hg, Pb, Cd, As, Sb, Sn, Zn, Al, Be, Fe, Cu, Ba, Cr, Ti. Бу элементлар заҳарли бўлиб, баъзилари инсонни нормал фаолияти учун зарур.

Булар ичида энг заҳарлиси симоб (Hg), кўрғошин (Pb), кадмий (Cd) хисобланади.

Симоб. Симоб — энг хавфли ва заҳарли элемент хисобланади.

ПДК: 0,0003 мг/м³хавода ва 0,0005 мг/л сувда. Қанд таркибида хавфсиз миқдори 50—100 мкг/л. Инсон 1 кунда 0,05 мг симобни қабул қиласди.

Инсон организми симобни балиқ маҳсулотларидан олади.

Кўрғошин. Энг кўп тарқалган элемент бўлиб хавфли токсикант хисобланади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги кадмийни миқдори қуидагича: донли маҳсулотда 28—95, нўхатда 15—19, ловияда 5—12, картошкада 12—50, карамда 2—26, помидорда 10—30,хўл меваларда 9-42, ўсимлик ёғида 10-50, шакарда 5-31, замбуруғларда 100-500; ҳайвон маҳсулотларида: Сутда — 2,4, творогда — 6,0, тухумда 23—250.

Инсон организмига 80% кадмий озука орқали ўтади, 20% атмосферадан ўтади. Ўпка орқали 150 мкг/кг ва чекиш орқали 1,5-2,0 мкг/кг ўтади.

Алюминий. Инсон организмига асосан алюминий идиш-товоқлардан, сувдан ўтади. Озиқ-овқат маҳсулотлари ичида чойда алюминийни миқдори кўпроқ бўлади (20 мг/г).

Сурма. Сурма тоза элемент сифатида факат юкори концентрацияларида заҳарли хисобланади. Ер қатламида — 2 мг/кг, денгиз сувида — 5 мкг/кг бўлади. Хавф солувчи манбаи сифатида кўнғир кўмирда ишловчи электростанция, мис қуиши корхоналари, яrim ўтказгич, шиша қуиши, инсектицид, фунгицид ишлаб чиқарувчи корхоналар хисобланади.

Радиоактив ифлосланиш

Радиоактивлик манбаи бўлиб атмосфера, ёмғир, шамол, тупроқ, ўсимлик, ҳайвон хисобланади. Радиоактив моддаларга ³H, ⁷Be, ¹⁴C, ²²Na, ²⁴Na киради. Асосийларига ⁴⁰K, ²³⁸U, ²³²Th киради.

Радон — биринчи очилган радионуклеотид хисобланади. Бу газ ²²⁶Ra изотопини емирилишида хосил бўлади ва нафас олиш йўли орқали организмга ўтади. Инсон ҳар доим

радон билан контактда бўлади. Тош ва ғиштли уйларда, айниқса биринчи қаватда кўпроқ бўлади. Асосий манбай бўлиб тупроқ ва қурилиш материаллари ҳисобланади. Қурилиш материалларини радиоактивлиги ($\text{мк}^3\text{в}/\text{йил}$) дараҳт 0, оҳак, қумда 0-100, фильт, бетон 100-200, табиий тош, гипс 200-400, гранит 400-2000. Ер ости сувларида ҳам радон миқдори кўп бўлади. Йўқотишни самарали усули бўлиб аэрациялаш ҳисобланади.

Организмда тақсимланиши бўйича радиоактив моддаларни 3 гурӯхга бўлиш мумкин.

1. Суяқда тўпланувчи остеотроп изотоплар - стронций, барий, радий вабошқалар.
2. Жигарда тўпланувчи радиоактив моддалар (церий, лантан, плутоний ва бошқалар).
3. Бир текисда тақсимланувчилар (водород, углерод, инерт газлар, темир ва бошқалар).

Баъзилари мускулларда тўпланади (калий, рубидий, цезий).

Алоҳида ўринни радиоактив йод эгаллайди — у селектив қалқон безда тўпланади.

Диоксинлар ва диоксинга ўхшаш бирикмалар

Диоксинлар — кучли захарли бирикма бўлиб мутаген, канцероген ва тератоген хоссага эга. Озиқ-овқат маҳсулотларига асосий ҳавф солувчи модда ҳисобланади.

Диоксинлар пластмасса, пестицид, қоғоз, дефолянт ишлаб чиқариш корхоналари чиқиндиси ҳисобланади. Вьетнам урушида (1962-1971) америка ҳарбий ҳаво кучлари Жанубий Вьетнамга 57 минг тонна дефолянт — «олов ранг реагент» ёғдирган, уни таркибида 170 кг диоксин (яъни 0,0003%) бўлган. Натижада онкологик касаллик билан касалланиш кўпайган. Шундан сўнг бунинг оқибати инсоният учун ҳавфлилиги англашган. Диоксинлар чиқиндиларни ёқишида, автомобиллардан чиқади.

Ўсимликлар ҳимоясида кўлланиладиган химикатлар ҳам ифлослантирувчи ҳавфларга киради. Буларга пестицидлар, ўғитлар, ўстириш регуляторлари ва бошқалар киради.

Чорвачиликда қўлланиладиган антибактериал моддалар (антибиотиклар, сульфаниламидолар, нитрофуранлар) гормонал препаратлар, транквилизаторлар (тинчлантирувчи модда), антиоксидантлар ва бошқалар.

Табиий токсикантлар. Буларга бактериал токсинлар, микотоксинлар ва бошқалар киради. Бу моддалар бактерия ва замбуруғларни ривожланиши натижасида ҳосил бўлади.

Генетик модификацияланган озиқ-овқат маҳсулотлари. Ҳозирги кунда ген инженерлиги ютуқлари асосида ўсимликларни янги ҳусусиятли навлар яратилган. Бир организм генини (масалан, совукқа, гербицидларга, касалликка ва паразитга чидамли, юқори ҳосилдор ва бошқ. ҳусусиятли) бошқа ўсимлик ДНКсига ўтказиб трансген ўсимлик нави яратилади. Натижада юқори ҳосилдор янги нав олинади. Мисол қилиб сояни айтиш мумкин.

Ҳозирги кунда бу маҳсулотларни ҳавфсизлиги бўйича муаммоли масалалар чиқаяпти. Шунинг учун бу маҳсулотларни истеъмол қилиш бўйича эҳтиёткорлик керак. Чунки, бу маҳсулотни озуқавий ва биологик қиймати, аллергенлиги, мутагенлиги, иммун тизимини ўзгариши, тератогенлиги ўзгаријапти. Бу инсон саломатлигига таъсири бўйича ҳозирча аник фикрлар кам.

Назорат саволлари

1. *Озиқ-овқат маҳсулотлар ҳавфсизлиги нима?*
2. *Захарли моддаларни синфланишини нимага асосланган?*
3. *Ифлослантирувчи моддалар манбай ва ўтиши йўллари.*
4. *Табиий токсикантларга нималар киради?*
5. *Генетик модификацияланган маҳсулотлар нима?*

9-МАВЗУ: РАЦИОНАЛ ОВҚАТЛАНИШ АСОСЛАРИ

Режа

1. *Овқатланиши ва озукани ўзлаштирилиши.*
2. *Асосий ҳазм бўлиши жараёнлари.*
3. *Рационал овқатланиши принциплари.*

Таянч сұз ва иборалар: овқат ҳазм қилиши органи, оғиз бүйшилиги, қызил ўнгач, сұлак безлари, овқатланиши принциплари, энергетик қиймат коэффициенти.

Овқатланиши ва озуқаны ўзлаштирилиши

Хар бир инсон оқилона овқатланиш ҳақида, овқат маҳсулотларини ташкил этган моддалар ҳақида ва уларни соғлом ёки носоғлом организмга таъсири ҳақидаги зарур бўлган тушунчаларга эга бўлиши керак. Бу тушунчалар инсонда овқатланиш маданиятини яратади. Бу маданият жамият миқёсидаги лозим бўлган маданиятнинг асосларидан биридир. Оқилона овқатланишнинг тамойилларини бузилиши албатта организмда бирон бир касалликни келтириб чиқаради. Шу билан инсон умрини қисқартиради ва уни тўлиқлигини йўқотади. Масалан: семириш касаллиги, овқат таркибида алмаштириб бўлмайдиган моддаларнинг сурункали етишмаслиги ва ҳ.к. Шу қаторга яна биз озиқ-овқат хом ашёси ва тайёр маҳсулотларни турли хил ёт бўлган кимёвий ва биологик хусусиятларга эга бўлган моддалари билан ифлосланишини ҳам киритишимиш лозим. Шу сабабли давлат назорати томонидан овқат маҳсулотлари бўйича хавфсиз ва «соғлом овқат» ишлаб чиқариш масаласига катта эътибор қарашлари лозимдир.

Замонавий овқатланиш фани ўз ичига жуда кўп фундаментал ва амалий фанларни олган бўлиб, у жамиятни ривожланиши билан аҳолининг урф-одатлари, овқатланиш маданияти ва шунга ўхшаш йўналишларни ривожланиши билан тавсифланади.

Овқат ҳазм бўлиши деганда овқат маҳсулотини инсон организмида тўлиқ парчаланиши тушунилади. Яъни, маҳсулот таркибига кирганозуқавий моддаларни организмнинг турли қисмларида турли шаклгacha парчаланиши, сўнгра уларни қонга сўрилиши ва организмда бу моддаларни оксидланиши назарда тутилади. Кейинги босқичда оксидланишга учраган моддалар маҳсус жараёнлар натижасида ва ферментлар иштирокида қайтадан лозим бўлган озуқа моддаларига айланади ва организм бирлигини яратади. Бу жараённи қисқача ассимляция ва диссимляция жараёни деб аталади. Ёки ўзгача бу жараённи ресинтез ва синтез деб ҳам аталади.

Жараённинг маълум қисми ошқозон ичак аппаратларида амалга ошади. Иккинчи қисми хужайра миқёсида амалга ошади. Ушбу жараённи тўлиқ кўз олдимизга келтиришимиз учун қисқача овқат ҳазм қилиш аппарати устида тўхталиб ўтамиз.

Овқат ҳазм қилиш аппарати оғиз бўшлиғидан бошланиб, анал (чиқариш) тешиги билан тугайди. Овқат ҳазм қилиш аппаратининг турли қисмларида овқат маҳсулотлари турлича ўзгаришларга дучор бўлади. Оғиз бўшлиғидан механик жараён амалга ошади, яъни, овқат маҳсулотлари майдаланилади ва у оғиз бўшлиғидаги сұлак безларидан ажралган шира билан тўйинади, ҳамда, у бир мунча бўқади. Механик тарзда парчаланганд овқат маҳсулотлари халқум орқали қизилўнгачга ўтади.

Қизилўнгачда овқат бўтқаси бир мунча вақт ушланиб туради. Бу даврда овқат яна ҳам кўпроқ бўкиб, маълум тоифадаги массага айланади. Қизилўнгачнинг деворларини маҳсус ҳаракати туфайли овқат бўтқаси аста-секин пастга силжийди ва маълум халқасимон тешикдан ўтиб, ошқозонга тушади. Овқат бўтқаси ошқозонда овқат хилига қараб бир неча минутдан бир неча соатгача ушланиб турилади.

Овқат бўтқаси тушганда ошқозон деворларидаги шиллик қаватнинг функцияси тезлашади ва ошқозоннинг ички бўшлиғида ошқозон шираси йиғилади. Шира асосан ошқозон деворларидаги маҳсус безларни ишфаолияти натижасида ажралади ва у ошқозон шираси деб аталади. Ошқозон шираси кислотали мухитга эга ($pH=5,5$).

Ошқозоннинг ички бўшлиғида овқат бўтқаси ҳам бўқади, ҳам механик ўзгаришга дучор бўлади. Бўтқа ошқозон ширасига тўйинган вақтда у бир хил тезлик билан бир хил мухитли бўтқага тезда айланмайди. Бу нарса ошқозон пересталтикасини (ҳаракатини) юзага келтиради ва уни давомийлигига сабаб бўлади.

Ошқозон кўринишини халтасимон бўлиб, унинг иккита учи бор. Биринчиси қызил ўнгачга уланган, маҳсулотни тушадиган қисми, иккинчи учи-овқатнинг чиқиб кетадиган учи. Хар иккала учида маҳсус халқасимон тузилишига эга бўлиб, бу қисимлари овқат

ошқозонда ўзгаришга учраётган вақтда халқачалар қискаради ва иккала учи бекилиб колади. Натижада ёпик бўшлиқ ҳосил бўлади. Бўшлиқ ичиди худди шу даврда бўтқанинг турли қисмидаги мухит турлича бўлади. Сабаби юқорида айтилганидек, бўтқанинг бутун массаси бир хил кўрсаткичдаги кислоталикка эришолмаслигидадир. Натижада, ошқозон деворларини турли қисмида турлича қисқариш юзага келади ва ошқозон юзаси бўйлабҳаракат бошланади. Ҳаракат натижасида овқат бўтқаси ошқозон ичиди аралашади. Оқибатда, бўтқанинг ҳар бир заррачасининг ошқозон шираси ва ундаги ферментлар билан тўйинади. Жараён узоқ давом этади. Маълум вақт ўтгач, ошқозон ширасининг функцияси сусая бошлайди. Худди шу вақтда ошқозон ичидаги бўтқа мухити бирхиллашади ва бўтқа ошқозоннинг чиқиш қисмидаги деворини кутблайди. Деворни ички ва ташки қисмидаги (ощқозон, ичак) мухит тенглашиши натижасида халқа аста-секин бўшашибтешик очила бошлайди ва овқатнинг бўтқаси ичакка ўтади. Ўтиш жараёни ҳам маълум бир даврни талаб қиласи. Сабаби, барibir бўтқанингички қисмидаги мухит бир мунча бошқача бўлади. У деворга ўз таъсиринп кўрсатади ва натижада яна халқа бекилади. Мана шу тарзда анчагина суюқ холга келган бир жинсли масса аста-секин ичак ичига ўта бошлайди. Ичакнинг бошланғич қисмини (ощқозон билан туташ қисми) 12бармоқли ичак дейилади. Овқат бўтқаси ўт пуфагидан келган ўт моддаси биланбойийди ва у ерда турли парчаланиш реакциялари кетади. Овқат бўтқаси аста секин 12бармоқли ичакдан ингичка ичакка ўтади. Ингичка ичакда ҳам бўтқанинг турли хил ферментлар таъсиридаги ўзгаришни кузатамиз.

Турли хил биокимёвий жараёнлар натижасида ўзгаришга учраган овқат бўтқаси ичакда анчагина вақт сақланилади. Унда жараёнлар натижасида ажралган озуқа моддаларини қонга сўрилиш ҳолати бошланади ва бутун ингичка ичак бўйлаб жигар томон озуқа моддалари тўлиқ сўрилиш даражасини ўтайди. Овқат бўтқасининг қолган қисмини аста-секин йўғон ичак томон ҳаракатланади ва ҳамма бўтқа йўғон ичакка ўтади. Йўғон ичакда овқат бўтқаси сувсизланади, яъни, ичак деворларидан бўтқадаги сув сўрилади ва қуюқлашган бўтқа маҳсус ҳаракат натижасида йўғон ичакдан чиқарилади. Мана шу зайдада истеъмол қилинган овқат маҳсулоти овқат ҳазм қилиш аппаратида ҳаракатланади.

Бу ҳаракат давомида овқат ҳазм қилиш аппаратининг ҳар бир участкасида турли хил биокимёвий ўзгаришлар юзага келади. Яъни маҳсулот таркибидаги оқсил, ёғ ва углевод моддалари аппаратнинг турли қисмида ферментлар таъсирида парчаланади ва ичак томон ҳаракатланади. Бу ўзгаришларни биз умумий холда ассемиляция жараёни деб атаймиз.

Оқилона овқатланиши З та принципга асосланган:

1. Ҳаётий фаолиятда озуқа билан тушадиган ва сарфланадиган энергия балансини сақлаш.
2. Озуқавий моддалар билан организмни керакли моддаларга бўлган талабини қондириш.
3. Маълум вақтда ва кунда овқатланиш режимини ва таркибини сақлашга риоя қилиш.

Биринчи навбатда овқат инсон учун энергия манбаи хисобланади. Мураккаб моддалар оксидланишида ва парчаланишида организмни ҳаётий фаолияти учун энергия ажралади. Яъни маҳсулот таркибидаги энергия организмга ўтади.

Энергия килокалорияда (ккал) ёки килоҷоулда (кЖ) ифодаланади; 1 ккал 4,18 кЖ га тўғри келади. Асосий энергия манбаи макронутриентларга — оқсилларга, ёғларга ва углеводларга тўғри келади.

Микронутриентларни биологик оксидланишида ажраладиган энергия маҳсулотни энергетик қийматини ифодалайди.

1 ккал деганда 1 кг сувни 1°C га кўтариш учун (15°C дан 16°C гача) иссиқлик миқдори тушунилади.

100 г маҳсулотни энергетик қиймати уни таркибига ва алоҳида кормпонентларни ёниш иссиқлигига кўра қўйидаги формула билан аниқланади.

$$E = \sum e_i m_i ,$$

бу ерда, e_i — компонентнинг ёниш иссиқлиги (энергетик қиймат коэффициенти), ккал/г; m_i — маҳсулотдаги компонентнинг массавий улуши, г/100 г.

Макронутриентларни энергетик қиймати

Компонентлар	Үзлаштирилиши, %	Энергетик қиймат коэффициенти, ккал/г
Оқсиллар	84,5	4
Ёғлар	94,0	9
Углеводлар	95,6	4.

Энергетик қиймат бўйича маҳсулотлар 4 та гурухга бўлинади:

1. Ўта энергетик: шоколад, ёғлар, холва 400—900
2. Юқориенергетик: ун, ёрма, макаронлар, қанд 250-400
3. Ўртacha энергетик: нон, гўшт, колбаса, тухум, тухумлиkeri, ароқ.....100—250
4. Кам энергетик: сут, балиқ, картошка, мева, сабзавот, пиво, оқ вино..... 100 гача.

Инсонлар учун керак бўладиган энергия уларни ёшига, жинсига, ташки шароитга ва бошқаларга боғлиқ.

Ўрта ёшли одам 1 кг вазнига 1 соатда 1 ккал энергия сарфлайди. Болалар учун бу кўрсаткич 1,3-1,5 марта кўп.

Инсонларнинг нормал ҳаёт-фаолияти учун макро- ва микронутриентларни нисбати талаб этилади ва бу оқилона овқатланишни 2 принципи билан бошқарилади.

Бунга асосан организм керакли маҳсулотлар (оқсиллар, ёғлар, углеводлар) билан бирга ўрни қопланмайдиган аминокислоталар, ўрни қопланмайдиган ёғ кислоталар, витаминлар, минерал моддалар билан таъминланган бўлиши керак.

Маълум вақтда ва кунда овқатланиш режимини ва таркибини сақлашга риоя қилиш.

Назорат саволлари

1. Озиқ-овқат таркибидаги моддалар қанақа принцип бўйича бўлинади?
2. Овқатларни ҳазм бўлиши босқичини туширтириб беринг.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ

ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ



ОЗИҚ-ОВҚАТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ КАФЕДРАСИ

«ОЗИҚ-ОВҚАТ КИМЁСИ»

фанидан

(лаборатория машгулотларини бажариш учун)

УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

Гулистан -2018

КИРИШ

Озиқ – овқат кимёси инсоннинг озиқланиши тўғрисидаги етакчи фан ҳисобланади. Фаннинг мақсади хом ашёнинг, ярим тайёр, тайёр озиқ – овқат маҳсулотларни кимёвий ва компонентли таркибини ўргатишдир. Шунингдек озиқ – овқат кимёсини ўрганиш объектларига янги хом ашё манбалари, янги озиқ – овқат маҳсулотларини конструирлаш ва бенуқсон озиқ – овқат ишлаб чиқариш технологиялари киради.

Озиқ – овқат маҳсулотлари қоида бўйича кўп компонентли ҳисобланади, уларга хар хил синфлардан ташкил топган биологик кимёвий бирикмалар киради. Шунинг учун озиқ – овқат маҳсулотларини ўрганиш анча мураккабдир.

Озиқ – овқат кимёсининг энг долзарб муаммоларидан бири ишлаб чиқариш ва озиқ – овқат тизимини таҳлил усусларини юксалтиришдир. Шу билан бир қаторда озиқ – овқат маҳсулотларининг озуқавий қийматини методик ҳисобини ҳам чуқур ўрганиш талаф қилинади.

Ушбу қўлланма, умумий озиқ – овқат кимёси курсига экспериментал қўшимча бўлиб хизмат қиласди. Талабаларга озиқ – овқат хом ашёсини таркибини ўргатади, ҳамда зарур бўлган ажратиш методлари билан таништиради. Ушбу методик кўрсатмага **9 та** лаборатория иши киритилган.

Ҳамма лаборатория ишлари умумий методика бўйича тайёрланган ва қисқа назарий таркибига эга, ҳамда аниқ экспериментал бўлимларига эгадир. Буларни талабалар ўз устиларида ишлаб барчасини холи бажаришлари зарурдир.

ЛАБОРАТОРИЯ ХОНАСИДА АСОСИЙ ҲАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИ

Лаборатория хоналарида ишлаганде тозалик ва тартибга қатъий риоя қилиши керак. Лаборатория ёруғ хонага жойлашган бўлиши керак.

Лаборатория хоналарида ишлаган ҳар бир талаба қўйидаги тартибга риоя қилиши керак:

- лабораторияда доимий иши жойига эга бўлиб, фақат халатда ишилаш;
- ишини бошлишдан аввал иши столини тайёрлаш;
- идиишларни тоза ва бутунлигига эътибор бераб, асбобларни ишини бошлигунга қадар тўғрилаш;
- экспериментни инструкция бўйича ўтказиш;
- бирор-бир моддани мазасини кўриш, хидлаш, кимёвий идиишлардан сув ичиш мумкин эмас;
- бирор-бир моддани ёки реакция бораётган аралашмани қиздиришида эҳтиёт бўлиб, пробирканни қўл билан эмас, балки маҳсус ушлагич билан ушлаш керак
- концентранган ишқор ёки кислоталарни эҳтиёткорлик билан тяга остида ишилаш керак;
- тез аланга оладиган суюқликлар билан тяга остида, қиздириши асбобларидан узоқда ишилаш керак;
- агар терининг бирор ерига кислота тушиса уни тездада кўп миқдорда сув билан ювиб, нимматир soda эритмаси билан ишлов берилади;
- агар терининг бирор ерига ишқор тушиса, уни тездада кўп миқдорда сув билан ювиб, борат ёки сирка кислотаси билан ишлов берилади;
- спирт, эфир ёки бошқа тез аланга оладиган суюқликлар ёнганда сув билан эмас, балки қўм билан ўчирилади;
- иши тугаганде иши бажарилган жойни тартибга келтириб, ўқув мухандисига топшириб, қўлни ювши керак;
- лабораторияда чекиши ва овқатланиши мумкин эмас.

ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ № 1

Ёғларни озиқ-овқат таркибидаги массавий улушкини гравиметрик усулда ажратиш

Ишнинг мақсади: Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги ёғлар миқдорини гравиметрик усулда аниқлашни ўзлаштириши.

Керакли реактивлар: Сут, диэтил эфири, магний сульфат тузи – MgSO₄, натрий карбонат тузи – Na₂CO₃

Идиш ва асбоблар: Пипеткалар, ўлчов цилиндрлари, ажратиш воронкалар, туби текис колбалар, аналитик торози, роторли буғлатгич.

Липидлар табиатда кенг тарқалган бўлиб, озиқ – овқат саноатининг асосий рационали ҳисобланади. Липидлар ёғсимон моддалар бўлиб, таркиби, тузилиши ва функциялари қанчалик мураккаб бўлмасин, бу гурух моддалари турли хил кимёвий структурага эга бўлишига қарамай, гидрофоблиги ва сувда эримаслиги, факат органик эритувчиларда (ацетон, бензол, тетрахлор метоан, эфир, бензин ва бошқалар) эриш хусусиятларига кўра бир гурухга умумлаштирилгандир. Липидлар ҳам худди углевод ва оқсиллар сингари, тирик хужайра таркибининг асосий қисмини ташкил қиласи. Лекин улар углевод ва оқсиллардан баъзи бир хусусиятлари билан фарқ қиласи.

Гравиметрик усул – арбитраж усул ҳисобланиб, ёғларни диэтил эфир билан экстракциялашга асослангандир. Карбонат натрий эритмаси қўшилиши натижасида сут плазмасидан ёғлар ажралади.

Ишнинг бажарилиши: Ажратиш воронкасига пипетка ёрдамида 10 мл сут ўлчаб солинади, унга 2 мл 10% карбонат натрий Na₂CO₃ эритмаси қўшиласи ва аралашма яхшилаб чайқатилиб, унга 20 мл диэтил эфири қўшиласи. Сўнгра воронка пробка билан беркитилиб 10 минут давомида эҳтиётлаб чайқатиласи. Ҳаво воронка кранни орқали вақти–вақти билан чиқарип туриласи.

Шундан сўнг эритмамиз икки қатламга ажралади, юқори қатламни (липидларнинг эфирли қисми) ясси тагли колбага куямиз. Экстракцияни икки маротаба тақрорлаб, эфирли қисмни бирлаштирамиз ва қуригич тагида қолдирамиз (сувсиз магний сульфат билан). Бир соатдан кейин эфирли экстрактни аввалдан тайёрланган оғирлиги тортилган ясси тагли колбага фильтрлаб соламиз. Экстрактдан диэтил эфирни роторли буғлатгич орқали чиқарип юборамиз.

Эфир буғлатгичдан сўнг колбани ажратган сут мойи билан эксикаторда қуритамиз, қопқоқни ёпамиз ва тарозда тортамиз. Сутдаги ёғни массали улушкини (Ж, %) қуйидаги формула орқали ҳисоблаймиз.

$$Ж = \frac{100Vp}{(m_1 - m_2)}$$

Бу ерда: m₁ – колбани ёғ билан оғирлиги, г;

m₂ – бўш колбани оғирлиги, г;

p – сутни зичлиги, г/мл;

V – намуна учун олинган сутнинг ҳажми, мл.

Назорат саволлари:

1. Липидлар қандай моддалар?
2. Ёғларни ажратишни қандай усулини биласиз?
3. Ёғларни инсон организми учун қандай фойдали тарафлари бор?
4. Сут маҳсулотлари таркибидан ёғлар қандай ажратиласи?

ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ №2

Озиқ-овқат таркибидаги қул миқдорини аниқлаш.

Ишнинг мақсади: Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги минерал моддаларнинг умумий миқдорини аниқлаш.

Керакли реактивлар: 90% этанол эритмаси; 0.1н HCl; 0.1, 2н Na OH эритмаси; 1% фенолфталеинни спиртли эритмаси; 0.1н трилон Б эритмаси.

Идиш ва асбоблар: ўлчов цилиндрлари; муфел печи, қуритиш шкафи; аналитик тарози; қиздириш учун тигеллар; электроплитка; пипеткалар; бюреткалар; қуригичли эксикатор; соат ойнаси (часовое стекло); титрлаш учун конуссимон колбалар.

Маҳсулот таркибидаги минерал моддаларни миқдорини белгилочи кўрсатгич – бу маҳсулотни кулга айлангандаги ҳосил бўлган кулнинг массавий улушкидир.

Турли маҳсулотларучун қул миқдори нормаловчи кўрсатгич ҳисобланади.

Ишнинг бажарилиши:

Аввалдан 500⁰C ҳароратда қиздирилган ва совутилган тигелга 5...25 г таҳлил қилинаётган маҳсулот қўйилади. Агар суюқ маҳсулот бўлса, уни қуруқ қолдиғи қолгунча сув ҳаммомидга буғлатамиз. Кейин қуритиш шкафида (100..120⁰C қуритиб) электроплиткада куйдирали. Куйдирилган маҳсулотни 450⁰C ҳароратли муфел печида кулга айлангунча қиздирамиз.

Қиздирилаётганда алнга олишга ва атрофга сачрашга йўл қўймаслик керак. Қиздирилгандан сўнг тигелни қуригичли эксикаторда совутиб, тарозда тортамиз.

Кулга айлантириш жараёнини кулга айланган маҳсулот массасининг ўзгармас бўлгунча давом этирилади. Кулга айланиш жараёнини совутилган қул қолдиғига 1..2 мл 90% этил спирти қўшиб тезлаштириш мумкин. Ҳосил бўлган қуруқ қолдиқни (қўшимча) муфел печида ҳароратни доимий 450...500⁰C га кўтариб, намуна тўлиқ кулга айлангунча улушини куйидаги формула орқали топамиз.

$$3 = \frac{100(m_1 - m_2)}{m_2 - m_0},$$

Бу ерда: **m₁**—тигелни текширилаётган маҳсулот билан биргаликдаги оғирлиги, г;

m₂—тигелни қул билан биргаликдаги оғирлиги, г;

m₀—тигелнинг оғирлиги, г;

100 – фоизга ҳисоблаш коэффициент.

Иккита параллел тажриба ўтказилганда кулнинг массавий улушки орасидаги нисбий фарқ 5% дан ошмаслиги керак.

Ишқорийликни аниқлаш.

Кул солинган тигелга 25 мл 0.1н ли HCl ни кулни нейтраллаш учун қўшамиз, тигелни устини соат ойнаси билан ёпиб 1 минут давомида қайнатамиз. Ҳосил бўлган эритмасини озодздан колбага титрлаш учун соламиз.

Кулнинг ишқорийлиги (X_щ, %) куйидаги формула орқали ҳисоблаймиз:

$$X_{\text{щ}} = \frac{100(V_1 - V_2)}{m}$$

Бу ерда: **V₁** –таҳлил учун олинган 0,1нHCl эритмасининг хажми, мл;

V₂ – титрлаш учун кетган 0.1н Na OH хажми, мл;

m – текширилаётган материал оғирлиги, г;

100 – фоизга ҳисобланган коэффициент.

Назорат саволлари:

1. Кул миқдори қандай күрсаткыч ҳисобланади?
2. Кулнинг ишқорийлиги қандай формула орқали топилади?
3. Кул миқдори қандай күрсатгич ҳисобланади?
4. Кулнинг массавий улушига таъриф беринг?

ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ № 3

Озиқ-овқат таркибидаги кальций ва магний миқдорини аниқлаш

Ишнинг мақсади:

Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги кальций ва магнийни массавий улушларини аниқлашнинг комплексометрик усулини ўрганиш.

Керакли реактивлар:

Эриохром қора Т нинг қуруқ индикаторли аралашмаси; мурексидни қуруқ индикаторли аралашмаси; қизил метилен эритмаси; 0.005н трилон Б эритмаси; аммиак-аммонийли буфер аралашмаси (рН 9.3); 2н, 10% ли NaOH эритмаси; (Na SO₄) 2% ли натрий сульфат эритмаси; 25 % ли HCl.

Идиш ва асбоблар:

Аналитик тарози; муфел печи; электорплитка; сув ҳаммоми; пипеткалар; бюреткалар; ўлчов цилиндрлари; воронкалар; титрлаш учун конуссимон колбалар.

Кальций – қийин хазм бўладиган элемент бўлиб, унинг бирикмалари озиқ-овқат билан организмга тушганда эримайди. Ингичка ичакдаги ишқорий мухит қийин хазм бўладиган бирикмалар ҳосил бўлишини таъминлайди, фақатгина ўт қоли кислотаси кальций сўрилишига ёрдам беради.

Тўқималарнинг кальцийни ассимиляциялаши фақатгина маҳсулотлардаги миқдорига эмас, балки уларни ёғлар, магний, фосфор ва оқсилилар билан нисбатига боғлиқдир.

Озиқ-овқат маҳсулотларидағи кальций ва фосфорнинг энг яхши нисбати қуйидагicha: 1:1, 2...1,5, кальций ва магнийники: 1:0, 25...0,3.

Фосфорни ошиб кетиши суяклардаги кальцийни ювилиб кетишига, буйракка юк тушишини ошибшига, темирни ўзлаштирилишини камайишига олиб келади. Магнийни ошиб кетиши кальцийни сўрилишига таъсир этади. Бундай нисбатга риоя қилиш қийинлиги шундаки, кўпчилик озиқ-овқат маҳсулотларида кальцийга нисбатан фосфор кўпdir.

Кальцийга нисбатан: фосфор гўштда – 1:20; тухумда – 1:4; картошкада – 1:5; non ва non маҳсулотларида 1:5 бўлади. Фосфор ва кальцийни бир-бирига нисбати тенглиги сабзавот ва полиз маҳсулотларида бўлади. Ўсимлик маҳсулотларидағи фитин ва шавел кислотаси кальцийни сўрилишига салбий таъсир этади.

Кальцийни ошиб кетиши буйрак, аорта ва бошқа организмларнинг кальцинозига олиб келади.

Фосфорнинг ошиб кетиши организмда туз алмашиниши бузилишига сабабчи бўлади, ичакларда кальций сўрилиши тормозланади. Фосро-кальций алмашиниши кўпгина касалликларга олиб келади: рапхит, остеопороз ва бошқалар.

Озиқ-овқат маҳсулотларидағи кальций ва магний массавий улушларини аниқлашни комплексометрик усули ишқорий мухитда трилон Б билан комплекс ҳосил қилиши хусусиятига асосланган. Эквиалаент нуқтани металлхром индикатор (мурексид, хромоген) билан топилади. Бу усул намунани ишқорий мухитда трилон Б эритмаси билан титрлаб минерализация қилишга асосланган.

Ишнинг бажарилиши:

Текширилаётган материални тайёрлаш (минерализация)

Аввалдан 500⁰C ҳароратда қиздирилган ва совутилган тигелга 5...25 г таҳлил қилинаётган маҳсулот соламиз. Намунани минерализация қилишни кул миқдорини аниқлаш усули бўйича ўтказамиз.

Кул солинган тигелга 5 мл 25 % ли HCl эритмаси солиб, устини соат ойнаси билан ёпамиз. Чўкмани эритиш учун қайнаётган сув ҳаммомига қўямиз. Ҳосил бўлган эритмани фильтрлаб 50 мл ли ўлчов колбасига соламиз. Тигелни чайиб, чизигигача дистилланган сув билан етказамиз.

Ўлчов цилинтрида 10 мл фильтратни ўлчаб, уни 100 мл ли туби текис колбага соламиз. Уни 2н ли NaOH эритмаси ва метил қизил билан ранги сариқ ранг бўлгунча нейтраллаймиз.

Кальций ва магнийни массавий улушининг аниқлаш.

250 мл ли туби текис колбага 100 мл дистилланган сув, 2 мл 2% ли натрий сульфат (Na_2SO_4) эритмаси, 5 мл аммиак-буфер эритмаси (рН 9,3), 0,4г (шпател ичида) эриохром қора Т куруқ аралашмасини NaCl билан солиб уни аралаштирамиз.

Ҳосил бўлган эритмани хаворанг-кўк ёки яшил ҳаво рангидан 50 мл ўлчов цилинтрида ўлчаб, титрлаш учун 2 та колбага соламиз. Биринчи колбага 2мл нейтралланган кул эритмасидан қуямиз (тажриба намуна), бунда эритма қизил шароб рангига кириши керак. 2 минутдан сўнг колба ичидагини 0,005 н трилон Б эритмаси билан хаворанг-кўк ёки яшил хаворангга ўтгунча титрлаймиз. Назорат сифатида иккинчи колбадаги эритма ишлатилади.

Текширилаётган намунадаги кальций ва магний тузларининг массавий улуши йиғиндинсини қўйидаги формула орқали топамиз (M_c , мг%):

$$M_c = \frac{0,1(V_0 - V_k)}{mV} \cdot 100.$$

бу ерда: V_0 – тажриба намунасини титрлаш учун сарф бўлган 0,005 н трилон Б эритмасининг хажми, мл;

V_k – назорат намунасини титрлаш учун сарф бўлган 0,005 н трилон Б эритмасининг хажми, мл;

V – титрлаш учун олинган нейтралланган фильтрат хажми, мл;

m – текширилаётган намуна оғирлиги, г;

0,1 – 1 мл 0,005н трилон Б эритмасига мос келувчи кальций миқдори, мг;

50 – фильтратнинг умумий хажми, мл;

100 – фоизга хисобланадиган коэффициент.

Кальцийни массавий улушини аниқлаш.

250 мл ли туби текис колбага 100 мл дистилланган сув , 2 мл 10% ли NaOH 0,04г (шпател учида) қуруқ мурексид аралашмасини NaCl билан солиб уни аралаштирамиз.

Ҳосил бўлган тўқ қизил ранг (лиловий цвет) эритмадан ўлчов цилинтри билан 50 мл олиб, 2 мл титрлаш учун 2 та колбага соламиз. Биринчи колбага 2 мл нейтралланган кул эритмасидан соламиз (тажриба намуна) , бунда эритма малина рангига кириши керак.

2 дақиқадан сўнг колба ичидагини 0,005 н трилон Б эритмаси билан тўқ қизил (лиловий цвет) рангга киргунча титрлаймиз. Назорат сифатида 2 чи колбадаги эритма ишлатилади.

Текширилаётган намунадаги кальций тузининг массавий улушини қўйидаги формула орқали топамиз (M_{ca} , мг %):

$$M_{ca} = \frac{0,1(V_o - V_k)}{mV} \cdot 100$$

бу ерда: V_0 – тажриба намунасини мурексид иштирокида титрлаш учун кетган 0,005 н трилон Б

V_k – назорат намунасини мурексид иштирокида титрлаш учун кетган 0,005 н трилон Б

V – титрлаш учун олинган нейтраллангана фильтрат хажми, мл;

m – текширилаётган намуна оғирлиги, г;
0,1 – 1 мл 0,005н трилон Б эритмасига мос келувчи кальций миқдори, мг;
50 – фильтратнинг умумий хажми, мл;
100 – фоизга ҳисобланадиган коэффициент.

Магнийни массавий улушкини аниқлаш

Магнийни массавий улушкини ($M_{\text{мд}}$, мг %) аниқлашда кальций ва магний тузларининг умумий миқдоридан кальцийнинг тузининг миқдори орасидаги фарқ бўйича ҳисобланади

$$M_{\text{мд}} = M_c - M_{\text{ca}}$$

Назорат саволлари

1. Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги кальций ва магнийни аниқлашидан мақсад нима?
2. Озиқ-овқат маҳсулотларидағи кальций ва фосфорнинг ошиб кетиши нималарга олиб келади?
3. Кальций ва магний тузларининг массавий улуси йигиндисини қайси формула орқали топамиз?
4. Фосфорни ошиб кетиши қандай сабабларга олиб келади?

ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ № 4

Солод таркибидаги амилолитик фермент фаоллигини аниқлаш.

Ишнинг мақсади: Солоднинг амилолитик в4 қандлаштирувчи активлигини қиёсий таҳлилини ўтказиш; солодни ишчи эритмасини оптималь концентрациясини топиш.

Керакли реактивлар: Солоднинг асосий эритмаси; йоднинг асосий эритмаси; йоднинг ишчи эритмаси (0,1н HCl да тайёрлангани) Фелинг I ва Фелинг II реактивлари; индикатор қофози; 0,15 М натрий гидрофосфат эритмаси ($\text{Na}_2\text{HPO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$); pH 6,0 ва 5,6 бўлган фосфатлар буфер; 0,1% ли зрувчан крахмал эритмаси; 0,1н ли HCl.

Идиш ва асбоблар: 100 мл хажмли конуссимон колбалар; пробиркалар; пипеткалар; ўлчов цилиндрлари; сув ҳамоми; музли ҳамом; термостат; фотоэлектрокалориметр; термометрлар.

Ферментлар

Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сақлашдаги борадиган биокимёвий жараёнлар биринчи галда озиқ-овқат хом ашёсини эндоген ферментлари ҳаракатига боғлиқдир. Озиқ-овқат хом ашёсидаги ферментлар турлича бўлиши мумкин: манфий ва мусбат. Хом ашёга технологик ишлов беришда экзоген ферментларининг аҳамияти бор. Бу авваламбор микробиологик ферментлар, шунингдек ўсимлик ва хайвон ферментлари.

Биологик хом ашёни қайта ишлашда технологлар биринчи синф ферментлар-оксидоредуктаза ва учинчи синф ферментлар-гидролазаларга эътибор беришлари керак. Ўсимлик меваси ва уруғи асосий углевод захираси крахмал, оқсиллардан иборат бўлиб, бунда гидролаза фермент синфлари муҳим роль ўйнайди. Бу синфининг муҳим вакиллари – қийин эфирларига таъсир этувчи ферментлар (эстеразалар), гликозидли (гликозидазалар) пептидли (протеазалар) боғланишлардир.


Крахмални парчаловчи ферментларни яна бир номланиши амилазалар. Амилаза иштирокида крахмал, гликоген, олигосахаридлар ва бошқа моддалар гидролизланади. Амилазани 3 асосий турлари мавжуд: α – амилаза, β – амилаза ва глюкоамилаза.

Үсимликларни амилолитик комплекси таркибига α ва β - амилазалар киради. Үсимликлар уруғи амилазани микдорига караб фарқланади. Буғдой ва арпанинг унмаган донларида факат β – амилаза бўлади, α – амилаза униш жараёнида ҳосил бўлади, униш жараёнида α – амилазанинг микдори ва активлиги ошиб боради.

Озиқ-овқат саноатида ўсимлик амилазалари солод күренишида ишлатиласы. Солод бу ундириб қуритилган дондир. Солод амилаза манбаси сифатида нон маңсулотлари, ярим солод экстрактлари, пиво нон кваси ва бошқалар алкаголосиз ичимликларда ишлатиласы. α ва β – амилазадан ташқари солодда α – глюкозидаза (мальтоза), форфорилаза, инвертаза ва бошқалар қатнашады.

α – амилаза эндофермент хисобланиб, крахмал молекулсидаги ички гликозид боғларига таъсир этади. α – амилаза крахмал молекуласидаги α (1-4)- гликозидларини ноаник тартибдаги гидролизини тезлаштиради. Бунда кўпроқ тармокнинг ўртасидаги занжирлар гидролизланади. α – амилаза α (1-6)- гликозидли боғни ўзгартирмасдан, α (1-4) – гликозидли боғда гидролизни тўхтатади. (3-расм).

Клейстрланган крахмал гидролизида (α – амилаза)дастлаб крахмалга нисбатан қовушқоғлиги паст малекулали декстринларга айланади, сүнгра олигосахаридлар, глюкоза, мальтоза ва декстринлар ҳосил бўлади.



α – амилаза юкори ҳароратга β – амилазага нисбатан чидамли бўлади. Масалан: донли α – амилаза донни пишириш жараёнида ҳаракат қилиши мумкин.

β – амилаза – экзофермент ҳисобланиб, крахмалнинг α (1-4) – гликозид боғини гидролиз реакциясини тезлаштиради. Бунда у крахмал молекуласини қайтарилмаган охири қисмидан бошлаб, кетма-кет мальтоза қолдигига парчалайди. Унинг таъсир этиши тармоқланган нуктада тугайди.



Фермент олиго- ва дисахаридларга нисбатан юқори молекуляр субстратларда активдир. β – амилаза α – амилазага нисбатан иессиқликка чидамлиги кам, лекин кислотага чидамлиги юқоридир.

α - ва β – амилазалар биргалиқда ҳаракат қылғанда крахмал углеводлар аралашмасини ҳосил қилиб гидролизланади. Углеводлар мальтоза, миқдори күп бўлмаган глюкоза ва декстринлардан иборат.

Ишлаб чиқаришда амилазани ўзи эмас, балки фермент препаратлари ишлатилади. Уларни каталитик қобилиятини баҳолаш учун амилолитик ва қандлаштирувчи активлиги аниқланади.

Амилолитик активлик деганда, фермент препаратлари крахмални декстринларгача гидролизлаш қобилияти тушунилади. Таҳлил йод билан сифат реакцияси ўтказилиши билан олиб борилади. Солоднинг амилолитик активлиги β – амилаза иштироқи билан боради.

Амилолитик фермент препаратларини қандлаштирувчи активлиги деганда, уларни крахмални то қайтрувчи қандларга гидролизланиши тезлаштириши тушунилади. Қандлаштирувчи активликни баҳолаш қайтарувчи қандларни сифат реакцияси бўйича олиб борилади. (Фелинг реактиви билан). Солодни қандлаштирувчи активлиги β – амилаза иштироқида боради.

Ишнинг бажарилиши: Калибровкали эгри чизик тузиш.

Калибровкали график тузиш учун 0,1 % ли эрувчан крахмал эритмаси ишлатилади крахмални бирламчи эритмасини қуидаги схема бўйича камайтириб тайёрланади.

- эритма № 1: 2 мл (текширилаётган эритма, 1 мг/мл);
- эритма № 2: 9 мл (текширилаётган эритма) + 1 мл сув;
- эритма № 3: 8 мл (эримта № 2) + 1 мл сув;
- эритма № 4: 7 мл (эримта № 3) + 1 мл сув;
- эритма № 5: 6 мл (эримта № 4) + 1 мл сув;
- эритма № 6: 5 мл (эримта № 5) + 1 мл сув;
- эритма № 7: 4 мл (эримта № 6) + 1 мл сув;
- эритма № 8: 3 мл (эримта № 7) + 1 мл сув;
- эритма № 9: 2 мл (эримта № 8) + 2 мл сув;
- эритма № 10: 2 мл (эримта № 9) + 2 мл сув.

Пробиркалар ичидагини аралаштирилади(пробиркаларда 2 мл дан эритма қолиши керак). Хар бир пробиркага 2 мл дан йодни ишчи эритмасидан қўшамиз. (0,1н HCl да тайёрланади). Пробирка ичидагини аралаштириб, ҳосил бўлган крахмал йод комплексини оптик зичлигини фотоэлектроколориметрда, $\lambda = 670$ нм ўлчаймиз.

Ўлчашни оч рангли эритмадан бошлаймиз.

Контрол намуна учун шу реактивлар ишлатилади. Фақат крахмал ўрнига дистирланган сув ишлатилади. Ҳосил бўлган натижалар қуидаги жадвалга ёзилади ва калибровкали эгри чизик тузилади.

2.4.1.-жадвал

кўрсаткичлар	натижаси							
Крахмал,мг/мл								
Оптик зичлик								

Солод ферментларини ажратиб олиш. α – амилазани солод фермент комплексининг асосий эритмасидан β – амилазани инактивлаштириш (активлигини ўқотиш) бўйича ажратилади. 100 мл хажмдаги колбага 20 мл солоднинг асосий эритмасидан солиб, 15 минут давомида 70^0C ҳароратда қиздирамиз. β – амилаза шу

хароратда иноактивлашади. Қиздирилган эритмани совутамиз ва α – амилазани активлигини аниқлаш учун ишлатамиз. α – амилазани активлигини pH 5,5...5,8 бўлади, совутилгандан кейин эриитмага 4 мл pH 5,6 фосфатли буфер қўшилади.

β – амилаза солод сутидан (солодовая вытяжка) α – амилазани нордон мухитда инактивлаштириш йўли билан ажратилади. 100 мл хажмли колбага 20 мл солодни асосий эритмаси солиб, музли ҳаммомда 10 минут давомида ушлаб унга 1 мл 0,1 н ли HCl эритмасини қўшамиз. Ҳосил бўлган эритмани муз ҳаммомида 15 минут қолдирнимиз ва унга 3 мл pH 6,0 фосфатли буфер қўшамиз (β – амилаза учун оптимал pH)

Солодни амилолитик активлигини аниқлаш. Штативга 3 қатор қилиб номерланган прробиркалар қўямиз. Биринчи қатордаги ҳамма пробиркаларга пипетка билан 1 мл дан дистилланган сув қуямиз, биринчи пробиркага 1 мл α – амилаза эритмасини қўшамиз. Биринчи проибркадагини аралаштириб, унга “груша” дан пипетка орқали хаво юборамиз. Биринчи проибркадан пипетка орқали 1 мл олиб, уни 2 чи пробиркага соламиз. 2 чи пробиркани аралаштириб, 1 мл олиб 3 чи пробиркага соламиз. Худди шу йўл билан 4 чи ва 5 чи пробиркаларда эритма тайёрлаймиз.

Иккинчи қатордаги пробиркаларга β – амилаза эритмасини суюлтириш йўли билан қўшилади. Учинчи қатордаги пробиркаларга солод фермент препаратининг асосий эритмасидан қўшилади.

Ҳамма пробиркаларда суюлтирилган фермент препаратларини эритмаларни 1 мл дан қолиши керак.

Ҳамма пробиркаларни 40°C хароратда термостатлаш керак. Сув ҳаммомидан пробиркаларни олмай туриб хар бирига 2 мл дан 0,1% крахмал эритмаси 10 минутдан кейин эса 2 мл йод ишчи эритмаси қўшилади. (0,1н HCl эритмасида тайёрангган)

Рангли эритмаларни оптик зичлигини фотоэлектроколориметрда ўлчанади. Бунда кюветанинг қалинлиги 10 мм, светофильтрнинг тўлқин узунлиги 670 нм бўлади.

Эритмадаги крахмалнинг қолдиқ концентрацияси ($C_{\text{кол}}$ мг/мл) калиброкали эгри чизик орқали топилади (2.4- расм)


Гидролизланган крахмал миқдорини (X , мг) қуйидаги формула орқали топамиз:

$$X = (C_{\text{беп}} - C_{\text{кол}}) \cdot V,$$

Бу ерда: $C_{\text{беп}}$ – ишчи эритмадаги крахмал концентрацияси, мг/мл;

$C_{\text{кол}}$ – калиброкали эгри чизик орқали топилган, ишчи эритмадаги крахмални қолдиқ концентрацияси, мг/мл;

V – крахмал ишчи эритмаси хажми, мл



Эксперимент натижалари қуйидаги жадвалга ёзилади.

вариант		Оптик зичлик			Гидролизланган крахмал миқдори, мг		
		1	2	3	1	2	3
1	2						
2	4						
3	8						
4	16						
5	32						

Солодни ишчи эритмасини оптимал концентрациясини топиш ва гидролизини баҳолаш керак.

Солодни қандлаштирувчи активлигини аниқлаш. З та туби текис хажми 100 мл колбаларага пипетка орқали 10 мл дан 0,1 % ли эрувчан крахмал эритмасидан солиб, уни 15 минут давомида 40°C ҳароратда сув ҳаммолидан қиздирамиз. Сүнгра колбани сув ҳаммолидан олмай туриб, 1 чи колбага 2мл α – амилаза эритмаси, 2 чи колбага β – амилаза эритмаси, 3 чи колбага солодни асосий эритмасидан 2мл солинади. Пробиркалар ичидагини аралаштириб шу ҳароратда 20 минут ушлаб турилади. Шундан сўнг ферментатив гидролиз тўхтатилиб, 3 та колба қайнаб турган сув ҳаммолидан қиздирилади.

З та колбани хар биридан ҳосил бўлган гидролизатни 1 мл дан олиб, алоҳида колбага солинади. Бу колбаларага аввалдан Фелинг I ва Фелинг II реактивлари аралашмаси солинган бўлиши керак. Осил бўлган эритмаларни 5 минут давомида қайнаб турган сув ҳаммолидан қиздирилади. Чўкмага тушган мис I оксидига қараб Cu₂O. Гидролиз жараёнини ва ҳосил бўдадиган қайтарилган қандларни миқдорини баҳоланади.

Олинган натижалар асосида α ва β –амилазалар таъсирини турлича эканлигини хулоса қиласиз.

Назорат саволлари

1. Солодни қандлаштирувчи активлиги қандай аниқланади?
2. Солодни амилолитик активлигини қандай аниқланади?
3. Амилолитик активлик деганда нимани тушунасиз?
4. Солодга таъриф беринг?

ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ №5

Озиқ-овқат маҳсулотларининг озукавий ва энергетик қиймат картасини тузиш

Ишнинг мақсади: Озиқ-овқат маҳсулотларининг озукавий ва энергетик қийматини, уларнинг кимёвий таркибига асосан ҳисоблаш услубини ўрганиш.

Ўқитувчи берган вариантга мос холда озиқ-овқат маҳсулотларини озукавий ва энергетик қийматини аниқлаш.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг озукавий қиймати.

Овқат ҳазм қилишни биокимёвий жараёнини тушунишда, баъзи бир касалликлардан огох бўлиш ва уларни даволашда озиқ-овқат маҳсулотларини энергетик ва озукавий қийматини билиш мухим рол ўйнайди.

Бу кўрсаткичлар яна турли контингент ахолиси учун овқатланиш рационини тузиш учун ҳисобга олинади. Шунинг учун хозирги замон талабларига кўра тайёр маҳсулот этикеткаларида озиқ-овқат маҳсулотларини энергетик ва озукавий қиймати кўрсатилиши шарт.

Энергетик қиймат-биолгик оксидланиш жараёнида озиқ-овқат маҳсулотларидан ажралиб чиқадиган ва организмнинг физиологик функцияларининг таъминлаш учун фойдаланиладиган энергиядир.

Озиқ-овқат маҳсулотларини кимёвий таркибини билган холда энергетик қийматини қуидаги формула орқали ҳисоблаш мумкин:

$$\mathcal{E} = 4,0 \mathbf{B} + 9,0 \mathbf{Ж} + 4,0 \mathbf{У} + \mathbf{к} \mathbf{K_{кис}};$$

Бу ерда:

Э – озиқ-овқат маҳсулотларини озуқавий қиймати ккал/100г;

Б – 100г маҳсулотдаги оқсил оғирлиги, г;

Ж - 100г маҳсулотдаги ёғ оғирлиги, г;

У - 100г маҳсулотдаги углевод оғирлиги, г;

K_{кис}-100г маҳсулотдаги органик кислоталарнинг массавий улушки, г;

4,0; 9,0; 4,0; к – маҳсулотлар таркибига кирувчи, оқсиллар, ёғлар, углеводлар ва органик кислоталарга мос келувчи энергетик қиймат коэффициенти, ккал/г. (2.5.1-жадвал)

2.5.1 – жадвал

Озуқа моддалари	Энергетик қийматни коэффициенти, ккал/г
Оқсиллар	4,0
Ёғлар	9,0
«Хар хил» углеводлар	4,0
Умумий моно ва дисахаридлар	3,8
Крахмал	4,1
Клетчатка	0,0
Органик кислоталар:	
сирка	3,5
олма	2,4
сут	3,6
лимон	2,5

Инсонни энергияга бўлган суткалик физиологик талаби кўпгина факторларга боғлиқ: ҳаёт тарзига, физик активликка, иқлимга, жинси ва ёшига.

Энергия сарфини мухим қисми асосий модда алмашинувига сарф бўлади. (60....70% атрофига). Бу минимал энергия нафас олиши, қон айланиши, ички секреция безларини ишлиши ва ҳаёт учун мухим бўлган бошқа жараёнлар учун керакдир.

Биологик қиймат – асосан ўрни босилмайдиган овқатланиш омили, организмда синтезланмайдиган ёки маълум бир миқдорда синтезланадиган, инсонни ўрни босилмайдиган аминокислоталарга бўлган суткалик физиологик талабини қондиришни фоизларда аниқланади.

Озуқавий қиймат – шундай тушунчаки, бунда озиқ-овқат маҳсулотларини фойдали хоссаси тўлиқ акс эттирилиб, инсонни асосий озуқа моддаларга, энергияга, органолептик хоссасига бўлган физиологик талабини таъминлаш даражасини кўрсатади.

Асосий озуқа моддаларга ва энергияга бўлган физиологик талаб қуидаги жадвалда кўрсатилган.

Озиқ – овқат маҳсулотлари	суткалик талаб
оқсиллар	75
углеводлар	83
шу жумладан:	
түйинган ёғ кислоталари, г	25 ¹⁾
ярим түйинган ёғ кислоталари, г	11
холестерин, мг	300 ¹⁾
хазм бўлувчи углеводлар, г	65
шу жумладан шакар (сахароза), г	50
озуқа тўқималари, г	30
органик кислоталар, г	2
минерал моддалар, мг:	
натрий	2400(6,15 г дан кўп бўлмаган ош тузи)
кальций	1000
фосфор	1000
калий	3500
магний	400
темир	14
қўрғошин	15
йод	0,15
Витаминлар:	
B ₁ , мг	1,5
B ₂ , мг	1,8
РР, мг (ниацино эквивалентга), мг	20
B ₆ , мг	2,0
B _c , мкг	200
B ₁₂ , мкг	3
D, мкг	5
A (ретинол эквивалент), мкг	1000
E (токоферол эквивалент), мкг	10
C, мг	70
Энергетик қиймат, ккал/100 г	2500

Ингридиентларни рецептураси ва кимёвий таркибига, маҳсулотларини кимёвий таркибига асосан маҳсулотларини кимёвий таркибини ҳисоблаш йўли билан аниқлаш суткалик озуқа рационини озуқавий ва энергетик қиймати картасини тузиш. Шуни хулоса қилиш керакки, берилган маҳсулот бир суткалик истеъмол энергиясини қанчалик қаноатлантира олади.

Намуна учун мисол. Куйидаги рецепт бўйича тайёрланган майизли творогни озуқавий ва энергетик картасини тузинг, кг;

Ёғнинг массавий улуши 18 % бўлган ёғли творог	373,75
Ёғнинг массавий улуши 42 % бўлган қуруқ қаймок	316,35
Шакар	180,90
Майиз	100,00
Желатин	9,0
Сув	20,0
Жами	1000,0

Творогни энергетик қийматини аниқлаш учун унинг кимёвий таркибини билиш керак.
(хисоблаш йўли билан аниқлаш мумкин бўлган)

1. Творогни оқсилли таркиби:

Ёғли творог	$\frac{373,75 \cdot 15}{100} = 56,06\text{кг};$
Куруқ қаймоқ	$\frac{316,35 \cdot 19}{100} = 60,11\text{кг};$
Майиз	$\frac{100,0 \cdot 1,8}{100} = 1,80\text{кг};$
Желатин	$\frac{9,0 \cdot 87,2}{100} = 7,85\text{кг};$

2. Творогдаги оқсилни массавий улуши қўйидагини ташкил этади:

$$\frac{(56,06 + 60,11 + 1,8 + 7,85) \cdot 100}{1000} = 12,58\%$$

3. Творогни углеводли таркиби.

Ёғли творог	$\frac{373,75 \cdot 2,8}{100} = 10,47\text{кг};$
Куруқ қаймоқ	$\frac{316,35 \cdot 30,2}{100} = 95,54\text{кг};$
Шакар	$\frac{180,90 \cdot 99,7}{100} = 180,36\text{кг};$
Майиз	$\frac{100,0 \cdot 66}{100} = 66,00\text{кг};$
Желатин	$\frac{9,0 \cdot 0,7}{100} = 0,06\text{кг}.$

1. Творогдаги углеводни массавий улуши қўйидагини ташкил этади:

$$\frac{(10,47 + 95,54 + 180,36 + 66 + 0,06) \cdot 100}{1000} = 35,24\%$$

2. Творогни ёғ таркиби

Ёғли творог	$\frac{373,75 \cdot 18}{100} = 67,28\text{кг};$
Куруқ қаймоқ	$\frac{316,35 \cdot 42}{100} = 132,87\text{кг};$
Желатин	$\frac{9,0 \cdot 0,4}{100} = 0,04\text{кг}.$

3. Творогдаги ёғни массавий улуси қуидагини ташкил этади.

$$\frac{(67,28 + 132,87 + 0,04) \cdot 100}{1000} = 20,02\%$$

4. Бошқа нутриентларни (органик кислоталар ва минерал моддалар) массавий улусини аналогик тарзда аниқлаш мүмкін:

органик кислоталар	0,96
Кальций	0,28
Фосфор	0,26
Калий	0,36

Берилган асосий нутриентларни массаси улуси ва энергетик коэффициентлари (таб) хисоботларига ассоан творогни энергетик қийматини қуидаги формула оркали хисоблаймиз.

$$\mathcal{E} = 4,0 \cdot 12,58 + 9,0 \cdot 20,02 + 4,0 \cdot 35,24 + 3,6 \cdot 0,96 = 374,92 \text{ ккал/100г}$$

5. Творогни озуқавий қиймати.

Оксиллар	$\frac{100 \cdot 12,58}{75} = 16,8\%$
Углеводлар	$\frac{100 \cdot 35,24}{65} = 54,2\%$
Ёғлар	$\frac{100 \cdot 20,02}{83} = 24,1\%$
Органик кислоталар	$\frac{100 \cdot 0,96}{2,0} = 48,0\%$
Кальций	$\frac{100 \cdot 0,28}{1,0} = 28,0\%$
Фосфор	$\frac{100 \cdot 0,26}{1,0} = 26,0\%$
Калий	$\frac{100 \cdot 0,36}{3,5} = 10,3\%$

Шундай қилиб 100г творог организмни суткалик қуидаги эхтиёжини қолдиради: оқсил -16,8%;

углевод-54,2%,

ёғлар-24,1%,

органик кислоталар -48%,

кальций 28%,

фосфор-26%, калий-10,3%

Олинган натижалар қуидаги жадвалга ёзилади.

2.5.3-жадвал

Нутриент номланиши	Маҳсулот таркибидаги модданинг масса улуши,%	Маҳсулотнинг энергетик қиймати, ккал/100г	Маҳсулотнинг озукавий қиймати (ОК)	
			суткалик талаб	% қониқтирилган суткалик талаб
оксилилар углеводлар ёғлар органик кислоталар минерал моддалар шу жумладан: кальций фосфор калий ва б. витаминлар жами				

Назорат саволлари:

- 1.Биологик қийматга таъриф беринг.
- 2.Энергетик қиймат қайси формула орқали топилади?
- 3.Творогдаги оксилни массавий улуши қайси формула орқали топилади?
- 4.Этикеткаларида озиқ-овқат маҳсулотларини энергетик ва озукавий қиймати кўрсатилиши шартми, нима сабабдан?

МАВЗУГА ОИД МУСТАҚИЛ ИШ ТОПШИРИҚЛАРИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ

Талабаларнинг мустақил ишларни бажариш бўйича тўплаган рейтинг баллари ўқув семестри давомида ҳар бир фан бўйича аудитория ўқув ишларига берилган рейтинг баллари билан биргаликда академик гурухларнинг рейтинг қайдномасида қайд этилади.

Талабалар мустақил ишининг мақсад ва вазифалари

1.1. Талаба мустақил ишининг асосий мақсади - талабаларда, фан ўқитувчисининг раҳбарлиги ва назорати остида, муайян фан бўйича маъруза, амалий (семинар) ва лаборатория машғулотларидан берилган ўқув топшириқларини мустақил равишда бажариш жараёнида зарур билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда ривожлантиришдан иборат.

1.2. Талаба мустақил ишининг вазифалари:

- фанлардан маъруза (амалий лаборатория) машғулотларида берилган билимларни мустақил тарзда пухта, мукаммал ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;
- тавсия этилган адабиётларни университет АРМида ва интернет сайтларидан топиш, мавзуларни ўрганиш жараёнида керакли маълумотларни излаб йиғиш, қулай усуслари ва воситаларини аниглаш;
- ўқув ва илмий адабиётлар, илмий, илмий-методик журналлар ҳамда меъёрий хужжатлар билан ишлаш, электрон ўқув адабиётлар ва маълумотлар банкидан фойдалана олиш ва зарур маълумотларни тўплаш ҳамда тахлил қилиш;
- интернет тармоғининг тавсия этилган сайтларидан мақсадли фойдаланишга ўргатиш;
- ўқув машғулотларида берилган топшириқларнинг рационал ечимини топиш ва тахлил этиш;
- фанлардан мустақил иш топшириқларни, ҳисоб чизма ишларини, курс иши ва курс лойиҳаларини бажаришда тизимли ва ижодий ёндошишга ўргатиш;
- мустақил иш топшириқларини бажариш жараёнида ишлаб чиқилган ечим, лойиҳа ёки ғояларни асослаш ва мутахассислар жамоасида химоя қилиш;
- фан бўйича талабанинг мустақил фикрлаш, билим, кўникма ва тасаввур оламини ҳамда муаммоларни мустақил ҳал қила олиш қобилиятини шакллантиришдан иборат.

II. Талаба мустақил ишиннинг ташкилий шакллари

2.1. Талаба мустақил ишини ташкил этишда муайян фан(курс)нинг хусусиятларини, шунингдек, ҳар бир талабанинг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда қўйидаги шакллардан фойдаланилади:

- Ўқув-услубий мажмуалар асосида маъруза мавзулари материалларини мустақил ўзлаштириш;
- семинар ва амалий машғулотлар бўйича уйга берилган топшириқларни бажариш;
- лаборатория ишларини бажаришга тайёргарлик кўриш ҳамда ҳисоботлар тайёрлаш;
- Техникавий, табиий фанлар бўйича ҳисоб-график ишларни бажариш;
- курс иши (войиҳаси)ни мустақил бажариш;
- илмий мақола, Республика ва халқаро миқёсидағи анжуманларга маъруза тезисларини тайёрлаш.

Фаннинг хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда, кафедра йиғилиши қарорига кўра фанлардан талаба мустақил ишларини ташкил этишда бошқа шакллардан ҳам фойдаланилиши мумкин.

2.2. Ўқув фанлари бўйича намунавий ва ишли дастурларда талаба мустақил ишининг шакли, мазмуни ва ҳажми ҳамда баҳолаш мезони кўрсатилади;

2.3. Кафедралар томонидан талаба мустақил иши учун ажратилган вақт бюджетига мос равишда ҳар бир фан бўйича мустақил ишнинг ташкилий шакллари, топшириқлар ишлаб чиқилади ва кафедра йиғилишида мұхокама этилиб, факультет ўқув-услубий кенгашида

тасдиқланади. Кафедранинг рейтинг ойнасида ҳар бир фан бўйича мустақил таълим мавзулари таништириш учун эълон қилинади.

2.4. Кафедра томонидан мустақил ишларни бажариш бўйича фанлардан талабаларга зарурий методик қўлланма, кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

III. Фанлардан ўқув машғулотлари бўйича топшириқлари

3.1. Фанлар бўйича маъруза (амалий, семинар, лаборатория) машғулотларидан мустақил иш топшириқлари кафедраларнинг етакчи профессор–ўқитувчилари (профессор, доцентлар), фан ўқитувчиси билан биргаликда ишлаб чиқилади, кафедра йиғилишида муҳокамадан ўтказилади ва тегиши қарор билан тасдиқланади.

3.2. Фанлардан мустақил иш топшириқлари фан бўйича ишчи дастурга мос ҳолда мавзулар келтириллади ва мустақил иш топшириқларини бажариш муддатлари кўрсатилади.

3.3. Фаннинг ишчи ўқув дастурига киритилган ва маъруза шаклида ўрганиши белгиланган мавзуларни тўлалигича мустақил иш сифатида бажарилишига рухсат этилмайди.

3.4. Амалий, (семинар) машғулотлар бўйича аудиторияда бажарилган топшириқларга мазмунан ўхшаш, мураккаблиги мос келувчи топшириқлар мустақил тарзда уйда ишлашга тавсия этилади.

3.5. Лаборатория ишида назарий тайёрғалик кўриш, натижалар олиш, таҳлил этиш ҳамда ўлчаш хатоликларини аниқлаш мустақил иш топшириғи ҳисобланади, лекин лаборатория иши бажарилиб, тўла топширгандан сўнг ҳисобга олинади.

3.6. Кафедралар томонидан фанлардан мустақил иш топшириқларини бажариш учун зарур бўлган ўқув адабиётлари, методик адабиётлар, методик тавсиялар, кўрсатмалар, интернет сайтлари ва ҳ.қ.лар аниқ кўрсатилади. Мустақил ишларни бажариш жараёнида фан ўқитувчиси томонидан талабаларнинг талаблари асосида консультациялар уюштирилади.

3.7. Талабалар томонидан курс иши (лойиха) ларини тайёрлаш жараёнида зарур ҳолларда марказий АҚМ, АРМлардан коллежлар, лицейларнинг АРМларидан, интернет тармоқларидан фойдаланишга амалий имкониятлар яратиб берилади.

IV. Талабалар томонидан мустақил ишларни расмийлаштириш тартиби

4.1. Фанлардан мустақил ишлар бўйича тайёрланган материаллар талабанинг фан бўйича тутган маъруза ва амалий (семинар) машғулотлари дафтарига ёзилади, ўқитувчи томонидан кўриб чиқилади ва қисқа оғзаки сўров орқали баҳоланади.

Лаборатория машғулотларида мустақил иш топшириқларини бажариш натижалари ҳам лаборатория дафтарига ёзилади. Талаба ҳар бир лаборатория иши бўйича коллоквиум топширганидан сўнг лаборатория ишини бажаришга рухсат этилади ва ишни тўла топширгандан сўнг баҳоланади.

4.2. Ҳисоб-чизма ишларини ҳамда курс иши ёки курс лойихаси ишларини мустақил бажариш натижалари белгиланган тартибда ёзилади ва химоя қилинади, баҳоланади.

4.3. Кафедралар томонидан фанлардан маъруза, амалий (семинар) ва лаборатория машғулотлари бўйича мустақил иш топшириш графиги семестр бошланишида кафедранинг рейтинглар ойнасига осиб қўйилади.

4.4. Фанлардан ўқув машғулотлари кесимида мустақил иш топшириқларини график асосида машғулот дафтарига қайт этиб бажариш ва муддатида топшириш масъулияти талабага, назорати фан ўқитувчиси зиммасига юклатилади. Белгиланган муддатда топширилмаган мустақил иш топшириқлари факултет деканатининг рухсатномаси асосида ЖНдан кейинги ЖНга қадар, ОНдан кейинги ОНга қадар муддатларда топширишга рухсат этилади.

V. Талабалар мустақил ишларини бажарилишини назорат қилиш ва баҳолаш

5.1. Фанлардан талабалар мустақил ишларининг бажарилиши фан ўқитувчиси томонидан назорат қилинади. Фан ўқитувчиси мустақил иш топшириқларини муддатида бажармаган ва топширмаган талабалар тўғрисида кафедра йиғилишида ахборот беради. Кафедранинг йиғилиш қарорига асосан деканатларга ўзлаштиргмаган талабалар тўғрисида маълумот берилади.

5.2. Фанлардан талабалар мустақил ишларининг бажарилиши кафедра йиғилишларида ҳар ойда бир марта, факультет кенгашида семестр давомида камида уч марта муҳокама этилади.

5.3. Фанлардан талабаларнинг мустақил ишлари ўкув режада фан бўйича ажратилган соатлар хисобидан ишлаб чиқилган рейтинг ишланмага кўра рейтинг жадвалида қайд этилган бўлиб, ЖН ва ОН учун ажратилган балларга қўшиб баҳоланади.

5.4. Фанлардан ЖН ва ОН ҳамда мустақил иш топшириқларини бажариш бўйича тўплangan баллари кафедранинг рейтинг ойнасида ёритиб борилади.

5.5. Фанлардан талабалар мустақил ишларини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш мезонлари кафедралар томонидан ишлаб чиқилади ва тегишли тартибда тасдиқланади.

Мустақил ишларни баҳолаш мезонлари талабаларга ўкув семестри бошланишида эълон қилинади.

Ҳар бир мустақил ишнинг мавзусига баллар ажратиш, фаннинг рейтинг ишланмасига асосланилган ҳолда фан ўқитувчиси томонидан ишлаб чиқилади ҳамда кафедра йиғилишида муҳокама этилиб, кафедра мудири томонидан тасдиқлашга тавсия этилади.

МУСТАҚИЛ ИШ ВА РЕФЕРАТ МАВЗУЛАРИ

1. Донли хом ашёларни тузилиши ва кимёвий таркиби.
2. Ўрни қопланмайдиган аминокислоталар ва уларни олиш усуслари.
3. Глюкозаизомераза ферменти таъсирида глюкозани фруктозага айлантириш.
4. Кристалли фруктоза, декстрин-мальтоза патокаси.
5. Спирт, нон, табиий шарбатлар, пишлоқ ва ёғ-мой ишлаб чиқаришда ферментлардан фойдаланиш технологияси.
6. Симбиоз. Микроорганизмлараро муносабат. Антогонизм, ишлаб чиқаришдаги инфекция ва дизенфекция.
7. Фермент препаратлари. Микроорганизмларда ферментларни биосинтези.
8. Ачитқи ҳужайрасини тузилиши ва кимёвий таркиби. Ачитқи ҳужайраларининг метаболизми. Ҳар хил бижғиши услубларининг биокимёси.
9. Биологик фаол қўшимчалар ҳақида.
10. Спирт, нон, табиий шарбатлар, пишлоқ ва ёғ-мой ишлаб чиқаришда ферментлардан фойдаланиш.
11. Витаминлар таъсирида келиб чиқадиган касалликлар.
12. Ферментларни озиқ-овқат саноатида қўлланиши.

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

Саволлар		Жавоблари		
1-даражали саволлар				
Озиқ овқат кимёси фанининг асосий мақсади.	Хом ашё, ярим ва тайёр маҳсулотларни кимё-вий таркибини, хом ашёни ва озиқ-овқат маҳсулотларини сақлашда ва қайта ишлашда юз берадиган кимёвий жараёнларни, янги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва овқатланиш тизимларини ўрганади	фойдали оқсилларни ўрганиб, озиқ-овқат саноатида кўллаш	озиқ-овқат кимёси ёрдамида антибиотиклар, витаминлар, органик кислоталар, оқсил, ёғ ва бошқа фойдали маҳсулотлар олиш	касал келтирувчи моддалар билан курашиш
Инсоният олдида турган энг асосий муаммо – бу	Ер юзи ахолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш	энергия билан таъминлаш	хом ашё билан таъминлаш	атроф мухит муҳофазаси, экологик ва радиацион хавфсизликни таъминлаш
Функционал озиқ-овқат маҳсулотлари бу	Инсонни соғлигига фойда берувчи ингридиент қўшилган маҳсулотлардир	инсонга энергия берувчи маҳсулотлар	ингридиент қўшилмаган маҳсулотлар	инсонни тўқ тутувчи маҳсулотлар
Нутриентлар –	Озиқа маҳсулотлари таркибидаги табиий бирикмалар	озиқа маҳсулотлари таркибидаги сунъий бирикмалар	озиқа маҳсулотлари таркибидаги заҳарли бирикмалар	озиқа маҳсулотлари таркибидаги заарсиз бирикмалар
Микронутриентлар –	Маҳсулот таркибида мг ва мкг миқдорда бўладиган моддалар	маҳсулот таркибида грамм миқдорда бўладиган моддалар	озиқа маҳсулотлари таркибидаги заарсиз бирикмалар	озиқа маҳсулотлари таркибидаги табиий бирикмалар
Макронутриентлар	Озуқа маҳсулотлари таркибида грамм миқдорида бўладиган моддалар.	озиқа маҳсулотлари таркибидаги сунъий бирикмалар	маҳсулот таркибида мг ва мкг миқдорда бўладиган моддалар	озиқа маҳсулотлари таркибидаги заарсиз бирикмалар
Алиментар моддалар –	Озуқа маҳсулотлар таркибидаги заарсли моддалар	озиқа маҳсулотлари таркибидаги табиий бирикмалар	маҳсулот таркибида грамм миқдорда бўладиган моддалар	озиқа маҳсулотлари таркибидаги заарсиз бирикмалар
Ноаллиментар озуқа моддалар –	Организм учун заарсиз лекин нутриентларни хазм бўлишига тўঁсинглик қилувчи моддалар	озуқа маҳсулотлар таркибидаги заарсли моддалар	озиқа маҳсулотлари таркибидаги заарсиз бирикмалар	озиқа маҳсулотлари таркибидаги табиий бирикмалар
Озиқ - овқат қўшимчалари нима	Озиқ-овқат хом ашёсига, ярим ва	озиқ-овқат маҳсулоти	мазасини яхшилаш учун қўшилади.	дори сифатида қўшилади.

учун қўлланилади?	тайёр маҳсулотга сақлаш муддати-ни узайтириш, органолептик хусусиятларини яхшилаш учун қўшилади.	сифатида қўшилади.		
Биологик актив қўшимчалар бу	Табиий биологик фаол моддалар бўлиб озуқа моддалар билан бирга ёки озиқ-овқат маҳсулотлар таркибига қўшилган холда ишлатилади	сунъий йўл билан олинган бўлиб, маҳсулотнинг мазасини яхшилайдиган модда	маҳсулотнинг сақлаш мудда-тини ошириш учун қўллани-ладиган модда	табиий моддалар бўлиб озуқа моддалар билан бирга организмнинг тонусини ошириш учун қўлланилади
Квашиоркор касаллиги танқислиги сабабли келиб чиқади	Оқсил	углевод	ёғ	минерал моддалар
Ўрни қопланмайдиган аминокислоталар нима?	Инсон организмида синтез бўлмайдиган ва организмга озуқа билан кириши керак бўлган аминокислоталар	Инсон организмида синтез бўладиган аминокислоталар	Инсон организмида озуқа билан кириши керак бўлган аминокислоталар	Инсон организми учун зарур бўлмаган аминокислоталар
Гормон бу	Органик табиатли модда бўлиб ички секреция безлар хужайрасида синтезланади ва қон таркибига ўтиб органларни фаолиятни бошқаради.	инсон ва хайвонлар этида дипептидлардан карнозин ва ансерин ташкил топган.	кичик пептидларни парчаланиши ди- ва трипептидаза таъсирида юз беради ва эркин аминокислоталар хосил бўлади.	организмнинг курашиш қобилиятини оширадиган модда
Янги оқсилли озиқ-овқат маҳсулот турлари - бу	Хом ашё таркибидаги оқсиллар асосида маълум кимёвий таркиба, хусусиятга, структурага ва биологик қийматга эга бўлган маҳсулот	хом ашё таркибидаги оқсиллар асосида олинган ва физиологик қийматга эга маҳсулот	сунъий маҳсулотлардан олинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари	турли микроорганизмларни лаборатория шароитида ўстириб, олинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари
Липидлар деб айтилади	Уч атомли спирт – глицерин ва бир асосли юқори карбон кислоталардан ҳосил бўлган мураккаб эфирлар аралашмасига	юқори молекуляр, азот ушловчи органик бирикмага	ички секреция безлари ишлаб чиқарадиган органик табиатли моддаларга	Куйи молекуали азот ушловчи органик бирикмага
Озиқ-овқат сифатини белгилайдиган фактор	Кимёвий тузилиши, озиқавий қиймати, ҳавфсизлиги, товар кўриниши, сақлашдаги барқарорлиги	Маҳсулот нархи, кимёвий тузилиши, озиқавий қиммати,	Маҳсулот нархи, кимёвий тузилиши, озиқавий қиммати,	товар кўриниши, сақлашдаги барқарорлиги, маҳсулот нархи.
Маҳсулотнинг озиқавий қиймати тушунчаси бу.....	Кимёвий тузилиши, ҳазм қилиш даражаси, калориялиги	Ҳавфсизлик, сақлашдаги барқарорлиги	Товар кўриниши, кимёвий тузилиши, озиқавий қиймати.	сақлашдаги барқарорлиги

Хом ашёни қайта ишлашда ферментатив жараёнларни тұхтатиши үйләрі	қиздириш, мұхитнинг pH ни ўзгартыриш	совитиши	музлатиши	гомогенизация
Ёғда әрувчи биологик актив моддалар:	Каротин, токоферол, ретинол	хлорофилл, ниацин, токоферол	ниацин, тиамин, ретинол	хлорофилл, ниацин, тиамин,
Озиқ-овқат маңсулотларидаги йод моддасининг етишмаслиги қандай касалликларга олиб келади	Тиреотроп гормонини синтезининг бузилиши, болаларнинг ақлий ривожланиши фаолияти бузилади ва эндемик буқоқ ривожланишига олиб келади	базедова касаллиги келип чиқади, стероид гормонини синтезининг бузилиши, эндемик буқоқ ривожланишига олиб келади	стероид гормонини синтезининг бузилиши, эндемик буқоқ ривожланишига олиб келади	парашитовид безларнинг катталашиши кузатилади, эндемик буқоқ ривожланишига олиб келади
Қайси маңсулотлардан темир моддаси организмге осон сингади	Гүшт, балиқ, жигар	анор, творог, цитрус мевалар	олма, товук гүшти	творог ва сут маңсулотлари
Қайси элементлар захарли хисобланади	Күргөшин, кадмий, селен, темир	калий, мис	кальций, темир	магний, калий
Қайси маңсулотлар Витамин А га бой?	Жигар ва балиқ мойи	қызил лавлаги, сут	мол гүшти, сариёf	олма, товук гүшти
Харорат пасайиши билан сувнинг қандай физик күрсаткичлари камауди	Қовушқоқлиги ва иссиқлик сиғими	зичлик	сув бүгининг босими	сирт таранглиги
Озиқ-овқат маңсулотларини түғридан түғри заараланиши нимага боғлық?	Ташқи мұхитнинг ифлосланғанлик даражасига	қадоқлаш идишларига	сақлаш шароитига	хом ашё турига
Озиқ-овқат хавфсизлиги деганда нимани тушунасиз?	Озиқ-овқат маңсулотларини истеъмол қылғанда инсон соғлиги учун хавф түгдирмаса	Ташқи мұхит учун хавф түгдирмаса	Озиқ-овқат маңсулотлари таркибида захарли моддаларнинг бўлмаслиги	Озиқ-овқат маңсулотларининг каллорияси пастилиги

2- босқич

Функционал маңсулотлар қандай истеъмол хусусиятларини ўз ичига олиши керак?	Озуқавий қиймати, маза бериш сифати, физиологик таъсирини	озуқавий қиймати, органелептик хусусиятларни	озуқавий қиймати, энергетик қиймати	озуқавий қиймати, энергетик қийматини, органолептик хусусиятларни
Анъанавий маңсулотлар қандай истеъмол хусусиятларини ўз ичига олиши керак?	Озуқавий қиймати, маза бериш сифати	озиқавий қиймати, физиологик таъсирини	озиқавий қиймати, энергетик қийматини, органелептик хусусиятларни	озиқавий қиймати, энергетик қиймати
Биологик фаол моддаларни озиқ-овқат	Албатта	биологик фаол моддасининг турига боғлиқ	ишлаб чиқарувчи хохишига қараб	шарт эмас

максулотларига қўшиш учун тиббиёт талабларига риоя қилиш керакми?				
Эссенциал аминокислоталар нима дегани?	Ўрни қопланмайдиган аминокислоталар	Ўрни қопланадиган аминокислоталар	Бошқа аминокислоталарда н ҳосил бўладиган аминокислоталар	Эркин аминокислоталар
Аминокислота скори кўрсаткичи нима учун қўлланилади?	Оқсилинг биологик қийматини баҳолаш учун	оқсилинг энергетик қийматини баҳолаш учун	оқсилинг функционал қийматини баҳолаш учун	оқсилинг тузилишини ўрганиш учун
Ўрни копланмайдиган аминокислоталар	Лизин, лейцин, метионин	гестидин, лейцин, метионин	орнитин, лизин, лейцин	серин, гестидин, лейцин
Озиқ-овқат алиментар компонентларига нималар киради?	Микронутриентлар, оқсиллар, ёѓлар, углеводлар	Озиқ-овқат толалари	Биологик фаол моддалар	Микронутриентл ар, биологик фаол моддалар
Ноалиментар озиқ- овқат компонентлари бу.....	Озиқ-овқат толалари, ифлослантирувчи контаминатлар, табий токсикантлар	Микронутриент лар, оқсиллар	Биологик фаол моддалар	Микронутриентл ар, биологик фаол моддалар
Антиалиментар озиқ-овқат компонентлари бу.....	Овқат ҳазм қилиш ингибиторлари, цианоген кликоидлар, минерал моддалар сингишини пасайтирувчилар, антивитаминлар	Цианоген кликоидлар, алкогол	Алколоидлар, минерал моддалар сингишини пасайтирувчилар	Овқат ҳазм қилиш ингибиторлари, алколоидлар
Ёѓларнинг биологик эффективлиги микдори билан аниқланади	Эссенциал ёғ кислоталари	тўйинган ёғ кислоталари	тўйинмаган ёғ кислоталари	фосфолипидлар
Эссенциал ёғ кислоталарининг организмдаги вазифалари:	Холестеринни парчалайди, организмнинг ҳимоя функциясини кўтаради, қон томирларининг эластицлик хусусиятини оширади, оқсил синтезида иштирок этади	қон ивишини стимуляция қиласди, хужайра мемранасининг структурати элементи хисобланади	хужайра мемранасининг структурати элементи хисобланади	қон ивишини стимуляция қиласди, оқсил синтезида иштирок этади
Пектин моддаларининг организмдаги вазифаси:	Токсинларни ҳамда радионуклидларни боғлади ва ташқарига чиқариб юборади, ичак перисталтикасини яхшилайди	пластик материал	энергия беради	хайвон хужайрасининг структурати компоненти
α – амилаза ферментининг тасъир қилиш механизми	Крахмалнинг юқори полимер занжирининг ичкимолекуляр	натив крахмал гидролизи	гликогендаги малтозани узади	клейстерланган крахмал гидролизи, Гликогендаги

	боғларини узиш, клейстерланган крахмал гидролизи			малтозани узади
β– амилаза ферментининг таъсир қилиш механизми	Гликогендаги малтозани узади	натив крахмал гидролизи	клейстерланган крахмал гидролизи,	крахмалнинг юқори полимер занжирининг ичкимолекуляр боғларини узиш, клейстерланган крахмал гидролизи
Қайси витаминлар тез оксидланиш хусусиятига эга?	Ретинол, токоферол, аскорбин кислотаси	тиамин, никотин кислотаси	калциферол, аскорбин кислотаси	никотин кислотаси, ретинол
Витаминлар —	Тирик организмда бўладиган жараёнларни биологик жихатидан тартибга солувчи ва катализаторлик вазифасини ўтовчи, турлича кимёвий табиатли қуий молекуляр органик бирикмалардир	организмнинг буфер системасини тузилишида иштирок этади	хужайранинг тургорига таъсир кўрсатади	организмдаги модда алмашинувида иштирок этади ва организмнинг тонусини оширади
Рационал овқатланишининг принциплари	Организмнинг бир кунлик энергияга ва озиқ-овқат нутриентларига бўлган талабга мослашиш, овқатланиш режимига эътибор бериш, овқатда кўпроқ ўсимлик оқсиллари бўлиши керак	нимани хоҳласант, хоҳлаган вактингда, хоҳлаганча истеъмол қилиш мумкин	овқатда кўпроқ ҳайвон оқсили бўлиши керак	ёғлиқ овқат истеъмол қилиш мумкин эмас
Пектин моддалари билин бой маҳсулотлар	Олма, лавлаги	карам, олма	ёрма, узум	сабзи, карам
«Глутамин эффиқети» бу	Янги терилган меваларда ва сабзавотларда пайдо бўлади.	янги терилган полиз экинларида бўлади	ҳайвонларда бўлади	микроорганизмла рда бўлади
Пестицид бу	Ўсимликларни турли касалликлардан кимёвий йўл билан химоя қилиш воситаси	Ўсимликларни турли касалликлардан биологик йўл билан химоя қилиш воситаси	Ўсимликларни турли касалликлардан физикавий йўл билан химоя қилиш воситаси	Ўсимликларни турли касалликлардан микробиологик йўл билан химоя қилиш воситаси
Озиқ-овқат кимёсини ўрганиш объектлари бўлиб хисобланади	Янги хом ашё ¹ манбалари, янги озиқ- овқат маҳсулотларини топиш ва мукаммалашган озиқ-овқат ишлаб чиқариш технологияларини	Янги хом ашё ¹ манбалари яратиш	мукаммалашган озиқ-овқат ишлаб чиқариш технологияларини яратиш	Озиқ-овқат маҳсулотларини текшириш лабораторияларини такомил- лаштириш

	яратиши			
Озиқ-овқат маҳсулотларининг функцияси	Инсоннинг асосий озуқага ва энергияга бўлган талабини қондириш, профилактик ва даволаш функцияларини бажариш	Инсоннинг асосий озиқага ва энергияга бўлган талабини қондириш	профилактик функцияларни бажариш	даволаш функцияларни бажариш
Хозирги замон озиқ-овқат маҳсулотларининг синфланиши	Анъанавий, функционал, маҳсус белгиланган, болалар, хомиладор аёллар ва эмизикли оналар учун ҳамда даволаш хусусиятига эга озиқ-овқат маҳсулотлари	Анъанавий, функционал, маҳсус белгиланган озиқ-овқат маҳсулотлари	Анъанавий, болалар, хомиладор аёллар ва эмизикли оналар учун озиқ-овқат маҳсулотлари	Анъанавий, функционал, маҳсус белгиланган, даволаш хусусиятига эга озиқ-овқат маҳсулотлари
Қандай озиқ-овқат маҳсулотларига генетик ўзгарган озиқ-овқат маҳсулотлари дейилади?	Ген инженерия йўли билан олинган ўсимлик, ҳайвон ва микроорганизмларга	Лаборатория шароитларида олинган ўсимлик, ҳайвон ва микроорганизмларга	Молекуляр биология ёрдамида олинган ўсимлик, ҳайвон ва микроорганизмларга	Клонлаштириш йўли билан олинган ўсимлик, ҳайвон ва микроорганизмларга
Қандай озиқ-овқат маҳсулотларига трансген озиқ-овқат маҳсулотлари дейилади?	Ўсимлик, ҳайвон ва микроорганизмларни қайта ишлаш натижасида олинган маҳсулот	Ўсимлик, ҳайвон ва микроорганизмларга ишлов бериш натижасида олинган маҳсулот	Қолдик маҳсулотларни қайта ишлаш натижасида олинган маҳсулот	Чиқиндиларни қайта ишлаш натижасида олинган маҳсулот
Қайси аминокислоталар микроорганизмлардан олинади?	Лизин, треонин, валин	метионин, триптофан, фенилаланин	треонин, триптофан,	метионин, валин
Қайси аминокислоталар кимёвий усул билан олинади?	Метионин, триптофан, фенилаланин	лизин, треонин, валин	метионин, фенилаланин	треонин, триптофан,
Озиқ-овқат саноатида эмульгаторлар нима учун кўлланилиади?	Маҳсулотга бир хил дисперс хусусиятни бериш учун	Маҳсулотга гел хусусиятни бериш учун	Маҳсулотни узоқ муддат сақлаш учун	Маҳсулот таъмини сақлаш учун
Оқсилии хом ашёни сақлашда содир бўладиган кимёвий ўзгаришларни кўрсатинг	Автолиз, протеолиз	амилолиз, коагуляция	гидролиз, автолиз	денатурация, протеолиз
Ёғларнинг оксидланиб бузилиш турлари:	Тахирлашиш, шўрланиш	амилолиз, шўрланиш	протеолиз	липолиз, гликолиз
Ёғларнинг оксидланишини келтириб чиқарувчи сабаблар:	Ҳаво кислороди, ёруғлик, нурланишнинг ҳамма турлари	ишқор таъсири	кислота таъсири	намликтин юқорилиги
Қайси витаминлар хом ашёни технологик қайта	Витамин Е, С, В ₁	Витамин PP, Вит В ₆	Вит K, Вит.C, Вит B ₁₂	Вит D, Вит E

ишлиш жараёнида осон парчаланади?				
Са ва Р мувозанатининг бузилиши натижасида келиб чиқадиган асоратлар	Са нинг организмдан ювилиб чиқиб кетиши, ошқозон ичак трактида Са сўрилишининг пасайиши	кислота-ишқор мувозанатининг бузилиши	қалқонсимон безининг касаллиги	анемия
Балансланган овқатланиш назариясининг асосий коидалари	Организмда энергия ва микронутриентлар балансини сақлаш	азот мувозанатига эришиш	организмда ёғ балансини сақлаш	организмда углевод балансини сақлаш
Озиқ-овқат маҳсулотларидағи гликан вазифалари	Куюлтириш, гел ҳосил қилиш, сувни боғлайди, антиоксидантлар			
Бактериал токсинлар туфайли келиб чиқадиган озиқ-овқатдан захарланиш касаллукларини кўрсатинг	Стафилококк бактерияси келтирадиган захарланиш ва ботулизм касаллиги	қизамиқ, кизилча	тиф, туберкулёз	пневмония, қутуриш
Микотоксинлар бу	Кучли токсик хусусиятга эга микроскопик мөғор замбурургларининг иккиламчи метаболитлари	*Ўсимликларни турли касаллуклардан кимёвий йўл билан ҳимоя қилиш воситаси	Ўсимликларни турли касаллуклардан биологик йўл билан ҳимоя қилиш воситаси	Ўсимликларни турли касаллуклардан физикавий йўл билан ҳимоя қилиш воситаси
Протеолиз ижобий рол ўйнайди	Пишлоқ етилишида, гўштнинг автолизида, нон пиширишда	балиқни эритища	унни сақлашда	янги балиқни сақлашда
Ҳамма ёғлар ташувчи хисобланади	Энергияни, эссенциал ёғ килотларини, токоферолни	учувчан ёғ кислоталарини	фосфолипидларни	омега – 3 ёғ кислоталарини
Майяр реакцияси бу	Озиқ-овқат маҳсулотларини ферментларсиз қорайишининг биринчи этапи хисобланади	озиқ-овқат маҳсулотларини ферментлар таъсирида қорайишининг биринчи этапи хисобланади	озиқ-овқат маҳсулотларини ферментлар таъсирида қорайишининг иккиинчи этапи хисобланади	озиқ-овқат маҳсулотларида меланоидин ҳосил бўлиши
Меланоидин – бу	Азотушловчи пигментлар	Фосфорушловч и пигментлар	Темирушловчи пигментлар	кимёвий тузилишга эга пигментлар
Гипервитаминоз – бу	Физиологик меъёрдан ортиқ витамин истеъмол қилиш натижасида кузатиладиган ҳолат	физиологик меъёрдан кам витамин истеъмол қилиш натижасида кузатиладиган ҳолат	физиологик меъёрдан ортиқ шириналк истеъмол қилиш натижасида кузатиладиган ҳолат	физиологик меъёрдан ортиқ туз истеъмол қилиш натижасида кузатиладиган ҳолат
Авитаминоз – бу	Витаминнинг бўлмаслиги ёки етишмаслиги	физиологик меъёрдан ортиқ шириналк	физиологик меъёрдан ортиқ витамин истеъмол	физиологик меъёрдан ортиқ туз истеъмол

	натижасида кузатиладиган касаллик	истеъмол қилиш натижасида кузатиладиган холат	қилиш натижасида кузатиладиган холат	килиш натижасида кузатиладиган холат
Сувда эрувчи витаминларга ... киради	Вит С, В ₁ , В ₂ , В ₆ , PP витаминалар	Вит А, В ₁ , В ₂ ,	Вит D, В ₁₂ , В ₂ ,	Вит Е, К, PP
Ёнда эрувчи витаминларга киради	Вит А, D, E, K, витаминалар	Вит А, В ₁ , В ₂ ,	Вит D, В ₁₂ , В ₂ ,	Вит Е, К, PP, В ₆
Провитаминалар – бу	Инсон организмидаги витаминаларга айланыш хусусияти эга бирикмалар	организмда витамин миқдорини камайтирадиган бирикмалар	организмнинг ўсиши ва ривожланишига таъсир қилувчи бирикмалар	организмдаги витаминаларни парчаловчи бирикмалар
Нима озука кислоталари манбай хисобланади?	Ўсимлик хом ашёлари ва унинг қайта ишланган маҳсулотлари	ҳайвон маҳсулотлари	балиқ маҳсулотлари	микроорганизмлар
Озука кислоталари озиқ-овқат маҳсулотларининг қайси сифатларига таъсир қиласи?	таъм бериш ва ароматик хусусиятларига	pH мухитига	ферментатив фаоллигига	рангига
Соғлом организм ошқозон шираси кислоталилиги (рН) нечага teng бўлиши керак?	pH=5,5	pH=4,5	pH=6,0	pH=6,5
Иммобилизацияланган ферментлар деганда	Ферментларни инерт қаттиқ моддаларга бириктириб ёки боғлаб мухитдаги эркин ҳаракатини чеклаб қўйиш тушунилади	боғланмаган эркин ферментлар тушунилади	ферментларнинг алоҳида тури тушунилади	ўсимлик хужайрасидан ажратиб олинган фермент тушунилади
Озукавий бўёқларнинг турларига.....киради	Натурал, минерал, синтетик бўёқлар	кимёвий, биологик бўёқлар	табиий, сунъий бўёқлар	табиий, кимёвий бўёқлар
Консервантлар — бу	Озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш муддатини узайтирадиган, микроорганизмларив ожланишини тўхтатадиган моддалардир	маҳсулот таъмини яхшилайдиган модда	маҳсулотнинг озиқавий тузилишини яхшилайдиган модда	тайёр маҳсулотнинг ташқи кўринишини яхшилайдиган модда

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

Оралиқ баҳолаш учун назорат саволлари

1. Түйинмаган ёғ кислоталари ва уларнинг аҳамияти
2. Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги кислоталарни умумий тавсифи
3. Түйинмаган ёғ кислоталар ва уларнинг аҳамияти
4. Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги кислоталарнинг умумий тавсифи
5. Ферментларни синфланиши ва номенклатураси
6. Липидларнинг тузилиши ва таркиби
7. Ферментларнинг умумий тавсифи.
8. Микроэлементлар ва уларнинг аҳамияти
9. Макроэлементлар ва уларнинг аҳамияти
10. Технологик ишловлар натижасида озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги минерал моддаларни ўзгариши
11. Инсон организмида темир кандай вазифани бажаради ва кандай озиқ-овқат маҳсулотларида уни миқдори юкори?
12. Иммобилланган ферментлар
13. Маҳсулот таркибидаги кислоталарни аҳамияти ва миқдорини бошқариш
14. Пектинли моддалар ва уларни хусусиятлари
15. Озуқавий маҳсулот ишлаб чиқаришда ёғларнинг ўзгариши
16. Инсон организмида минерал моддалар қанақа функцияларни бажаради?
17. Крахмални гидролизланишида иштирок этадиган ферментлар
18. Инсон организмида минерал моддаларнинг аҳамияти
19. Инсон организмида кальцийнинг аҳамияти қандай?
20. Целлюлозани гидролизланишида иштирок этадиган ферментлар
21. Маҳсулот сифатига органик кислоталарнинг таъсири
22. Маҳсулот таркибидаги кислоталарни аҳамияти ва миқдорини бошқариш
23. Инсон организмида минерал моддаларни аҳамияти.
24. Ферментларнинг қўлланиши.
25. Инсон организмида минерал моддаларнинг функциялари.
26. Маҳсулот сифатига органик кислоталарни таъсири. Ациллаш реакцияси
27. Инсон организмида кальцийнинг аҳамияти.
28. Переэтерификация реакцияси

УМУМИЙ САВОЛЛАР

1. Ферментларнинг синфланиши ва номенклатураси
2. Түйинмаган ёғ кислоталар ва уларнинг аҳамияти
3. Озиқ-овқат кимёси фанининг муҳим бўлим йўналишлари
4. Липидларнинг тузилиши ва таркиби
5. Ўрни қопланмайдиган аминокислоталар ва уларнинг организм фаолиятидаги ўрни.
6. Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги кислоталарнинг умумий тавсифи
7. Ферментларнинг умумий тавсифи
8. Микроэлементлар ва уларнинг аҳамияти
9. Макроэлементлар ва уларнинг аҳамияти
10. Иммобилланган ферментлар
11. Технологик ишловлар натижасида озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги минерал моддаларнинг ўзгариши
12. Маҳсулот таркибидаги кислоталарни аҳамияти ва миқдорини бошқариш
13. Озуқавий маҳсулот ишлаб чиқаришда ёғларнинг ўзгариши
14. Инсон организмида минерал моддалар қанақа функцияларни бажаради?
15. Ўрни қопланмайдиган аминокислоталар ва уларнинг организм фаолиятидаги ўрни.

16. Крахмални гидролизланишида иштирок этадиган ферментлар
17. Озиқавий қиймат нима ва биологик қиймат нима?
18. Азотли баланс нима ва организмда қандай қўринишлари бор?
19. Озиқ-овқат кимёси фанининг вазифалари ва инсон озиқланишида тутган ўрни.
20. Инсон организмida минерал моддаларнинг аҳамияти
21. Маҳсулот сифатига органик кислоталарнинг таъсири
22. Пектинли моддалар ва уларни хусусиятлари
23. Энергетик қиймат нима ва қайси формула билан топилади?
24. Функционал озиқ-овқат маҳсулотлари
25. Нутриентларга, алиментар моддаларга ва ноалиментар моддаларга нималар киради?
26. Биологик қийматтага таъриф беринг
27. Ҳозирги кунда инсонлар озиқланишидаги камчиликлар қандай?
28. Озуқавий кислоталарнинг аҳамияти қандай?
29. Бижғиши жараёни. Озуқа қўшимчалари ҳақида умумий тушунча.
30. Хом-ашё таркибидаги ферментлар
31. Нима сабабдан озиқ-овқат маҳсулотлари этикеткаларида энергетик ва озуқавий қиймат кўрсатилиши шарт?
32. Маҳсулотнингташки қўринишини яхшиловчи моддалар
33. Функционал озиқ-овқат маҳсулотлари
34. Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги кальций ва магнийни аниқлашдан мақсад нима?
35. Биологик фаол қўшимчалар
36. Пектинли моддалар. Мева сабзавотлар таркибидаги кислоталар
37. Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги кальций ва магнийнинг ошиб кетиши қандай оқибатларга олиб келади?
38. Нутриентлар, алиментар ва ноалиментар моддалар ҳақида тушунча.
39. Озиқ-овқат маҳсулотларини синфланишини тушунтириб беринг
40. Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги фосфорнинг ошиб кетиши қандай оқибатларга олиб келади?
41. Эмульгаторлар
42. Озиқ-овқат қўшимчалари ҳақида тушунча
43. Ёғларнинг инсон организми учун қандай фойдали тарафлари бор?
44. Инсон организмida минерал моддаларнинг аҳамияти
45. Ширин таъм берувчи моддалар
46. Функционал озиқ-овқат маҳсулотлари
47. Липидлар қандай моддалар?
48. Замонавий озуқа маҳсулотларининг классификацияси
49. Пектинли моддалар
50. Маҳсулотнинг таъмига ва хушбўйлигига қандай омиллар таъсир қиласи?

ГЛОССАРИЙ

ўзбекча	русча	инглизча	Атама мазмуни
<i>Нутриентлар</i>	<i>Нутриенты</i>	Nutrients	Озуқа маҳсулотлари таркибидаги табиий бирикмалар
<i>Микронутриентлар</i>	<i>Микронутриенты</i>	Micronutrients	Маҳсулот таркибида мг ва мкг миқдорда бўладиган моддалар. Буларга ўрни қопланмайдиган аминокислоталар, полиен ёғ кислоталар, минерал моддалар ва микроэлементлар, олигосахаридлар киради
<i>Макронутриентлар</i>	<i>Макронутриенты</i>	Macronutrients	Озуқа маҳсулотлари таркибида граммлар миқдорида бўладиган моддалар. Буларга углеводлар, липидлар, оксилилар, фосфолипидлар киради.
<i>Алиментар моддалар</i>	<i>Алиментарные вещества</i>	Alimentaro substance	Озуқа маҳсулотлар таркибидаги заарли моддаларга айтилади. Буларга микотоксинлар, микроорганизмларни ривожланиши натижасида ҳосил бўладиган токсик моддалар киради
<i>Ноалиментар озука маҳсулотлар</i>	<i>Ноалиментарные пищевые продукты</i>	Food products	Организм учун заарсиз лекин нутриентларни ҳазм бўлишига тўсқинлик қилувчи моддаларга айтилади.
<i>Биологик фаол қўшимчалар</i>	<i>Биологические активные вещества</i>	Biological active	Табиий биологик фаол моддалар бўлиб озуқа моддалар билан бирга ёки озиқ-овқат маҳсулотлар таркибига қўшилган холда ишлатилади
<i>Ген инженерлиги</i>	<i>Ген инженерия</i>	Gen engineering	-бунда ҳар қандай бегона организмнинг гени бошқа организмга ўтказилади ва янги фойдали организм олинади
<i>Ўрни қопланмайдиган аминокислоталар</i>	<i>Незаменимые аминокислоты</i>	Amonoacides	-бу аминокислоталар инсон организмидаги синтез бўлмайди ва организмга озуқа орқали кириши керак ва улар 8 та (фенилаланин, триптофан, лейцин, валин, изолейцин, лизин, метионин, треонин)
<i>Скор</i>	<i>Скор</i>	Scor	- бу маҳсулот таркибидаги ўрни қопланмайдиган аминокислотларнинг эталони сифатида қабул қилинган ўрни қопланмайдиган аминокислоталарга нисбатан улуш хисобланади
<i>Гормон</i>	<i>Гормон</i>	Hormone	Органик табиатли модда бўлиб, ички секреция безлар хужайрасида синтезланади ва қон таркибига ўтиб органларнинг фаолиятини бошқаради.
<i>Антисептиклар</i>	<i>Антисептик</i>	Anticeptic	Микроорганизмларга қарши курашадиган кимёвий ёки биологик воситалар
<i>Антибиотик</i>	<i>Антибиотик</i>	Antibiotic	Микроорганизмлар ҳосил қиласидаги заҳарли моддалар
<i>Альбуминлар</i>	<i>Альбуминлар</i>	Albumine	Сувда эрийдиган оксилилар
<i>Глобулинлар</i>	<i>Глобулин</i>	Gloubuline	5-10% ли тузли эритмада эрийдиган оксилилар
<i>Проламиналар</i>	<i>Проламин</i>	Prolamine	60-80% спиртли эритмада эрийдиган оксилилар
<i>Глютелинлар</i>	<i>Глютелин</i>	Glueteline	0,1-0,2% ишқорий эритмада эрийдиган оксилилар
<i>Лектин</i>	<i>Лектин</i>	Lectine	(лотинча — «танлаш») — бу ўсимлик гликопротеини бўлиб қандли моддалар билан комплекс ҳосил қиласиди. Бу номни у қондаги эритроцитни, хужайрани, бактерияларни аглютинация (агрегациялаш, ёпишқоқлигини ошириш) қилиш хусусиятидан олган. Аглютинация лектин билан хужайра юзасидаги

			углевод билан боғланиши натижасида юз беради
Коллаген	Коллаген	Collagen	Ташки хужайра оқсили, лекин у ҳужайра ичида синтезланади. Коллаген – терини, қон томирни, сүйкни, шохни ва пайни асосий макромолекуласи
Сүм	Молоко	Milk	-бу гетероген система бўлиб, дисперс фаза сифатида эмульгирланган ёғ глобулини ва казеинни коллоид мицелласи ҳисобланади.
ЭАК	A	Nitrate index	Эриган азот кўрсаткичи
ОДК	КДВ	coefficient of proteins	Оқсилларни диспергирлаш коэффициенти
Оқсилларнинг функционал хоссалари	Функциональные функции белков	Functional functions proteins	Оқсилларни физик-кимёвий хусусиятлари асосида таъминланадиган маҳсулотларнинг тузилиши ва сифати тушунилади
Макроэлементлар	Макроэлементы	Macroelements	Агар организмда минерал моддаларнинг миқдори $10^2\%$, кўп бўлса, улар макроэлементлар ҳисобланади.
Микроэлементлар	Микроэлементы	Microelements	Микроэлементларнинг миқдори 10^{-3} - $10^{-5}\%$ ни ташкил этади
Ультра-микроэлементлар	Ультра-микроэлементы	Ultramicroelements	Агар минерал моддаларни миқдори $10^{-5}\%$ кам бўлса улар ультра-микроэлементлар дейилади.
Витаминалар	Витаминалар	Vitamins	(лотинча «vita» — хаёт)тирик организмда бўладиган жараёнларни биологик жиҳатидан тартибга солувчи ва катализаторлик вазифасини ўтовчи, турлича кимёвий табиатли қуий молекуляр органик бирикмалардир.
Ферментлар	Ферменты	Ferments	Оқсил табиатли биологик катализатор бўлиб табиатда кенг тарқалган. Улар кимёвий реакцияларни 10^8 — 10^{20} марта тезрок катализлайди
Стандарт фермент бирлиги	Стандартный единиц ферментов	Standart ferments	1 микромоль субстратни 1 минутда катализлайдиган фермент миқдорига айтилади. Стандарт бирлик Е ҳарфи билан белгиланади
Нисбий ёки киёсий фаоллик	Относительная или сравнительная активность	Relative or compare activation	1 мг ферментга тўғри келадиган субстрат Е бирлик миқдори тушунилади. Оксилнимикдори Лоурива Къелдалусули биланан иқланишимумкин
Молекуляр фаоллик	Молекулярная активность	Molecular activation	1 молекула фермент мўътадил щароитда катализлайдиган субстратни молекуляр миқдорига айтилади. Бу тушунчада 1 минутда 1 моль фермент неча моль субстратни катализлаши тушунилади
Каталитик фаоллик	Каталитическая активность	Catalytic activation	1 секундда 1 моль субстратни катализлайдиган ферментга айтилади.
Активатор	Активатор	Activator	ферментларни фаоллигини оширувчи моддалар
Ингибитор	Ингибитор	Inhibitor	ферментларнинг фаоллигини камайтирувчи моддалар
Озуқа қўшимчалари	Пищевые дополнительны	Food additions	Табиий ва синтетик моддалар бўлиб озуқавий модда сифатида ўзлаштирилмайди. Уларни озиқ-овқат маҳсулотлари таркибига қўшилишидан мақсад, маҳсулотни сақлаш муддатини узайтириш, ташки кўринишини сақлаш ва органолептик хусусиятларини ўзгартиришга қаратилган.
Эмульгаторлар	Эмульгаторы	Emulgators	Маҳсулотга бир хил дисперс хусусиятни

			сақлаш учун күшилади. Эмульгаторлар анионли, катионли ва ионсиз эмульгаторларга синфланади. Анионли эмульгаторлар юзасида карбоксил ва сульфонил группалар бўлади. Катионли эмульгаторларда азотли группа, ионсиз эмульгаторлар юзасида гидроксил, кето ва эфирли группалар бўлади.
<i>Консервантлар</i>	<i>Консерванты</i>	Conservations	Озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш муддатини узайтирадиган, микроорганизмларни (бактерияларни, замбуругларни, ачитқиларни) ривожланишини тўхтатадиган моддалар
<i>Пробиотиклар</i>	<i>Пробиотики</i>	Probiotics	Озиқ-овқат маҳсулотлари учун биологик фаол кўшимчалар. Уларни таркибига тирик микроорганизмлар ва уларни метаболитлари киради ва қуйидаги гурухчаларга бўлинади: - тоза микроорганизм культураси асосидаги пробиотиклар; - аралаш таркибли пробиотиклар (аминокислоталар, микроэлементлар, моно ва дисахаридлар ва бошқалар кўшилган).
<i>XOKНК</i>	<i>Концепция критических контрольных точек опасных аспектов</i>	Conception critic	Хавфли омилларни критик назорат нуқтаси концепцияси
<i>Диоксинлар</i>	<i>Диоксины</i>	Dioxcides	<i>Кучли заҳарли бирикма бўлиб мутаген, канцероген ва тератоген хоссага эга. Озиқ-овқат маҳсулотларига асосий ҳавф солувчи модда хисобланади</i>

ИНФОРМАЦИОН-УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТ

АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР

№	Муаллиф, адабиёт номи, тури, нашриёт, йили, хажми
1.	Туракулов Ё.Х. Биокимё. Дарслик. – Тошкент.: Ўқитувчи, 1996. – 478 бет
2.	Нечаев А.П., Траубенберг С.Е., Кочеткова А.А. и др. Пищевая химия: Учебник. – СПБ: ГИОРД, 2007. – 640 с.
3.	Рогов И.А., Антипова Л.В., Шуваева Г.П. Пищева биотехнология: Кн.1. Основы пищевой биотехнологии. Учебник. М: Колос, 2004. - 440 с.
4.	Иванова Л.А., Войно Л.И., Иванова И.С. Пищевая биотехнология: Кн.2. Переработка растительного сырья/Под ред. И.М.Грачевой. Учебник. М:Колос, 2008. – 472 с.
5	H.-D. Belitz W. Grosch P. Schieberle, Food Chemistry, Springer-Verlag Berlin Heidelberg, 2009, pp.1114

КЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР

№	Муаллиф, адабиёт номи, тури, нашриёт, йили, хажми
1.	Гамаюрова В.С., Ржечицкая Л.Э, Пищевая химия. Лабораторный практикум. Учебное пособие. СПб, ГИОРД. 2006. – 137 с.
2.	Скурихин И.М., Нечаев А.П. Все о пище с точки зрения химика: Справочное издание. –М.: Высшая школа, 1991. – 286 с
3.	Нечаев А.П. Траубенберг С.Е., Кочеткова А.А. и др. Пищевая химия: Лабораторный практикум. Пособие для вузов. – СПб: ГИОРД, 2006. – 304 с.
4.	Дудкин М.С., Щелкунов Л.Ф. Новые продукты питания. Учебное пособие. – М.: Наука, 1998. – 304 с.
5.	Тутельян В.А., Суханов Б.Н., Андриевских А.Н., Поздняковский В.М. Биологически активные добавки в питании человека. – Томск: Научно-техническая литература, 1999. – 445 с.
6.	Кретович В.Л. Биохимия растений. Учебное пособие. – М.: Высшая школа, 1980. – 445 с.